

Асрларга татигулик кун

Ўзбекистон... Серҳосил ерларидан тортиб, осмон қадар бўй чўзган виқорли тоғларигача, поёнсиз далаларидан тортиб шарқироқ сойларигача биз учун жон қадар азиз, қадрли макон. Унинг ҳар бир қарич тупроғи биз учун муқаддас. Унда ўсган ҳар бир гиёҳ, унга тегишли бўлган жамики мавжудот бизга тўғиё.

Бугун ҳар биримиз учун она юрт мустақиллиги туйғусидан улуг, она замин ҳаёлидан ширин, она тупроқ ҳидидан азиз, она Ватан дийдоридан юксак нарса йўқ. Ҳа, бу ноёбликни, эзгу ўй-хаёлларни ҳеч бир нарсага алмаштириб бўлмайди.

Инсоният бор экан, ўз замин у юртида тинч, мустақил, фаровон яшашни истайди. Мана ўн беш йил бўлдики, бизнинг ҳам кўнглимизга истиқлол шабадаси урилмоқда.

Аждодларимизнинг бу йўлда тўкилган қонлари, мустақиллик деб аталмиш азалий орзу китобининг зарҳал, аммо аянчли нақшлари бўлиб қолди.

Уринишлар, заҳматлар бекор кетмади. Ниҳоят ўзбек халқи ўзининг энг муқаддас ва азалий орзусига — Мустақилликка эришди. Хўш, мустақиллик ўзи нима экан? Мустақиллик бу ўзига ишонч, бу ўз тақдирини ўзи белгилаш, бу орзулар рўёби демакдир. Юртим истиқлолга эришгач заминимизни ўраб олган қоп-қора булутлар ўрнини ярқираб турган қуёш нурлари чулғаб олди гўё. Хуллас, ўзбек халқининг муқаддас тарихий орзуси ушалди. У сиёсий мутелик асоратидан қутулди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади. Президентимиз томонидан ташқи сиёсатни амалга оширишда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шarti ва кафолатидир. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамият маънавиятини юксалтириш Ватанимиз тараққиётининг устувор йўналиши деб белгиланди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизациясига буюк ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди. Қадимий ёдгорликларни тиклашга катта эътибор қаратилди. Кўплаб Шарқ алломаларининг ўнлаб нодир ва ноёб асари ўзбек

тилидан инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинди. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва шоирларимизнинг юбилейлари нишонланди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг юртимиз маънавиятини ривожлантиришга эътиборидан далолатдир. Ўз навбатида биз ёшлар эса ана шу буюк маънавий меросни асрашимиз, қадрлашимиз лозим.

Мустақиллик йилларида республикада оммавий жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Масалан, мингдан ортиқ турли иншоотлар, шу жумладан, ўйингоҳлар, спорт заллари, майдонлар қуриб фойдаланишга топширилди. Уларда 7 млн.га яқин одам спорт билан шуғулланмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари олимпиадалар, осие ўйинлари, Осие ва жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақаларда 300 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритдилар. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян, Мухаммадқодир Абдуллаев, кураш бўйича жаҳон чемпиони Ақобир полвон, Камолполвон, теннис бўйича халқаро турнир ғолиби Ирода Тўлаганова каби спортчилар ўзбек халқининг ифтихоридир. Бугунги кунда Президентимиз ёш авлоднинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор қаратмоқда. Мамлакатда "Соғлом авлод" Давлат дастури ишлаб чиқилди ва кенг қўламда амалга оширила бошланди.

Мустақилликка эришилгач, Президентимиз Ислоҳ Каримов ўсиб келаётган ёш авлодга, баркамол авлодга катта эътибор берди ва "Ёшлар бизнинг келажагимиз" дея катта ишонч билдирди. Ўзбекистон тараққиётида таълим устувор соҳа ҳисобланади. 1997 йил 29 августда қабул қилинган таълим тўғрисидаги қонун таълимнинг барча йўналишларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун имконият яратди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизими яратилди. У мактабгача тарбия, умумтаълим мактабидан ташқари таълим, ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълимни ўз ичига олган. 1991 йилда турли фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар сони 799 тани ташкил этган бўлса, уларнинг сони 1998 йилда 9143 тага етди. Юртимизда янги турдаги ўқув масканлари вужудга келди. Масалан, ҳозирги пайтда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 185 та гимназия, 292 та лицей фаолият кўрсатяпти.

Минтақавий ва республика миқёсида ўқувчиларнинг фанлар бўйича олимпиадалари мунтазам ўтказиладиган бўлди. Олимпиада ғолиблари ихтисослиги мос келадиган олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинадиган бўлди. Шу билан бирга иқтидорли талабаларни хорижда ўқитиш ишлари йўлга қўйилди. Ҳар йили Республикада умумий таълим мактабларининг тест синовларидан ўтган 50 дан зиёд ўқувчи АКСЕЛС йўли билан АКШга ўқишга юбориладиган бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон таълим соҳасида АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка коллежлари консарциуми, CAPE, Тинчлик корпуси, Конрад Аденауэр Фонди, Британия кенгаши каби халқаро ташкилотлар билан ҳамокрлик қилмоқда. Мустақиллик йилларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Иқтидорли ёшларнинг "Истеъдод" хайрия жамғармаси, "Улуғбек" номидаги Ўзбекистон ёшлар жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Россия давлати билан нафақат иқтисодий алоқаларни, балки таълим соҳасидаги алоқаларни ўрнатди. Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали очилиши ҳам бунга далил бўла олади. 2006 йил дунёга ўз илғор таълим тажрибаси билан машҳур М.В.Ломоносов номли Москва Давлат Университетининг Мирзо Улуғбек номидаги Миллий Университетимиз қошида очилган Тошкент шаҳридаги филиали бу йил илк маротаба талабаларни қабул қилди. Бу каби замонавий хориж олий даргоҳларининг юртимизда очилиши ёшларни чуқурроқ билим эгаллашга, чет тилини пухта ўрганишга ундайди. Бунда уларга Тошкент шаҳрида очилган Британия кенгаши ва АКСЕЛС каби кутубхоналар катта ёрдам беради. Мустақиллик шарофати билан ўрнатилган ташқи алоқалар самараси бўлган бу кутубхоналар инглиз тилини ўрганишга чанқоқ ёшларга хизмат кўрсатишга доимо тайёр. Мустақиллик йилларида таълим соҳаси билан бир қаторда маданий ҳаётда ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. "Ўзбекистон Маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси томонидан кўтилаб маданий соҳани ривожлантирувчи дастурлар ишлаб чиқилди. Бу дастурлардан бири "Келажак овози" номли дастур бўлиб, у икки йилдан бери ўтказилиб келинмоқда.

Бугун юртимизнинг ҳар бир соҳаси ривожланмоқда. Айниқса таълим, маданият, спорт соҳаларининг ривожланиши биз ёшларни янада чуқурроқ билим эгаллашга, маънавий ва жисмонан пок, баркамол авлод бўлиб етишишимизга катта замин тайёрлайди. Ўз навбатида биз ёшлар билдирилаётган ишончни оқлашимиз лозим. Биз ёшлар тангри инъом этган олий неъматнинг қадрига етиб яшашимиз, юртимиз ривожини учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз, уни кўз қорачигидек асрашимиз керак. Зеро, мустақиллик бизга ҳурлик йўлини, бахту иқбол йўлини, эркинлик йўлини очиб берди.

Юртим мустақиллиги ҳамиша барқарор ва абадий бўлсин! Юртим узра чарақлаб турган истиқлол куюши ҳеч қачон сўнмасин!

**Бобур НАЗАРМУҲАМЕДОВ,
ЎЗМУ талабаси.**

Абдуғани СУЛАЙМОН



ОЗОДЛИК

I
Нихол эдим ҳаёт боғида,
Баррагина баргларим аро
Ургимчақдай тўр қурди ҳижрон
Ватандан узоқларда,
Кезиндим фироқларда,
Аммо юртга боғландим ҳар он
Узилмас иплари-ла соғинчларнинг.

Яхшиям оламда бор экан соғинч
Нажот тилаб пойига сажда айладим,
У елкадан кўтариб ўктам:
"Ватанинг бор мендай улугвор!
Уни эсдан чиқарма зинҳор,
Шу боисдан сенга ҳамроҳман",
Дея мени айлади огоҳ.
Унга мафтун бўлдим тобора -
Ватанимни соғиндим кўпроқ...

II
Муҳожир аталмиш
Пирсиз мусофирлик оғир кунларининг
Жондан ўтган аламлари
Қонга ўтмасин дебон
Нола чекдим сарсари.
Бироқ, куйган кунгил жароҳатига
Юпанч борми бундан афзалроқ?!

III
Ҳолиқ ҳар нарсани билгувчи азал,
Ўз қавмини ўзи суя билмаган,
Этиқодига куя билмаган,
Қалбида ор ҳиссин туя билмаган,
Дўст-душман фарқини тўла билмаган
Юрт учун юрак-бағрин тила билмаган
Истиқлол қадрини сеза билмаган
Ўзлагин англамас гофил гўмроҳдир.
Бари тарих учун сабоқдир, алҳол.
Воҳким,
Озодликмас истибдодни келтирган малъунлар,
Ўлжани мўлжал қилган беаҳамият мардумлар
Қатағон қоми билан,
"Озодлик" номи билан
Тажовуз-ла тўқди хун
Ўз нафсини қондириб..

IV
Бас!
Истиқлол йўл очди мазлумларга
Чек қўйиб буткул
Бешифқат азобу ўлимларга.
Қадим Турон заминига
Нур сочди бахт қуёши,
Хуррият байроғини баланд тутди Юртбоши!
Мақсад сари интилган
Карвон асло чекинмас,
Эзгу орзулар билан
Улкан сарҳадлар оша
Нури йўлдан борар, бас!



Шуккур ҚУРБОН

Чорла зофир гулларни



ВАТАН ҲАҚИДА БИТИКЛАР

1

Боболардан қолган кўҳна ақида:
Ҳар кимнинг сўзи бор Ватан ҳақида.
Ёзилиб яшар у, токи тирикмиз,
Зарҳал ҳарфлар-ла қалб пештоқида.

2

Ҳис этмоқ лозимдир дардларни
дилдан,
Акс ҳолда хом сўзлар чиқади тилдан.
Ватан тўғрисида гап кетганида
Фикрлаб бўлмайди ошқозон билан.

3

Ортиқча қийнамоқ шарт эмас
онгни,
Эзгу ният билан кутиб ҳар тонгни
Ва айлаб мустаҳкам қалбда
иймонни,
Севмоқ лозим холос Ўзбекистонни.

4

Халос ихлосдадир, ихлосда-халос,
Юртим қонунларин одиллиги соз!
Билсин билмаганлар: демократия
Бизда ўзига хос, ўзимизга хос.

5

Хусусийлаштириш бўлиб, одамлар
Кўп нарсага эга чиқди бу дамлар,
Хусусий дардларга очилди кенг йўл,
Йўқолди қайгадир умумий ғамлар.

6

Таним соғ, дилим тоғ дамлар ҳам келди,
Шодликдан кўксим тоғ дамлар ҳам
келди.
Баъзи ғариб дўстлар мен каби гоҳ-
гоҳ
Кувонсайди, деган ғамлар ҳам келди.

7

Эл-юрт йиллар бўйи кутган хурлик бу,
Бунни тан олмаслик ўта сурлик бу.
Қурбони Каримни нашр этиб берган
Замондан нолимоқ ношукурлик бу.

8

Ватан, сенсиз нетардим мен,
Девонадай кетардим мен.

Гулзоридан айро булбул
каби фарёд этардим мен.
Онам, дедим, боланг бўлдим,
Кўксингда оҳ-ноланг бўлдим.
Муҳаббатинг тўйиб жондан,
Бу дунёда одам бўлдим.
Кўз очиб кўраним сенсан,
Қизғониб юрганам сенсан.
Вужудим иўқ бўлиб кетар,
Жоним сенсан, жоним сенсан.
Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Бахтимга бўл доим омон.
Доим озод, доим обод
Кўрсин сени жумла жаҳон.

НАВРҮЗ

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум.
Абдулла Орипов

Кўкда парча-парча юлдуз,
Сирли-афсусли дунё.
Бир юлдуз бор жаҳонда
Тонг юлдузи-пурзиё.
Кўлларида нурдан қилич,
Тилларида нурдан сўз.
Тунга қарши жангга кирар
Осмон аро шу юлдуз.
Зулматликлар ранги ўчар,
Юзларидан қон қочиб.
Бу юлдуз юксак учар,
Қанотидан ўт сочиб.
Тўкилган қон тўкилар
Хув уфқлар ортига
Ва қуёш чиқиб келар
Миниб кундуз отига.

Тун узунми? Кун узун?
Қай бири қадрлироқ?
Албатта, кун! Албатта!..
Лексин... тун қаҳрлироқ!
Машбум ялдо тунида
Лаҳзаларга солар чанг,
Онларнинг кўкрагига
Суркаб чиқар қора ранг.

Шамолларнинг қўшиғи,
Дейсан, наҳот сим-сиёҳ?
Сим-сиёҳми дарахтлар?
Сим-сиёҳ майса-гиёҳ?!
Қоп-қора сой шовулар
Шундоққина ёнингда.
Ногаҳонда довулар
Уйғонади қонингда!
— Сой қорамми? Қорамми?..

Исён жўшар қонингда.
— Йўқ, ложсувард! —
Ҳайқирар
Бошингда тонг юлдузи!
Тундан узун бўлмоқ шарт
Бу дунёнинг кундузи!..
Яна жангга кирар у,
Кўлларида қилич-нур:
— Ҳей, зулмат, кунинг битди,
Минг нола чек, минг оҳ ур!..

Қон тўкилар, тўкилар —
Хув уфқлар ортига,
Ва офтоб чиқиб келар
Миниб кундуз отига!..

Бора-бора эрта чиқиб,
Кеч ботади бу қуёш,
Ёруғлик фарзандларин
Уйғотади бу қуёш.

Бора-бора кўпроқ кулар
Боғлар, боғлар ҳавоси.
Бора-бора кенгайди
Яхшиликлар сафоси.
Бора-бора кичраяди
Ёлғоннинг бўй-бастии ҳам.
Бора-бора узаяди
Ҳақиқатнинг дастии ҳам.

Наврўз, сен шу сарҳадда
Дунёга келган фарзанд.
Сен — фарзанд жамолига
Ёруғ дунё кўнгли банд.

Бугун кеча ва кундуз
Тенг келган улуг кундир,
Дунё яхши-ёмонга
Кенг келган улуг кундир.

Бугун узун, бугундан
Эртанги кундуз узун.
Эртанги кундуз аро
Ёнган тўғри сўз узун.

Эл-улус шу боисдан
Кўтаргай сени боида.
Уйларини тарк этиб,
Яйрагай дала-дашита.

Юракларнинг тўрида
Бир-бир жўяк очурлар,

Қадр, меҳр-муҳаббат
Уруғларин сочурлар.
Энг анвойи ҳислардан
Гулчамбарлар тўкилар,
Муҳаббатнинг ям-яшил,
достонлари ўқилар.
Дошқозонлар осилиб,
Уйин-кулгу бошланар,
бунни кўриб, ёмонлар
Жон-жаҳони гашиланар...
Наврўз, наврўз, огоҳ ўл,
Дунёда душманинг кўп.
Душманига бепарво
Кимсанинг пушмони кўп.
Чорла ғофил гулларни,
Боғларни чорла, наврўз.
Юраклар нештоқида
Туғ бўлиб порла, наврўз.

**УСТОЗ ШОИР
ҲИҚМАТЛАРИДАН**

1

Бунда ёлғон урчиган, қулоқнинг кераги
ёйқ,
Сохталиқлар беҳад, кўз-қароқнинг
кераги ёйқ.
Нафснинг зўрлигидан юракнинг
ўрнини ҳам —
Ошқозон эгаллаган... Кўпларнинг
кераги ёйқ.

2

Нафслар жунбишга келмишлар
беҳад,
Кўзлар кўр, қулоқлар том битган,
фақат —
Ҳамма бир-бирига оғзини очган:
Бер, дер, дер, ейман, дер беун,
бешафқат.

3

Иккинчи башаранг қолгач очилиб,
Хаёлларинг ҳар ён кетди сочилиб,

Айтилган энг юмишқ гап-сўзларим
ҳам
У ер-бу ерингга ўтди санчилиб.

4

Мустабид даврда асаб тобланди,
Айтилган ҳар сўз, ҳар оҳ
ҳисобланди.
Кўп шоирлар кўриб туриб ҳақсўзни
Айтмагани учун мукофотланди.

5

Турланиб, тусланиб яшайсан илдам,
Дўстми сен? Душманми? Кимимсан,
билмам?
Боқиб замонага қай юзинг-ла, оҳ,
Айтурсан бу сўзни қаеринг билан?

СОҢЕТ

Оилани бошқара олмай қолди у,
Билмайди: адашди қаерда, қандоқ.
Юракда юракни тўлдирган қайғу,
Юракда юракни сирқиратган оҳ.

Хотин гап қайтарар, фарзандлар
қайсар,
Кўл ҳам кўтаришар унга баъзида.
Ўзининг уйида ёт каби яшар,
Ҳар хил сўзлар чиқиб кетар оғзидан.

Йўқ, бойлик, мол-дунё эмас, бошқа бир
Муаммо бор бунда, бутунлай бошқа.
"Севиб турмуш қурган эди-ку,
ахир..."
Дурустроқ бир фикр келмайди бошга.

Ҳис этмас хазондай тутаётганин,
Худони танимай ўтаётганин.

СОҒИНЧ ДАРВОЗАСИ

1

Ўғлим, сен борсан-у, нега йўқдайсан?
Ўғлим, кул остида қолган чўғдайсан.

Бу кул нима, ўғлим? Сени
топмишдир,
Гул умринг бамисли хазон ёпмишдир.
Гул умр аввали, ахир, ғунчалик,
Ғунчанинг қисмати, наҳот,

шунчалик:

Сен сари боргали барча йўллар берк,
Дамлар барк, кунлар берк, ою йиллар
берк.

Фақат йўлларида тиканлар сочиқ
Соғинч дарвозаси менга ланг очиқ.
Тақдирдан қайга ҳам борардинг

қочиб?

Ҳайҳот, бу дарвоза сенга ҳам очиқ.
Униб-ўсмай туриб, кулмай бир шўх-
шан,

Сенинг ҳам кўксингга санчилар
тикан.

Етимча, дейишса, сени ўйлайман,
Сени қизғонаман, сени куйлайман.

2

Лайлак келди, ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди.
Болалик қувончлари,
Ўғлим, сенга оз бўлди.
Даданг туриб, дадасиз
Қолганлигинг рост бўлди.

Сен билмайсан, гўдаксан,
Унутасан дадангни.
Даданг, деб кўрсатарлар
Сенга бошқа одамни.
Етти ёт бегонага
Эргашасан "дада"лаб.
Даданг бунда юрадир,
Кўксига ғам қадалиб.

Кўксимга ғам қадалса,
Сени эслайман, ўғлим.
Бор эканинг ҳам — давлат,
Қаддим ростлайман, ўғлим.
Лаънатлайман ўзимни,
Лаънатлайман онангни.
Ва сенга "дада" бўлган
Етти ёт бегонани.

Севги бизни шу қаттиқ
Савдога қўйди, ўғлим,
Бошимизни эл аро
Ғавғога қўйди, ўғлим.
Бу оламда кўзлар бор,
Аҳволимиз кўрарлар.
Бу оламда сўзлар бор,
Масхаралаб куларлар.

Кулгу бўлиб ҳар кимга,
Шу жаҳондан ўтармиз.
Йўл бўйига чиқармиз,
Йўлларга кўз тутармиз.
Кўзларимиз тўрт бўлиб,
Бир-бировни кутармиз,
Шу жаҳондан ўтгунча,
Қоп-қора қон ютармиз.





Лайлак келди, ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди.
Бу дунёнинг роҳати,
Ўғлим, менга оз бўлди.
Ўғлим туриб, ўғилсиз
Қолганлигим рост бўлди.

3

Майлига, сеники бўлсин шу ёмғир,
Бошингдан инжудай сочилсин, ўғлим.
Ёмғирдай эзилди сенсиз бу бағир,
Бу бағир осмондай очилсин, ўғлим.

Кўз қорам сен эдинг, ҳамон ўзингсан,
Ўқиб улғайурсан хаёлларимда.
Тик қарай олмасман балки кўзингга,
Юрак ҳовучларман саволларингдан.
Балки савол бўлиб сингарман фақат,
Маҳзун табассумли қорачуғингга.
Балки икки жаҳон қилолмас тоқат
Мени кўрдинг келиб, қилган йиғингга.

Ўшанда унингни юпатил ўзинг,
Ола қол, сеники бўлсин шу ёмғир.
Оталар ҳамиша жумбоқдир, қўзим,
Қўзим, фарзандларга ҳамиша оғир.

БОТИР ЗОКИРОВНИНГ АРМОНИ

Ботир Зокиров куйлаганда қушлар
тинарди,
Ботир Зокиров қўшиқларин тош ҳам
тинларди.
Армон билан кетди, аммо буюк бир
хофиз,
Юрагини туз сепгандай бир ғам
тиларди:

"Навоийни куйлолмадим эстрадада..."
Янграгани чоғда юксак арабий

танго,
Оқ кийган эл хаёлида кўкарди саҳро.
Фаранглар ҳам тан олдилар
фарангистонда,
Гармселлар уфурди бу қақраган жонга:
"Навоийни куйлолмадим эстрадада..."

Ўлиб кетар эди бевақт, ўлолмади у,
"Шошма, ажал", деди бир дард, ёнди
бир туйғу,
"Омонати Худо жоним оласан, ахир,
Мен тайёрман, бир орзуим ушалмади-ку —
Навоийни куйлолмадим эстрадада..."

Шарқу Фарб, бу — икки қутб, олам-
икки хил,

Бир қозонда пишмайди ҳеч,
қайнатил минг йил.
Бир-бирига ранги уриб кетиши

мумкин,
Лекин мазмун ўша қолур, қолур ўша
дил:
"Навоийни куйлолмадим эстрадада..."

Гап нимада? Нақлдами? Моҳиятдами?
Оҳанг гўзал, ижро гўзал, қаерда
ками?

Балки ватан?.. Кўшиқнинг ҳам
ватани бордир?
Минг йиллик чинорларни кўчириб
бўладми?..
"Навоийни куйлолмадим эстрадада..."

ҲАЁТ ТАҒТИ

Шўролар Хоразм кентларин талаб,
Бузган-йиқитгани етмаганидай,
Тасодиф омон қолган бир қалъа —
Ичонни ҳам музейга айлантирди. "Ҳай!..
Афсонавий кентда одатий турмуш?!
Эс борми бу халқда? Нима деган гап?!
Керак одамларни тезроқ кўчириши,
Эшик-тешиқларни қўйинг тамбалаб!..
Кундуз-ку, бир нави, сайёҳлар ила
Шаҳар ўз дардига бўлди андармон.
Бироқ мезбонларни ахтарди еллар
Бунда тун-кечалар сарсон-саргардон.
Ажиналар кезди кўча-кўйларда,
Эгасиз қабрлар қолди мунғайиб.
Чироқлари ўчган бўм-бўш уйларда
Арвоҳлар шарпаси юрди соч ёйиб.
Унсиз нола чекди ҳар битта минор,
Муаззиннинг азон тошига ташна.
Чақалоқ йиғисин қўмсашиб бедор,

Ранглар кўзларидан оқизди ёшлар.
Равоқлар пиёз-доғ ҳидин соғиниб,
Муздай ўчоқларга кўз солди маҳзун.
Кўтармоқ осонми ҳижрон доғини,
Ушлади шаҳар ўз кўксин-гумбазин.
Паҳлавон Маҳмуд-чи?
Паҳлавонлигин
Кўйди, шоирлиги тутди ва жўшди.
Ўткинчи замоннинг бу нодонлигин
Ўткинчи тентаклик тўпига қўшди.
Соҳиблари йўлин пойлаб нигорон,
Чўкди мадрасалар, деворлар ғариб.
Уч ой ўтар-ўтмас эса, беомон
Кетди шаҳар бирдан юз йилга қариб.
Ҳар нечун кечикмай олинди олди
Буюк фожванинг, буюк хатонинг.
Қалъа соҳиблари қалъага келди
Иродаси ила ҳақ-таолонинг.
Демак, сас-садо ҳам, нур ҳам, ҳовур ҳам
Ўзига хослигин сақлар ҳаётнинг.
Йўқ экан уларсиз, демак, сурур ҳам,
Ғурур ҳам қалбида одамий зотнинг.
Бу ҳикмат мағзи ҳам бебаҳо, лазиз,
Ривоятлар сўйлар турфа шевалар.
Одамлар бор экан, бордир шубҳасиз
Бу ёруғ жаҳонда кўҳна Хивалар.

* * *

Бизни бир-бировга қайраётганлар,
Ўзлари бир четда яйраётганлар.
Иккимизга айри-айри шаклда
Дунёни қоронғу айлаётганлар.

* * *

Ёнар ўнг ёнимда юксак бир олов,
Ёнар сўл ёнимда юксак бир олов,
Ортда ҳам. Қочурман олға — сен
томон,
Шунда ҳам бу ишққа ишонмас биров.

* * *

Яна сен, яна сенинг дардинг — бедаво,
Яна мен, яна менинг қалбим —
бенаво.
Биламан Худодан бари, ҳажр ҳам,
Лекин сендан, сендан дейман мен
танҳо.

* * *

Ҳаммаси Худодан —
Парвардигордан,
Унинг ҳукми ила дунёда борман,
Яхшиман, ёмонман, сенга дўст-ёрман.
Ошиқман, ожизман, меҳрингга зорман.





Нормурод НОРҚОБИЛОВ

Ғашиқлар

Қусса



Суюкли ити Диккиқулоқ ўлдириб кетилгандан сўнг, ғазаби кўкка ўрлаган Сарвар, итининг қотили бўлмиш Ёлдор бўрининг жонини олмоққа қатъий аҳд қилди. Шу тоғда ё сен турасан, ё мен, дея бор овозда ҳайқирди. Кейин ити жасадини иззат-икром билан тепаликка кўмди. Дўппайган "қабр" устида, теваракдагилардан уялди шекилли, кўзини ёшламоқдан базўр тийилди. Мижжалари ёшланмаса-да, йиғламоқдан бери бўлиб деди:

— Ит эмас, гавҳар эди! Гавҳаримдан айирдилар!

Атрофдагилар мийиғида илжайишса-да, одоб юзасидан, сукут сақламоққа ҳаракат қилдилар. Шунга қарамай, кинояомуз томоқ қирувчилар барибир топилди. Нега деганда, итнинг ўлими тоғда фожеа саналмайди. Жасади бу тарзда иззат-икром билан кўмилмайди. Эшакда бирор ўнқир-чўнқирга судраб обориб ташланади. Эти кўзгунларга ем бўлиб, суяги тупроққа қоришиб кетади. Бинобарин, тоғда ит қаҳат эмас, исталган хонадонга бош суқсанг, йўқ деганда, уч-тўрттаси олдинга акиллаб чиқади. Эгаси билан келиш-да, хоҳлаганингни танлаб олавер.

Итта аза очиш нимаси?

Бироқ Сарвар деганлари қишлоқ итларини бир чақага олмайди. Буларда фақат жасад бор, фаҳм-фаросатдан эса зигирча йўқ, дейди. Тулкисимон Диккиқулоғини эса дунёдаги барча итлардан афзал кўради. Бунда бор-йўғи забон йўқ, қолган ҳамма нарсани одамдай илғайди, одамдай фаҳмлайди, ишонмасангиз синаб кўринг, дейди. Аммо Диккиқулоқнинг ўзига хос аъло жиҳатларини одамлар билишга улгурмади. Эрта тонглардан бирида у Ёлдорнинг чангалида, эгаси айтмишли, фожеали равишда нобуд бўлди.

Энг ёмони, бу ҳодиса Сарварнинг кўз ўнгида юз берди.

Тонг гира-ширасида кўра адоғидан қора кўланка сирғалиб чиққанида, Сарвар одати бўйича ҳовлида нафас олиш машқини бажармоқда эди. Ити кўрадан берироқдаги

ялангликда искаланиб юрарди. Қора шарпани қишлоқ итларидан бири деб ўйлаган Сарвар аввалига унга эътибор бермади. Қачонки, Диккиқулоқ ўзи томон жонҳалтпа отилгачгина, диққат қилди. Итини таъқиб этиб келаётган кўланканинг росмана бўри эканлигини англади. У бамисоли қора қуюндай бостириб келарди. Ана, у ҳашпаш дегунча итини қувиб етди. Сарвар эс-ҳушини йиғиб олгунча бўлмай, уни жонсиз жасадга айлантириб, тоғ томон аста йўртиб кета бошлади. Ҳатто ўқ овозидан сўнг ҳам ҳаракатини ўзгартирмади.


Табий, Сарвар уйдан милтигини олиб чиққунча у анча олислаб кетганди. Йигит унинг ортидан беҳуда югуриб, бекорга ўқ узиб, ҳийла ергача таъқиб этиб борди. Сўнг нафаси қисилиб, тақрон ерда чўзилиб қолди.

Бу ҳодисани ўзидан бўлак фожеа сифатида қабул қилувчи бўлмади. Сарвар деганлари бу қишлоқ учун бегона. Тоғ ҳавосидан дардига шифо излаб келган бир одам. Аммо у ўзини бегонаман деб тургани йўқ. Киришимли, пишиқ-пухта йигит экан. Келиши билан кишилардан бир сурув қўй-қўзи сотиб олиб, Ғуччи паканани чўпонликка ёллади. Суюн чолнинг ўртанча ўғлига атаб қурдирган уйини кўра-пўраси билан ижарага олди. Ҳафтада бир машинада келиб, ҳолидан хабар олиб кетадиган ошна-оғайнилариининг турқ-тароватиға қараганда, ўзига тўқ одам. Аммо ҳеч бетобга ўхшамайди. Кун бўйи, елкасида милтиқ, тоғма-тоғ санқийди, ё бўлмаса, бетдаги ёввойи бодомзорда соатлаб мук тушиб ўтиради.

Ғуччи пакана эса унга итдай содиқ. Сурувга қарашдан ташқари, оқшомги куйдириш-пишириш ҳам унинг зиммасида.

— Ака шаҳарга қайтишда мениам ўзи билан олиб кетаркан, — дейди мақтаниб. — Шаҳарди жонон қизларидан бирига уйлантириб қўяман ўзим сени деяпти.

— Шу нияти бор экан, қишлоқди қизлариям тешиб



чиқмасди, — дейди эшитганлар кулиб. — Ё шаҳарди қизлари бошқача бўларканми?

— Қишлоқди қизлари бизга тўғри келмайди. — Гуччи пакана "акахони" каби теваракка виқорли назар ташлашга уринади. — Энди биз, шу... шаҳарди энаси ўпмаган қизига ўйланамиз-да. Шу иш пешонада бор экан-да.

— Назаримда, Товқора зараннинг қизи кетидан тилингни осилтириб юрувдинг, нима, кўнмадими у?

— Айтдим-ку, қишлоқди қизи бизга тўғри келмайди деб. — Гуччи пакана бўш келмасликка тиришади. — Унинг бошидан ачиган қатиқ иси анқийди. Шаҳарди қизлари атирда чўмилади. Бизга шаҳарди қизи дуруст.

— Узоқдаги қуйруққа интилиб, яқиндаги ўпқадан қуруқ қолмагин тагин. Эшитдингми, унга Учтолдан совчилар келаётганмиш.

Бироқ бу гап Гуччи паканага зиғирча таъсир қилмайди. Сўзловчи қолиб, тоғларга боқади, ғалати тамшанади.

— Ҳар кеч ака билан маза қиламиз лекин, — дейди томдан тараша тушгандай. — Акада ароқ сероб. Огайнилари ташлаб кетишади. Ўзи камгина ичади-ю, лекин мендан ҳеч аямайди.

— Одамга ўхшаб, уч-тўрттасини қўйнингга соб чиқмайсанми, бизам маза қимаймизми.

— Ака хафа бўлади-да.

— Билиб ўтирибдими.

— Билади. Ака ёмон синчков.

— Зўр ака топдинг-да лекин.

— Худога шукр!

— Ҳазир бўл, тагин чопонсиз қолдириб кетмасин.

Шаҳарди одами айёр бўлади.

— Хафа қилаяпсиз, биродар. Ака сиз ўйлаган одам эмас.

Қишлоқ аҳлининг Сарвар ҳақида ҳозирча билганлари шу. Кўпроқ ўз майли ва ўз хаёлида брадиган бу одам ити ўлдирилган куннинг эртаси оқшом эркаклар йиғилиб ўтирадиган дўнгликка чиқиб келди. Кун бўйи Ёлдорнинг изидан санған шекилли, ҳорғин ва андак тажанг эди.

— Нима, тутқич бермаяптими, меҳмон? — деди Суюн чол ҳол-аҳвол сўраган киши бўлиб. — Туттишингиз қийин уни. Эргаш бодигаям тутқич бермаган у. Ўрта ерда Эргашнинг ўзи ўлиб кетди.

Сарвар жавобга ошиқмади. Тоғларга бир муддат тикилиб тураркан, толғин бир ҳаракатла чўнтагидан бир даста пул чиқарди.

— Итимнинг ҳунига мана шуни тикаман! — деди илдаоли, ҳам кибри оҳангда. — Шарти шу, жасади оёғим остида бўлиши керак! Тепкилаб аламимдан чиқмоқчиман!

У, қўлидаги озмунча пул эмасди, одамларнинг гамирлаб қолишини кутганди. Аммо у кутган ҳодиса юз бермади. Давра аҳли тебранмади. У, ё бу камми, деганча бўлмай, кимдир бу йил қиш эрта келиши мумкинлигини айтиб қолди. Бир зум сукутга толган давра бирдан жонланди. Қишнинг эрта келиш-келмаслиги ҳақида ҳар ким ўз билганича башорат қила бошлади.

Сарвар сездики, бунинг ҳаммаси шунчаки гап. Ноқулай вазиятдан қутулмоқ учун кўтарилган "ғавғо". Одамлар гўё унинг борлигини унутгандай, кераксиз баҳсга берилганди. Ҳартугул Суюн чол жонига ора кирди.

— Чўкинг, меҳмон, турманг буйтиб, — деди кўзлари жовдираб.

— Борай! — деди Сарвар, бу ерда мен ортиқча эканман, деган оҳангда. — Ўтириб нима қилдим, борай!

У кетмоққа улгурмади. Бир чеккада чакмонига ўралиб, гумбаздай бўлиб ўтирган Шойим йўғон тўсатдан

тилга кирди. Сарвар ҳамиша хўмрайиб юрадиган бу одамни жинидан багтар ёмон кўрарди. Шунинг учун энаси қотиброқ унга юзланди.

— Ўлдирсангиз майли, лекин жасадини хўрлашингизга йўл қўймаймиз, — деди Шойим йўғон томоғини қира-қира. — Нимага деганда, Ёлдор бизга бегона эмас, ўзимизнинг жондор. Итларга кун бермагани билан, ҳозирча мол-ҳолимизга текканича йўқ. Пулди эса киссага солинг! Пул дегани ўзимиздаям ачиб ётибди.

— Ҳа, у ўзимизнинг жондор, — Суюн чол ўйиндан ўт чиқмасин деган ўйда, шоша-пиша гапга аралашади. — Гуччивой сизга айтган чиқар, а?

— Ҳозирча айтганича йўқ.

— У айтмаган бўлса, биз айтма-да, — Шойим йўғон ўсиқ қошлари остидан ўқрайиб тикилди. — Ёлдорни Толмас чолнинг невараси Сафар деган бача асраб олган. Иккисиям раҳматли бўлиб кетган. Аввал бача ўлди, кейин бобой... Шундан бери Ёлдор эркинликда юрибди. Тўғриси, у биздиям роса жонимизга теккан. Итларга ҳеч кун бермайди. Шу куз ичи учта итимни бўғизлаб кетди. Бу туришда қишлоқда биттаям ит қолмаса керак. Шунинг учун уни ўлдиришга изн берамиз. Лекин хўрлашга руҳсат йўқ.

— Ўлдирилгандан сўнг... — Сарвар гаши келаётганини яшириб ўтирмади. — Хўрланди нима-ю, хўрланмади нима, барибир эмасми?

— Аввал сиз уни ўлдилинг, — Шойим йўғон совуқ кулимсиради.

— Ўлдираманам!

— Агар ўлдира олсангиз, бетдаги анову сурув сизники.

Сарвар унинг бу гапини ҳазилга йўйиб кулмоқчи бўлди. Бироқ Шойим йўғоннинг авзойи бунга йўл қўймади.

— Назаримда, сиз... гаров ўйнамоқчисиз шекилли? — деди шошиб.

— Эмасам-чи! — Шойим йўғон илжайишга тиришса-да, кўзлари кулмади. — Сиз нонни "нанна" деб юргангизда, Шойим акангиз шаҳарнинг кўзирларидан бири бўлган. Вақтида аҳмоқликни кўп ва хўп қилганмиз. Қисқаси, гап бита, жондорни ўлдилинг-да, сурувини олиб кетаверинг!

— Демак, эплашимга ишонмаяпсиз?

— Кўп майда гап бўлманг, укам! — Шойим йўғон аста ёнбошларкан, унга ғазабнок тикилди. — Ўйинни бошлаган сиз, мен эмас! Пул кўрсатиб бодилик қилган мен эмас, сиз! Шунинг учун гапни кўпайтирмай, ҳаракатингизни қилинг! Муддат ўн кун.

— Ўйинга биз ҳам қўшилсак бўладими? — деб сўради кимдир.

— Йўқ! — деди Шойим йўғон қатъий йўсинда. — Ютқазса, бу йигитнинг ташлаб кетадиган нарсаси бор. Хўш, сенинг ниманг бор? Ё қари энангни тикмоқчимисан?!

— Ҳай-ҳай, оғизга эгалик қилинглар! — Суюн чол катталарга хос босиқлик билан даврани тинчитишга уринди. — Арзимас бир жондорни деб итдай ириллашманглар! Уят бўлади-я.

— Арзийди, ака, арзийди, — Шойим йўғон тирсагини ердан узиб Сарварга қошлари остидан ўқрайиб тикилди. — Дамингиз чиқмай қолди, меҳмон? Қани, қўлни ташламайсизми?!

— Қўл ташлаш бўлса, қўл ташлаш-да! — паст кетишни истамаган Сарвар ўтирган одамларни оралаб ўтиб, унинг қошида тўхтади ва зардали бир ҳаракатда кафтини узатди: — Ташланг!

— Узинглар!

Йигитлардан бири сакраб ўрндан турди. Қўлини

ҳаволатиб, туташган панжалар устига урган бўлди:

— Уздим!

Кунботиш томондан тўсатдан қўзғалган аччиқ изғирин кишиларни ортиқ эзмаланиб ўтиришига йўл қўймади. Аввал Суюн чол ўрнидан турди, сўнг бошқалар.

Дўнгда ёлғиз қолган Сарвар тевааракка хомуш боқаркан, тўнғиллаганча, Шойим йўғоннинг гўрига гишт қалай бошлади...

* * *

Бу пайтда Ёлдор қишлоқдан унча узоқ бўлмаган сийрак арчали дўнгликда ерга бағрини берганча, лоқайд чўзилиб ётарди. Нигоҳи тўнг эса-да, қулоқлари динг, димоғи тийрак эди. Димоғи иллаган ҳидларга қараб, тевааракни тўла идрок ётарди. Ланжлигига келсак, ҳамма бало қорни тўқлигидан эди. Қорни тўқ кезлари у ҳамиша тўнг тортиб қоларди. Бугун ҳам у Учдарада чоғроқ тўнғиз боласини қўлга туширган бўлиб, энди унинг ҳазми билан овора эди.

Яғрини туқларини ҳурпайтириб эсаётган совуқ ел тоғлар бошига қор тушаётганидаёқ дарак берарди. Бу ерларда қиш эрта ва тўсатдан тушади. Даралардан куз ҳавоси ариб улгурмай, қутилмаганда қор ташлаб қолади. Ковлашга улгурмаган картошқалар, териб олинмаган мевалар қор тагида қолиб, совуқдан нобуд бўлади. Шунинг учун аксарият кишилар чорвани маъкул кўриб, ерга қарамайди. Шунингдек, ерга умид билан уруғ қадовчилар ҳам йўқ эмас. Чорвалорлар қишда бўрилардан азият чеккандек, улар ҳавонинг авзоига қараб, жонлари ҳалак бўлишади. Бу етмагандек, ердаги ҳосил этилиб-етилмай "тунги қароқчилар" — тўнғизлару айиқлар томонидан хомталаш қилина бошлайди.

Бир қарашда, дунёнинг бу ташвишлар билан Ёлдорнинг ҳеч иши йўқдек. Аслида эса...

Қоратепа биқинидаги олмазор туфайли тунлари унинг ҳам ҳаловати йўқ. Олмазор Суюн чолга тегишли. Кундузлари эшакда келиб, боғда тентиган бўлади-ю, шом тушмай қорасини ўчиради. Тунда олмазорга қўнғир айиқ — Маймоқ эғалик қилади. Ёлдор ундан олмазорни эмас, Қоратепа этағидаги чоғроқ қабрни қизгандай. Нега деганда, калтафаҳм Маймоқ бошқа йўл қуригандай, нуқул қабрлар ораляб юради. Чоғроқ қабр ёнига етганда эса, тевааракни ўрганиш учун албатта тўхтайдди. Ана шунда нақ тумшуғи тагида ириллаганча Ёлдор пайдо бўлади. У ён сакраб, бу ён сакраб, Маймоқни қабр ёнидан узоқлаштирмагунча тинчимайди.

Маймоқ эса ҳамиша бир ҳолдан таажжубланади. Негаки, тумшуғи тагида бамисоли иблисдай ирғишлаётган кулранг бу махлуқ бошқа ерда, яъни тоғу тошда рўпару келиб қолса, қайрилиб ҳам қарамайди. Қоратепада эса нақ бетидан олади.

Не сабабдан?

У Қоратепада ҳамиша Ёлдорга ён беради. Ахир бир неча метр нарида олма ҳиди димоғини қитиқлаб турса, қайси аҳмоқ безбет бир махлуқ билан пачакилашиб ўтиради. У олмазорга шўнғиркан, албатта, ортига қараб қўяди. Ёлдорни қабр ёнида чўнқайган ҳолда кўради. Аммо ҳакалак отаётган нафси ортиқча уйларга изн бермайди.

Ёлдорга тиргалмаслигининг асосий сабабларидан яна бири шундаки, одатда, жониворлар ўзларининг қачон ҳақ, қачон ноҳақлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳамиша вазиятга қараб иш тутишади. Олмазор эса ўз мулки эмас, одам боласига тегишли бегона худуд. У, қулоғи динг ҳолда, ҳар бир мевага оғиз соларкан, ўзга худуддалигини, хатти-ҳаракатидаги

ноҳақликни доимо ичдан ҳис этиб туради. Бунақа пайтда ортиқча шарпа чиқармасликка уринади.

Ёлдорнинг куракда турмайдиган қилиқларига чидашининг боиси шунда.

Аммо яқинда Маймоқни ёмон тутди. Тупроқ титиб қаршисида ирғишлаётган Ёлдорга бирдан ҳамла қилиб қолди. Ёлдор базўр ўзини четга олган бўлса-да, хиёл тегиб ўтган зарбадан барибир бир юмалаб тушди. Эзиб ташлаш қасдида бостириб келган ганимининг чангалидан бир амаллаб қутуларкан, охири дақиқала унинг орқа сонига тиш ботиришга улгурди. Маймоқ бесўнақай, Ёлдор эса эпчил, қабр тепасида олатасир жанг бошланиб кетди. Қабр қаватидаги чириган чўплар синди, ҳар ён сочилди. Аслида бунини олишув деб бўлмасди. Маймоқ ҳужум қилар, Ёлдор эса қочар, қоча туриб гоҳ унинг ёнбошида, гоҳ ортида пайдо бўлиб қоларди... Охир оқибат, бу сафар ҳам Маймоқ босиқлик қилди. Беҳуда ҳамлани тезда бас қилиб, қабрдан узоқлашди. Зумда олмазорга сингиб йўқолди.

Қабр ёнида даргазаб қолган Ёлдор андак зарбанинг залворли кучини кейин ҳис қилди. Вужуди қақшаб, қабрлар орасида хийла вақт чўзилиб ётди.

Ҳозир ҳам у яғринининг сим-сим оғришига эътибор бермасликка тиришиб, қишлоққа тикилиб ётаркан. Дўнгда йиғилиб ўтирган одамлар яқинида исқаланиб юрган малла итга кўзи тушиб, бошда оҳиста ириллаб қўйди. Сўнг, итнинг ҳаракатларини зимдан кузатаркан. юрагида ўша таниш ҳис-жон олмоққа ташналик туйғуси қайта бош кўтарганини сизди. Даҳшатли жағлари шақирлаб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Аммо ит олисда, ёнида эса одамлар... У ноилож қайта жойига чўкди.

Занжирбанд этилган мурғак жонивор қишлоқ итлари томонидан эрмакка эмас, бўри зотидан бўлгани учун бешафқат таланарди. Қалин тахталардан қўполлан-қўпол ясалган ини ва жонсарак бола — Сафар жонига ора кирмаганида, у аллақачон итлар чангалида жон таслим қилган бўларди. Қизиқ жиҳати, итлар унга очикда ҳужум қилишар, инига эса бирортаси бош суқолмасди. Бола ҳовлида пайдо бўлиши билан ҳаммаси тумтарақай қочарди.


Барча қишлоқ уйлари каби ҳовли гирди девор билан ўралмагани учун ит ҳам, бит ҳам бемалол кириб келаварарди. Шалпангқулоқ итини эргаштириб юрадиган Эргаш боди ганимларининг энг ёмони эди. Ҳовли эгалари йўқ пайтларида, у итини Ёлдорга гиж-гижлар, бу етмагандек, уни инидан судраб чиқариб, биқинига аёвсиз тепкиларди. Хонадон соҳиблари келиб қолса, баҳонаси тайёр эди.

— Шу келди-ю, сигиримнинг сути қочди, — дерди оғзидан кўпик сачратиб. — Тезда йўқотинг бунини! Эмасам, ўзим йўқотаман!

— Қанақасига? — Толмас чол ҳайрон.

— Шунақасига! — Эргаш боди янада баланддан келишга тиришади. — Сиз уйда жондор сақлаганингиздан бери қишлоқдан ҳаловат кетди. Қўйларим ем емай қўйди. Болалар кўчага чиқолмай қолди.

Толмас чол оғир одам, аммо невараси Сафар унинг гирт тесқариси эди. Қўлига тушган тошу кесак билан аввал шалпангқулоқ итни, сўнг эгасини сийларди. Жони оғриган Эргаш боди тутоқиб қувларди. Бола қочарди. Қоча туриб, мўлжалга беҳато урарди. Оқибат, Эргаш боди бу хонадонни манглайи гўра ҳолда тарк ётарди. Бола ва бўриваччага нисбатан юрагида ададсиз кек сақларди. Негаки, бу ҳовлида одагдан ташқари ҳодиса юз берган,



яъни хонадонда бўри сақланарди. Кўникмадан йироқ ҳол эса гоҳида кишида нафрат ҳиссини кўзготлади. Эргаш боди мана шу туйғу етовида Ёлдорга озор беришга тиришарди. Унинг ҳимоячисини эса кўрарга кўзи йўқ эди.

— Шошма, ҳали икковингни ҳам ейман! — дерди мавҳум оҳангда.

Эргаш бодининг қораси ўчиши билан Сафар инга суқилиб кирар, тўрда қалтираб турган Ёлдорни силаб-сийпалар, эркалаб овулар, гоҳо эса алами келиб йиғлаб ҳам оларди. Шу сабаблими Ёлдор унга қаттиқ меҳр қўйганди. Ёнидан бир қамас нари жилмаслигини истарди. Бироқ бола бекорчи эсам, унинг ўзига яраша бир талай юмушлари бор эди. Мактаб, ўт-чўп териш, қўй-қўзиларга қараш, ишқилиб, уйда қадалиб ўтириши қийин эди. Ёлдор эса унинг қайтишини ҳамиша илҳақ кутарди. Овозини эшитиши билан инидан ўқдек отилиб чиқар, бўйнидаги оғир занжирни шилдирадиганча ирғишлар, сўнг ер бағирлар, этигини ялар ва тагин ирғишлар, хуллас, муҳаббатини тўлалигича намойиш этишга тиришарди.

Бола унинг томоғига яхши қарарди. Ёлдор еганича еб, ортган емишларни ини тўрига қўмиб қўярди.

Ҳозирда тоғда унинг ортган емишлари сақланадиган бир неча хуфия жойлари мавжуд. Шулардан бири мана шу дўнглик ортидаги ўнгир. Ўн кун бурун қўлга туширган ўлжасининг қолган-қутганини ўша ўнгирга бекитиб қўйганди. Қишлоқ итлари топиб, талон-тарож қилиб кетишибди. Ёввойи табиатнинг ўзгармас, шафқатсиз қонун-қоидаларига итлар буйсунмайди. Жониворлар томонидан қаттиқ амал қилинадиган ҳудуд масаласига муносабатлари ҳам шунга яраша. Акс ҳолда Ёлдордек бешафқат жониворнинг ҳудудида бемалол дайдишиб, унга тегишли насибани пок-покиза тушириб кетишмасди.

Ёлдор ҳафтада икки-уч бор бутун ҳудудини айланиб чиқаркан, қишлоққа ёндош сарҳадлар итлар томонидан бузилганини сезгач, эски аламлари янгилиниб, улардан бошлаб ўчини оларди.

Сарварнинг ити Диккиқулоқ айна шу ваздан унинг ғазабига дучор бўлганди.

Сарвар овга ҳамиша итини эргаштириб чиқарди. Ёлдор инсон ҳиди қатори итнинг исиниям туяркан, ғазабдан қалтираб кетарди. Тажрибадан билардики, ҳудудни инсон қавмидан асраш қийин. Аммо манови ит нима қилиб юрибди унинг мулкида? Ёқимсиз ҳидини буруқситиб, роса тентибди. Тагин белгисини қўйиб кетганига ўласанми. Учдарадаги букри арча танасига, сойдаги кулранг харсанг сиртига, ёнбағирликдаги синиқ симёғочга пешобини сочиб кетибди. Ёлдор унинг белгиси устига ўз белгисини қўяди: "Тутсам, ўлдираман! Қорангни кўрмайин бошқа!" Эртаси эса Диккиқулоқ томонидан қолдирилган қуйидаги жавобни ўқийди: "Яхшиси, ўзинг қорангни ўчир! Бу ерга келдим ва яна келаман!" Ёлдор қаҳрдан оташ бўлиб ёнади. Аммо яроқ тутган эгасининг олдида итга қотинишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Нағижанда, у пайт пойлай бошлади ва эрта саҳарларнинг бирида осонгина ниятига етди.

У дўнгликда йиғилиб ўтирган одамлар орасида ўзи ҳақида гап бўлаётгани ва жони гаровга қўйилаётганидан беҳабар ҳолда теваракни жимгина кузатиб ётаркан, ички бир сезги билан Маймоқнинг шу яқин атрофда ўралашиб юрганини ҳис қилди. Итимдан кейин навбат қўйларимга келади шекилли, бу ярамас қўрамни бўшатмагунча тинчимайдиганга ўхшайди, деган ҳаёлга борди. Бу етмагандек, Суюн чолнинг гапи ҳаммасидан ошиб тушди: "Азоб еган жондор ўша одамдан қасдини

ошиқади. Киш уйкусига кетиш олдидан баданидаги ёғ заҳирасини қўпайтириш илинжида емишга зўр беради. Бунақа пайтда юҳо нафсини тоғдаги мевалар билан қондириш мушкул, шунингчун мўл-қўл озуқа қидириб қолади. Агар анову ярамас Ёлдорнинг гашига тегишини ҳисобга олмаса, олмазор жуда боп жой. Маймоқ ундан зиғирча чўчимади. Чўчимагани боис ҳам ҳар галги йўналишини ҳеч ўзгартирмайди. Бинобарин, бундан бўлак иложи ҳам йўқ. Негаки, одам боласига тегишли ҳудудга доимо пусиб яқинлашмоқ ва сўнг теваракни обдон ўрганмоқ зарур. Ким бор, ким йўқ дегандай. У шу ниятда қабрлар оралаб бораркан, чеккадаги чоғроқ қабр тепасида тўхташга мажбур бўлади. Чунки тепа ёқалаб ўтган йўлдан нарисини олмазор. Ўнг панжаси қабр устида, чап панжасини хиёл олдинга чўзганча, олмазорни диққат-ла кўздан кечири бошлади. Бунақа пайтда барча жониворлар каби кўпроқ димоғига ишонади.

Кўмилган ўлжасини кавлаб еяётган жониворлар ҳаракатини кўп кузатган Ёлдор унинг бу қилигини ўзича тушунади. Маймоқни қабрга дахл қилаяпти деб ўйлайди. Қабрда эса унинг севиқли одами Сафар ётибди...

У Маймоқ билан бўладиган тунги учрашувни ўйлаб, эзгин овозда ув тортиб юборганини сезмай қолди. Қишлоқ итлари ҳушёр тортиб, ақиллашга тушди. Одамлар эса бу нидога эътибор ҳам беришмади.

Улар Ёлдорнинг вақт-бевақт ув тортишига кўникиб қолишганди...

* * *

Дўнгда ҳануз дилгир чўзилиб ётган Ёлдор итларнинг навбатдаги ақиллашидан ҳушёр тортиди. Қулоқларини диққатли равишда қишлоқ томон тикилди. Кўрдики, қишлоқ ўртасидаги сайхонликда бир гала ит қандайдир суворий ортидан ақиллаб келмоқда. Отлиқ нотаниш шекилли, итлар уни қишлоқ чеккасигача узатиб келишди. Сўнг номига бир-икки ақиллаб, эран-қарон тарқалиша бошлади.

Итларни кўрган Ёлдорнинг кўзлари ёвузона чақнади. Безовталаниб ўтқир тирноқларини ерга ботириди. Бўғиқ ириллади. Қани энди манови ярамас махлуқларни овлоқ жойда учратса-ю, бўғзига тиш ботириб, обдон хуморидан чиқса. У ҳар бир итни ўлдирганда қасоснинг тотли бир ҳиссини туярди. Бироқ бу лаҳзага етишиш мушкул, негаки, итлар ҳеч қачон осонликча тутқич бермасди. Боз устига, унинг қишлоқ оралаганини сезган одамлар варанглатиб ўқ узиб қоларди. Узоқдан туриб "тишлайдиган" бу яроқдан Ёлдор жуда чўчирди. У яна шуни яхши билардики, бу яроқ яйдоқ жойда хавфли, тоғда эса унинг ёмонлиги кам, истаган бир бута ёки харсанг жонига оро кириши мумкин. Эплаб яширина билсанг бўлди. Бунақа пайтда унинг ҳид билиш сезгиси фавқулодда очилиб, ганими қаерда ва қанча масофада гуванаяпти, барини билиб, англаб туради. Сездирмай узоқлашишга ҳамиша улгуради. Бошқа жониворлар сингари ваҳимага тушмайди.

Итларга қирон келтираётган бўлса-да, қишлоқда унинг жонига қасд қилувчи кимса йўқ эди. Ҳатто Эргаш боди ҳам бошда бу ўйдан йироқ эди. Қачонки, Ёлдор шалпангқулоқ итини ўлдириб кетгандан сўнггина, унинг мавжудлигини, шу атрофда ўралашиб юрганини ҳис қилди. Итимдан кейин навбат қўйларимга келади шекилли, бу ярамас қўрамни бўшатмагунча тинчимайдиганга ўхшайди, деган ҳаёлга борди. Бу етмагандек, Суюн чолнинг гапи ҳаммасидан ошиб тушди: "Азоб еган жондор ўша одамдан қасдини

олмасдан қўймайди. Буни ҳаётда кўп кўрганман. Шунинг учун олди-ортингизга қараб юринг". Эргаш боди нописанд кулган бўлса-да, юрагига ҳадик оралаган. Унда аввалроқ ўзим тинчита қолай уни, дея енг шимариб ишга киришган.

Аммо Ёлдорни маҳв этиш осон эмасди. Эргаш боди шохиди юрса, у баргида ҳаракатланарди. Ана шундай кунлардан бирида улар тасодифан тўқнаш келиб қолдилар. Эргаш боди бу сафар яроқсиз эди, Довонорти қишлоғини жанозага айтиб келаётганди. Фанимлар Қилсўқмоқнинг юқори қисмида учрашдилар. Қилсўқмоқ азалдан Худо қаргаган жойлардан бири ҳисобланади. Пичоқда кесилгандек тик жарлик бетидеги бу сўқмоқ Довонорти қишлоғини водий билан боғлаб турувчи ягона йўл эди. Икки отлик базўр сиғарли бу йўлдан ҳали одам боласи йиқилиб ўлмаган. Унинг биринчи қурбони Эргаш боди бўлди.

Агар Эргаш боди сўқмоққа хиёл кечикиброқ етиб келганида ёхуд унинг ўрнида бошқа бир кимса бўлганида, фожеа юз бермаслиги аниқ эди. Негаки, ҳавода терчиган от ҳиди бурқсиб, туёқ товушлари эшитилган заҳотиёқ Ёлдор изига қайрилганди. Узун сўқмоқни илдам босиб ўтиб, ёнбағриликдаги арчазорга шўнғимоқчи эди. Уларни девордан туртиб чиққан қизғиш харсанг ажратиб турарди. Аввал фанимининг ҳидини олдим, ё қизиқиш усутун чиқдим, ҳар ҳолда жалал қуйига энаётган Ёлдор бирдан тўхтади. Бошини буриб, суворийнинг харсанг ортидан чиқиб келишини кута бошлади. Сергак тортган отини қичаб келаётган Эргаш бодига кўзи тушгач эса, беихтиёр ириллади. Унинг ўткир нигоҳи бир зумда кўп нарсани, яъни отнинг хуркаётгани-ю эгасининг бепарволигини, энг муҳими, эгар қошида яроқ йўқлигини илғаб улгурганди. Фаними бу сафар қуролсиз эди. Шунга қарамай, у, одатига хос, лўкиллаб қочмоққа тушди. Агар Эргаш боди ўзи ва отига далда бериш учун "Ҳайт!" деб қичқирмаганида, Ёлдор сўқмоқни адоқлаб, арчазорга бекинмоқчи эди.

Эргаш бодининг ҳадик тўла бу ҳайқирғи ундаги эски аламларни кўзгаб юборди. Айниқса, қуйидаги манзара бор бўйича хотирасида жонланди.

Ўша куни ҳовли кимсасиз эди.

Ёлдор ини ёнида чўзилиб ётарди. Йўлдан ўтиб бораётган Эргаш боди эшикда қулф кўргач тўхтади. У ён-бу ён қараниб, хунук тиржаиди. Сўнг кетидан эргашиб келаётган шалпанқулоқ итини Ёлдорга гиж-гижлайди. Ити ҳамлага ўтиш ўрнига унинг чотига суқилади. Бундан унинг қаҳри келади. Фингшиётган итини бошлаб бир тепади-да, Ёлдор томон юради. Йўл-йўлакай ерда ётган калтакни қўлига олади.

Ёлдор энди улғайган, кучга тўлган. Аввалгидек инига суқилмайди. Шум ниятда ўзига яқинлашаётган фанимига иррилаганча пешвоз чиқади. Эргаш бодига худди шу нарсаси керак эди. Ҳали сенми менга ириллайдиган, дея қўлидаги калтакни ишга солади. Аммо тезда калтагини олдириб қўйгач, тош қидиришга тушади. Бўйнидаги занжирни узиш даражасида тортқилаб, ўзига томон интилаётган Ёлдорни тошбўрон қилишдан бирор ҳузур топмагач, наридаги кўрадан узун калтак топиб чиқади. Бу орада ҳовли ҳангоматалаб болаларга тўлади. Ёлдор улар орасидан халоскорини беҳуда қидиради. Тийрак нигоҳли болани тополмагач, шалоқ сўзлар билан сўкинганча, ўзига калтак кўтарган фанимига ташланади. Орада бўйини сириб турган занжирига ҳам оғиз солиб кўради...

Агар қўшни чол аралашмаганида, бу иш не натижа билан якунланиши номаълум эди. Қўшни чол Ёлдорни

аяб эмас, Толмас чолнинг ҳурмати учунгина орага тушди. Эргаш бодини ҳовлидан ҳайдаб солди.

Эргаш боди сўкина-сўкина узоқлашаркан. Ёлдорнинг юрагига ўзига нисбатан қасос ўтини баттар алангалатгани ва бир кун келиб, бу ўтда ўзи қуйиб адо бўлишидан беҳабар эди. Қайтамга ўз қилмишидан гоят мамнун эди.

Пайт топиб, жониворга тирғалишларини кейинчалик ҳам қўймади.

Мана энди, лўкиллаб кетиб бораётган жойида кескин ортига бурилиб, ваҳоҳлати бир тарзда йўлига кўндаланг бўлган Ёлдорнинг қаршида танг аҳволда қолганди. Изига қайтай деса, тор сўқмоқдан отини ортга қайириш қийин. Боз устига, сакрамоққа шай турган йиртқич ҳар лаҳзада ҳамла қилиб қолиши мумкин. У яроқсиз чиққан ўзиниям, айни шу кунда қазоси етган қўшнисиниям гўрига гишт қаларкан, орада тезгина тубсизликка кўз ташлаб олди. Пастга қуласа, тариқдай сочилиб кетишини ўйлади. Бирдан бир қуроли қўлидаги қамчисини маҳкам чангаллади, рақибининг ҳаракатларини кузатаркан, унинг нигоҳига назари тушгач, юраги орқасига тортиб кетди. Ёвузона чақнаётган бу кўзларда узоқ ва илҳақ қутилган лаҳзага фавқуллода етишганда пайдо бўладиган шундай бир ифода мавжуд эдики, бу ҳолат ёвузликнинг ўзидан кўра минг чандон даҳшатлироқ эди.


Эргаш бодининг тагидаги от кўрқувдан титраб-қалтираб ортга тисариларди. Кўзлари олайиб, бурун катаклари керилиб кетганди. Туёқлари остидан кўчган тош қуйига учарди. Айни тобда рўпарасидаги йиртқичдан кўра, остидаги отнинг талвасаси хавфлироқ эди. У ҳар сонияда жарга қулаши мумкин эди. Худди шуни сезгандай, Ёлдор олдинга сакради. От қаттиқ кишнаганча, ўзини ортга ташлади. Юганга ёпишган эгасининг барча уринишлари бесамак кетди. Шўрлик жонивор устидаги суворийси билан жарга қулади.

Қишлоқ аҳли бу фожеадан ниманидир сезгандек эса-да, Ёлдорни айбловчи топилмади. Қилсўқмоқнинг бўлгани шу — вақт-бевақт қурбонлик талаб қилиб туради. Ҳар йили бу сўқмоқдан нечталаб қўй-қўзилар йиқилиб ўлмайди дейсиз. Чўпонлар барига чидайди, юқори яйловга олиб чиқадиган бошқа йўл бўлмагач, чидамай қаёққа ҳам боришарди.

Фаними жарга қулагандан сўнг, Ёлдор дарҳол сўқмоқни тарк этмади. Юз берган бу воқеадан ҳайрон бўлгандек, чўнқайган қўйи жар лабида узоқ туриб қолди. Сўнг ўзининг мунгли кўшигини бошлаб юборди. Тийрак кўзли болақайни қўмсаб, чўзиб-чўзиб ув тортиди. У болақайни ўнгида эмас, тушларида ҳам соғинарди. Яғринида унинг илиқ қафтани ҳис этиб, фингшиб-фингшиб кўярди ва уйғониб ўзини қўналғаларидан бирида кўрарди.

Ёлдорнинг муқим ини йўқ эди. Қўнолғалари эса сероб эди. Оёғини узатмоқ истаса, ўша қўнолғалардан бирини танлаб, баҳузур чўзиларди. Бу унга тутқунликдан одат бўлиб қолганди. Зеро, тутқунликда инидан ишончлироқ жойнинг ўзи йўқ эди. У ҳам ўзга жониворлардек, қўналғаларини сир тутарди. Чўзилмоқни истаса, аввалига обдон тевааракни кузатар ва сўнггина ором учун ястанарди. Кўзи илинганда эса, гоҳ итларга таланаётганини, гоҳ болақайнинг силаб-сийпалаётганини туш кўрарди. Қисқаси, тутқунликдаги хотиралари уни мудом тинч қўймас, доимо таъқиб этгани этган эди. Болани қўмсаган кезлари эса чўзиб ув тортар, сўнгсиз бу нидолар унинг дардли "достон"и—алам ва армонлари эди.

Ёлдор бу "достон"ни деярли ҳар тун қуйларди. У ҳануз икки сарҳад ўртасида—кишилик дунёси билан ёввойи



олам ўртасида сарсону саргардон кезинарди. Қишлоқни тарк этолмаганидек, ёввойи олам қўйнига ҳам тўла сингиб кетолмасди.

У қишлоқ итлари томонидан "узатиб" қўйилган отликни лоқайд кузатаркан, у яқинлашавергач, ўзини панага тортди. Бунинг учун хиёлгина чапга сурилиш билан кифояланди, яъни совуқ шамолда чайқалиб, елкасини сийпалаётган бута новдалари орасига яхшилаб яшириниб олди. Аммо қуйидаги сўқмоқ бўйлаб ҳорғин одимлаётган от барибир ҳидини сезди. Қулоқларини динг қилиб, кетма-кет пишқирди. Тайсалланди ва бу қилиғи учун серзарда суворий томонидан аччиқ қамчи билан сийланди. Отнинг баданига теккан зарбани Ёлдор ўз танида ҳис этгандек, ёмон тиришди. Тумшугини оёқлари орасига суқиб, инграшнамо гингшиди. Ҳайтовур, суворийга Худо инсоф бериб, отни қамчилашни бас қилди. Сўкиниш билан чекланди.

Ёлдорнинг назарида, одам боласининг турган битгани шу, салга қўлига эрк беради. Тутқунликда у буни кўп кузатган. Ўзининг ҳовлида сақланиши негадир кўпчиликка унча ёқмас ва шу боис, бобо ва неваранинг кайфияти тез-тез бузилиб турарди. Бобо одамларнинг гап-сўзларига майллик билдирарди-ю, лекин қайсар неварасининг кўнглидан ўтолмасди. Шундай пайтларда гирдини ёмғир ювган супа лабига маҳзун чўкиб қоларди. Аксига олгандай, худди шу лаҳзада кўра биқинида қантариғли кулбет хангиники тутиб қоларди. Қулоқни қоматга келтириб, ханграшга тушарди. Оқибат, чол бор аламини ундан оларди. Халачўп билан роса саваларди.

Лекин у бирон марта ҳам Ёлдорга қотинмаган. Уни бошқалар уришган. Шунинг учунми, милтиқ овозидан ҳам кўра, қалтақдан кўпроқ чўчийди. Чўчийди-ю, бироқ қайтмайди...

* * *

Милтиқни елкага осиб, эрмак учун тоғма-тоғ санқиш бошқа-ю, маълум бир жониворнинг изидан тушиш бошқалигини Сарвар биринчи кунидек англаб етганди.

Одатда, ов кишига бир олам завқ бағишлайди. Бирор ўлжани қўлга киритсанг-киритмасанг, уззукун шу туйғу измида ҳаракатланасан. Ҳориш нелигини билмайсан. Бироқ мақсад аниқлик касб этса, бу ҳисни ортиқ туймайсан. Жонсарақланасан, пойлайсан, юрасан, қидирасан ва ўлжанг тутқич бермагани сари, фиғонинг кўкка ўрлаб, ғазаб отига минасан. Ов ўзининг одатий сир-синаотини йўқотиб, ўта ёқимсиз бир юмушга айланганини сезасан.

Агар ўша кун Шойим йўғон билан гаров ўйнамаганида, Сарвар бу ишдан аллақачон воз кечган ва ҳатто ичган қасаминиям унутиб юборган бўларди. Аслида барига бодилиги айбдор. Шу феъли туфайли ҳамиша йўқ ердаги гавғолар билан бошини оғритиб юради. Ўшандаям кутилмаганда бодилиги хурж қилиб қолди. Пули билан мақтангиси келди. Аммо у кутган ҳодиса юз бермади. Қўлидаги пулга қайрилиб қаровчи бўлмади. Сездики, овозидаги кибр оҳанги ёқмади уларга. Бундан хижолат тортмади, қайтамга ич-ичидан истеҳзоли кулди. Худди бир вақтлар уйда мардикорчилик қилган талаба йигитнинг устидан кулгандай кулди.

Ўшанда талаба йигит ғалати гап қилган. "Ака, хафа бўлманг-у, шу-у, сизларда ҳайрат етишмайди. Ҳамма нарсани аниқ ўлчам ва ҳолатда кўрасизлар. Болаларингиз эртакка, ўзингиз афсонага ишонмайсиз. Аниқлик руҳни ўлдирди, афсона эса руҳга чексиз парвоз бағишлайди.

Айни шу руҳ етишмайди сизда..." Сарвар истеҳзоли табассум билан чекланмаган, ўзича гап билан узиб олган. "Афсонага ишонганингдан мардикорчилик қилиб юрибсан-да!" Талаба, сизга гапириш бефойда, дегандай бошини эгган, сўнг манглайини қашлаб, янги тушаётган қўшқаватли иморатга, ҳовлини кенгайтириш мақсадида чопиб ташланган дарахтларга, иккинчи қаватга олиб чиқадиган нақшинкор зинапояга берилиб гул чизаётган кекса устага бир-бир боқаркан, ўйчан нигоҳини яна уй эгасига қадаган. Ачинишини яширмаган. Бу ҳолатдан Сарвар ханг-манг туриб қолган. Қизиқ, юпун бир талаба унга ачинаптими?

Нима учун?

Бироқ бу хил майда-чуйдалар устида бош қотиришга кўникмагани учун сабабини сўрамаган. Назарида, бажариши лозим бўлган юмушлари шу қадар кўп эдики, бир лазҳага чалғиши мумкин эмасдек эди. Лекин дард дегани ёмон экан, ҳар қандай орзу ҳавасинг ва бу йўлда тинимсиз елиб-югуришларинг бир чақага қиммат экан. Худди шуни сезгандай, табиб чол гапнинг лўндасини айтди-қўйди.

— Жон керак бўлса, дардга безътибор қараманг, — деди ортиқ эзмаланмай. — Манови дамламани канда қилмай ичиб турунг. Тоғдаги бодомзор ҳавосидан нафас олинг. Баҳор ёки ёзни кутиб турмай, ҳозироқ жўнанг! Худо хоҳласа ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Дўхтирлардан унча наф кўрмаган Сарвар табиб чолнинг айтганига кўнди. Таваккал дея тоққа келди. Келганда ҳам дардманд киши сифатида эмас, яроғию овчи ити Диккиқулоқ билан келди. Келибоқ шуни билдики, бу ерда қўй-қўзилар жуда арзон экан. Узоқ ўйлаб турмай, кишилардан бир талай жонлиқ харид қилди. Олганлари чоғроққина бир сурув бўлди. Агар томоғига жиндек яхши қаралса, ҳар бир жонлиғи шаҳарда бирга уч ташлаб турибди-да. Мана фойда қарда!

Энди эса ўша "фойда" хавф остида қолганди. Ёлдорни айтилган муддатда тинчитмаса, сурувни қўш-қўллаб Шойим йўғонга топширишига тўғри келади. Агар ютса... Аммо ҳамма бало шундаки, Ёлдор деганлари анойи жониворлардан эмас экан. Худонинг балоси, қидирганинда йўқолиб, қидирмаганинда қаршингдан чиқиб туради, худди калака қилаётгандай.

Бу етмагандек, оқшомлари Ғуччи пакана ярасига туз сепгани сепган эди. Дердики, бугун уни Ўтовлисойда кўрдим. Ўша кун Сарвар Тошлисойда тентиган бўлади. Эртаси умид билан Ўтовлисойга борса, Ёлдорни бутунлай бошқа бир манзилда кўришганини айтишади.

У Ғуччи пакана усталик билан қовурган этдан бир бўлагини оғзига соларкан, хуноби ошганиданми, иштаҳаси йўқолганини сезади. Шишадан ўзига ароқ қуяди.

— Эллик граммдан оширмайман дегандингиз-ку, ака, — дейди Ғуччи пакана унинг бу қилиғидан ажабланиб.

— Негадир юрагим сиқилиб кетаяпти, — дейди Сарвар нафсини тийишга тиришиб. — Шаҳарда буни яшиқлаб ичардик.

— Шунинг учун ҳам товга даво қидириб кеп ўтирибсиз-да...

Сарвар олдидаги ароқ тўла пиёлани истар-истамас нари суради. Ғуччи пакана худди шуни кутиб тургандай, пиёладагини лиққа ютади. Чапиллатиб эт чайнайди. Бугун сурувни яхши ўтлоқда боққанини айтиб мақтанади. Эртанги режаларини билдиради. Сарварнинг эса қулоғига

гап кирмайди. Унинг овқат ейишини ҳавасланиб кузатади. Бу темирниям ҳазм қилиб юборса керак, деб ўйлайди. Сўнг хаёли яна Ёлдорга оғиб, кайфияти баттар тундлашади. Беихтиёр шишага қўл чўзади...

Мана шундай оқшомлардан бирида Гуччи пакана Ёлдорга хиёнат қилди. Унинг айрим тунлари Қоратепага келиб туришини оғзидан гуллаб қўйди. Атай эмас, шунчаки бефаросатлик қилди. Ҳолбуки, қишлоқ аҳли буни Сарвардан сир тутишганди. У эса оғзини тўлдириб сотди. Барига Сарварнинг бўри ҳақидаги айрим хангомаларига ишонмаслиги сабаб бўлди. Ўзига ортиқ даражада бина қўйган бу одамнинг осмонга қараб қаҳ-қаҳ отиши Гуччи пакананинг нафсониятига тегди. Қизишиб, андак тутақиб, ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани сўзлаб берди. Ҳар икки гапнинг бирида, биз бандалар шу жондорча эмасмиз, дея таъкидлаб турди.

Бола жон берган тунда Гуччи пакана Толмас чолнигида эди. Чол уни фақир ва хокисорлиги учун яхши кўрарди. Келса, иззатини қиларди.

Ўша тунда Ёлдор қаттиқ безовталанади. Фингшийди, инграйди ва увлаб оламини бузади. Толмас чол ундан йиртқични занжирдан бўшатишини сўрайди. Майли, кетса кетсин, дейди. Бироқ занжирдан бўшатишган Ёлдор ҳеч қаёққа кетмайди. Гуччи пакана кутгандек, тун қўйнига сингиб йўқолмайди. Тўғри бола ётган хонага кириб боради. Беморни тевараклаб ўтирганларни лол қолдириб, боланинг бош томонига ўтиб чўнқаяди. Юзига термулганча туриб қолади.

Саҳарга яқин боланинг жони узилгач, уни уйдан ҳайдаб чиқардиларми ё ўзи кетдими, Гуччи пакана буни эслаёлмайди. Аммо боланинг тобути ердан кўтарилиши олдидан яна ҳовлида пайдо бўлади. Сомонхона девори ёнида чўнқайиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкади. Буни Гуччи пакана кўрмаган, эшитган. У икки йигитни қаватига олиб қабр қавлагани кетганди. Дафн маросими пайтида Ёлдорни мозор яқинида кўргани чин. Жонивор эзгин бир ҳолатда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб турган.

Қишлоқ аҳлининг юрагини ўртаган иккинчи ҳодиса сал кейин юз берди. Тупроқ йўлдан ғамгин одимлашаётган одамлар ордан эшитилган ҳазин нидодан ажабланиб, хушёр тортишади. Бунақа пайтда ортга, Қоратепага қайрилиб қараш таомилга тўғри келмаса-да, ҳамма изига ўгирилишга мажбур бўлади. Қарашсаки, янги қабр бошида Ёлдор кўкка тумшүк чўзганча, ҳазин ув тортмоқда. У шу қадар мунгли ув тортадики, юракнинг бардош бермоғи қийин эди.

Одамлар орасида боши эгик бораётган Толмас чол ортиқ чидаёлмайди. Ўқраб юборади. Қоратепада Ёлдор, тупроқ йўлда Толмас чол басма-бас "ув" тортмоққа тушадилар.

Ҳамма шошиб қолади.

Мижжалар ёшланади.

Толмас чолга қийин эди. Кимсасиз қолганди у. Ёлғиз ўғлидан ёлғиз ёлдор бўлмиш неварасидан жудо бўлган чол айтиб-айтиб йиғлайди. Ҳадемай қаватинга бораман, кутгил мени, болам, болажоним, дея бўзлайди.

Ҳақиқатан у узоқ кутдирмади. Боланинг қирқи ўтиб-ўтмай, бу дунёни тарк этди.

Чол дафн қилинган куниям Ёлдор туни билан Қоратепада увлаб чиқди.

Гуччи пакана бунинг барида гувоҳ эди. Ҳаммасини била туриб, Ёлдорнинг Қоратепага келиб туришини етти ёт бегонага айтиб қўйди. Сўнг эса шоша-пиша хатосини тўғрилашга уринди.

— Лекин Қоратепада ўқ отмайдилар. Гуноҳ бўлади!

Сарвар у тўлқинланиб ҳикоя қилган воқеани лоқайд эшитди. Аммо Ёлдорнинг Қоратепага келиб туришини эътиборидан қочирмади. Гуччи пакананинг кейинги гапидан эса қутуриб бақириб юборди. Гуччи пакана хокисор, бироқ анчагина ориятли эди.

— Нимага менга бақирасиз?! — деди кўзларини чақчайтириб. — Мен сизга хизматкор эмас, укаман! Сиздан ука сифатида илтимос қилаяпман. Отманг шуни! Юраверсин ўз майлида. Тўрт-беш итни ўлдириган билан қишлоқда кучук қамайиб қолармиди. Эртан Шойим йўғоннинг олдига ўтаман. Гаровингдан кеч дейман! Ёлдор бизга бегона эмас дейман!

— Кечмаса-чи!

— Кечмаса, ўлдираман уни! — Гуччи пакана муштини дўлайтириб, мастона чайқалади. — Аслида у одам эмас, ёшлигида гуноҳни кўп қилган дейишади. Ҳозир ҳам одам боласига қайишмайди. Тўғри, сўзида туради, берган ваъдасини бажаради. Шунга қарамай, барибир инсон эмас у. Қачон қараманг, қовоғини осиб юради. Эртан бориб, гаровдан кеч, дейман! Кечмасанг ўлдираман дейман!

Сарвар қизлардан ҳеч омади чопмаган бу одамчанинг беҳуда чиранишларидан ичида куларкан, унинг попутини пасайтириш учун нозик гап қилди.

— Унда мен топган қиз ҳали-вери эрга теголмас экан-да.

— Нима деганингиз бу, ака? — Гуччи пакана хушёр тортди.

— Гапингизга қараганда, уйланиш ниятингиз йўққа ўхшайди.

— Э, йўқ, эртагаёқ уйланишга тайёрман, — Гуччи пакананинг овози қалтираб кетади. — Мен тенгилар уч-тўрт боланинг отаси бўлди! Мен юрибман итнинг орқа оёғи бўлиб. Бу ёғига бир акалик қилинг. Бутун умидим сиздан, акажон! Бу дунёдан хотин қучмай ўтиб кетмайлик.

— Мен сизга тушунмай қолдим, — Сарвар ажабланган киши бўлади. — Бир уйланаман дейсиз, бир Шойим йўғонни ўлдираман дейсиз, қайси бирига ишонай?

— Уни ўлдириш менга не зарил, кайфда одам нималар демайди, ака.

— Унда бу йўлда Ёлдорни қурбон қиламиз.

— Қандай қилиб?

— Қоратепада отиб ўлдираемиз.

— Эл нима дейди?

— Тунда биров билиб ўтирибдими?

— Гуноҳдан қўрқаман, ака!

— Мен отаман, сиз шунчаки ёнимда бўласиз.

— Тунда мозордан қўрқасизми?

— Ҳар ҳолда...

— Мен ҳам қўрқаман!

— Ёрнинг васлига етишмоқ учун одам ҳеч нарсадан қайтмаслиги керак.

— Тўғриси, Ёлдорга ачинаяпман! — Гуччи пакана хомуш тортади. — Кейинги кунларда ёмон ачинаяпман.

— Гаровда ютқизсам, ким менга ачинади?

— Ҳалитдан юрагим увушиб кетаяпти лекин...

— Жононга етишсангиз, ҳаммаси эсдан чиқиб кетади.

— Қиз-қиз деб тоза жонимни олаяпсиз!

— Жон оладиган ҳурлиқода улар, — Сарвар овозига сирли тус беради. — Битта эмас, ўнта жонни тикишга арзийди.

— Шунчалик зўрми?

Сарвар бу гапга эътибор бермаган киши бўлиб, илдоо қилишга ўтади:

— Сиз эса Ёлдорга ачинаман дейсиз. Биз отмасак, эрта бир кун барибир бошқа биров ўлдириб кетади.

— Шунчалик зўрми, а, ака?! — Гуччи пакана унинг гапига эътибор бермай, баттар типирчилайди.

— О-о! — Сарвар кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак қилади. — Сутга чайилгандай бари. Танлаб-танлаб олаверасиз.

— Ўҳ-ҳ, ўлиб қоламан ҳозир! — Гуччи пакана қалтираб дастурхон четидаги шишани қўлига олади. — Юз грамм ичмасам, юрагим тарс ёрилиб кетади!

Бари сутга чайилгандай денг?! Вой, аками-ий, сиз учун ундай жондорларнинг ўнтасини қурбон қилиб юборамиз! Сизгайм қуяйми? Озгина, кўп эмас, озгина. Эртан қаватингизда бўламан. Унинг қаердан кеп, қаерга кетишини яхши биламан. Доим боланинг қабри тепасига келиб кетади. Тўғри айтасиз, биз отмасак, барибир бошқа биров ўлдиради. Шунинг учун кўзни чирт юмамиз! Кўзни чирт юмиб... Кейин эса уни иззат-иқром билан кўмамиз!

— Ҳа, унга аза тутамиз, — Сарвар қафти билан қаншарини қашлаган бўлиб, мийиғида илжаяди.

Гуччи пакана калака бўлаётганини сезмай, бу гапни қизғин маъқуллайди. Сўнг Ёлдор ҳақидаги гурунг яна қизларга улиниб, Сарвар йигитни энтиктирувчи ёлгон-яшиқ таассуротларга эрк беради. Гуччи пакана эса болишни кучоқлаб, туни билан ухлаёлмай чиқади.

* * *

Маймоқнинг навбатдаги ташрифи бўлмаганида, Ёлдор бугун Қоратепага энишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Нега деганда, шусиз ҳам ташвишлари етиб ортарди. Пешинда Яшилдараорти бўрилар галасининг ҳидини олганидан бери, ўзини қўярга жой тополмай қолганди.

Мудом кўчиб юрувчи бу тўдани эски ганими Бўзбўри бошқаради. Шарқдан қўзғолган изгирин олиб келган бу ҳидни туйган Ёлдор дастлаб таажжубланади. Кейин сергак тортади. Ҳаводаги исга қараб, гала аллақачон унга қарашли ҳудудга қадам қўйгани ва лаллайиб ўтираверса, улар янада ҳақларидан ошишлари мумкинлигини фаҳмлади. У бирдан қутуриб кетади. Тирноқларини ерга ботириб, ваҳшатли ириллайди. Бу билан қаноатланмай, арча танасини тимтилайди. Сўнг арча тубига пешобини сочиб, шарққа интилади.

Ҳудуд учун кураш ҳеч қачон осон кечмаган. Ҳудуд эгаси ёғолиб, ё мағлуб бўлиши керак. Шунингдек, учинчи йўли ҳам бор. Бу — хўрлик. Аммо хўрлик билан ўлим ораси ҳамиша бир одим. Ёлдор хўрлик қурбонига айланиб, ҳаётдан эрта кўз юмган жониворларни кўп кўрган. Ўзига қолса, хўрликдан ўлим минг марта афзал. Одатда, кучи танига сиғмайдиган ёвқур жониворлар доимо икки йўлдан бирини танлайди. Улар учун учинчи йўл йўқ.

У сойлардан сакраб, арчазорлардан қуюндай учиб, ҳудуднинг шарқий чегараси ҳисобланмиш тор ялангликка етиб келганда, ҳануз ғазабдан қутурмоқда эди. Учраган қорани бурдалаш важоҳатида эди. У итлар каби қаҳрга эрк бериб, бўриларга хос виқор ва совуққонликни бутунлай унутиб қўйганди. Бу яхшилик аломати эмасди. Негаки, ғазаб кучни қирқиб, ақл-идрокка панд беради. Қонли тўқнашувларда эса куч қатори, идрок ҳамиша муҳим рол ўйнайди.

Бироқ бунда Ёлдорни кўпда айблаб бўлмасди.

У тутқунликда не балоларни бошидан кечирмади.

Кимлар унинг гашига тегмади. Ўтган ҳам қотинган, қайтган ҳам. Оқибат, у итлардек серзарда махлуққа айланганди. Итлардан фарқи жиҳати, кўринган қорага ириллайвермади. Инида тинчгина ётишни ўйларди. Бироқ уни ўз ҳолига қўйишмасди. Эндигина бохузур чўзилганда, бўйнидаги занжирнинг ташқарида қолган қисми шилдираб, кимдир уни тишга торта бошларди. У муроса илинжида аста ириллайди: "Тинчимга қўйсангчи!" Бунга жавобан эрмакталаб кимса баттар иршанглайди. Бўйнидаги тасма томоғини бўға бошлагач, у таҳдидли ириллайди: "Чиқсам, чатоғингни чиқараман! Ғашимга тегма кўп!" Бу ифодани барча жониворлар, ҳатто энг калтафаҳм ит ҳам илғаши мумкин. Лекин одамзод ундаги маънони ҳеч қачон тушунмайди. Ёлдор инидан бошини чиқариши билан ура қочишнинггина билади. Баъзилари ортиқ тиргалмай, дарров кета қолади. Айримлари эса наридан туриб тошбўрон қилишга тушади. Ёлдор тумшуги, яғрини ва биқинига келиб тушаётган зарбдан чинакамига қутуради. Худди қопагон итлардек олға сапчийди. Бурдалаш қасдида тўлғонади.

Бу хил қотинишлар туфайли ундаги бўриларга хос табиий виқорга путур етганди. Итлардек жаззаки бир махлуққа айланганди. Аммо тинч пайтларида яна аслига қайтарди. Тунлари юлдуз тўла осмонга боққанча, ҳазин ва мунгли қўшигини бошлаб юборарди.

Бундай вақтларда у оламни унутарди. Хаёлан тоғларда эркин чопқиллаб юрарди.

Холбуки, тоғларда эмин-эркин чопқиллаб юриш унга насиб этмаган. Кўз очиб кўргани оғзи тор, тўри кенг ўнгир бўлган. Ўнгирда ўзидан бўлак яна тўртта оғаниси бор эди. Бари бир-биридан шўх эди. Ёруғ рламга, яъни ташқи дунёга биринчи бўлиб у интилган. Кўзлари куёш нуридан қамашиб, бир зумга гаранг туриб қолган. Оламда ҳидлар кўплигини шунда англаган. Шабдада чайқалаётган бута новдасига, харсангтош устидан йўрғалаб бораётган какликка лолу ҳайрон текилиб турганида, қаердандир онаси пайдо бўлган. Елкасидан беозор тишлаб қоронғи инига олиб кирган. Онасининг бу ҳаракатида у таҳликага ўхшаш нимадир сезган. Айрим пайтларда ота бўрида ҳам шу нарсани ҳис этиш мумкин эди. Бу эса унинг жимитдек юрагида ташқи оламга нисбатан қизиқишни янада кучайтирарди. Хуллас, куёшли оламни кўришга улгурган Ёлдор шу кундан эътиборан инида тинч ўтиролмаб қолди. Бир куни ўнгирдан анча узоқлашиб кетди.

Оғзи қалин бута билан ихоталанган ўнгир қуюқ арчазор дўнгликда жойлашганди. Дўнглик пасти тошлоқ сайҳонлик бўлиб, сайҳонликдан сўнг яна арчазор бошланарди. Арчазорда ёввойи жониворлар юришидан ҳосил бўлган чалкаш сўқмоқлар сероб эди. Ёлдор ана шундай сўқмоқлардан бирига тушиб қолиб, пилдираганча боши оққан томонга кета бошлайди. Бу камдек, у йўлда какликлардан бирига алаҳсийди. Каклик қулоқлари диккайган бу беўхшов жониворни ҳийла ергача эргаштириб бориб, бирдан учди кетади. Ёлдор анқайганча қолаверади.

У адашиб қолганини кейин сезиб, гингшимоққа тушади. Тумшукчасини олдинга чўзиб, таниш ва қадрдон ҳидларни қидиради. Онасининг илиққина кучоғини шу қадар қўмсайдики, юраги торикқанидан зорли овозда ингиллаб юборади. Худди шу пайт ўнгир тарафда нимадир кетма-кет қарсиллайди. Сўнг ўлик сукунат чўқади. Қўрқувдан ўзини арча пайига урган Ёлдор тошдек қотади. Қимирласа яна нимадир юз берадигандек, ҳатто кўзларини очишдан ҳайиқади. Салдан сўнг гумбурлаган овоздан эса ўтакаси ёрилиш даражасига етади. Умрида

эшитмаган бу садодан тоғлар қалдираб, арча танаси титраб кетганини сезади.

Даҳшатдан арча пайига қапишган Ёлдор шу созла қанча ётди билмайди. Лекин дунёда қўрқувдан ҳам кучлироқ шундай бир нарса бор эдики, у ҳар қандай тирик жонни ҳаракатлантормасдан қўймасди. Бунинг оти очлик эди. У очликка тоқат қилолмай, биқинган жойидан аста чиқади. Дуч келган сўқмоққа тушиб, пидираб кета бошлайди. Бир оздан сўнг шарпани сезиб, ўзини товатош панасига олади. Бироқ шарпа-Сафар уни аллақачон пайқаб улгурганди...

Мана шу тарзда Ёлдор тоғлардан айро тушади. Одам боласининг асирига айланади. Ота-онаси ва ўнгирадаги оға-иниларининг тақдири не кечганидан беҳабар қолаверади.

Аслида воқеа бундай бўлганди. Ўнгирадаги жониворларни пайқаб қолган чўпонлар катта бўриларни отиб ташлаб, уяни портлатиб юборишганди. Қуйидарада ўралашиб юрган геологлар бир қўзи учун улардан портлатгичларини аямаган.

Шу тариқа, эсини таниб-танитай, унинг кўргани деворсиз ҳовли, ётоғи қўпол тахталардан наридан-бери ясалган кенгина ин бўлди.

У тутқунликда зоҳиран ўзлигини йўқотгандай эса-да, ботинан аслича қолганди. Негаки, у ўз вақтида тоғларга даҳшат солган кекса бўри Оқтишнинг зурриёти эди. Унга ота бўрининг куч-қудрати, зийраклиги ва ёвқур табиати мерос бўлиб ўтганди. Шунинг учун Ёлдорнинг ичида доим бир қуюн ўйнардди. Бу қуюн уни тоғу тошларга ундар, кўнглида адоқсиз ва англрсиз туйғуларни уйғотарди. Ойсиз тунлари кўкка боқиб увларкан юрагида кечаётган бу ҳисларни тушунолмай гаранг бўларди. У кундузлари бир оз тинчланар, тунда эса бари яна қайтадан бошланарди.

У тунда бу оламга сизмай қоларди.

Ёлдор тор ялангликка итдай ғазабкор важоҳатда етиб келаркан, табиий идрок барибир устиворлик қилди. Қаҳрга эрк бериб, катта хатога йўл қўйганини англаб етгандай, ҳайратли даражада осойишталик билан теваракни ўргана бошлади. Тўда бу ерда каттакон тўнғизни тинчитиб, изига қайтмай, қўшни ҳудудга ўтиб кетганини тезда аниқлади. Ёлдор қўшни ҳудуд эгаси Кулбет бўрини яхши танийди. Чоғроқ тўдани бошқарадиган бу жониворнинг яхши одати, ўзгалар мулкига ҳадеганда суқилавермайди. Шунингдек, ўз ерига қадам қўйганларни аяб ўтирмайди. Бўзбури тўдаси эса унинг акси, тоғ қолиб, кенг даштга ҳам энишади. Доим ҳаммадан дакки еб юришади.

Ёлдор йўқолиб улгурмаган ҳидлар орасидан Бўзбўрининг таниш исини учратмади. Бундан чиқди, тўдани ўзга бўри бошқармоқда экан-да. Кўп ўтмай у бунга тўла амин бўлди. Нотаниш тўда бошлиғи кулранг харсанг сиртига ўз белгисини қолдириб кетган экан.

Белги, одатда, турлича маънони ифодалайди. Ҳудудга даъвогарлик, тажовузкорлик, нописандлик ва ҳатто мазахли белгиларгача бўлади. Белгисига қараб, жониворнинг неларга қодирлигини аниқлаш қийин. Аммо нописанд белги эгаси кўпинча аҳмоқ, ўпкаси йўқ жонивор бўлиб чиқади. У тахминан мана шундай белги қолдиради: "Ҳозирча шошиб турибман, лекин албатта қайтаман!" Ҳақиқатдан у қайтади. Лекин то қайтгунча ҳудуд эгасини қонига ташна қилиб юборади.

Ёлдор харсанг сиртига бошлаб ўз жавоб белгисини қолдирган бўлса-да, бундан кўнгли тариқча таскин топмади. У яхши биладикки, рақибни билан қонли

тўқнашув юз бермагунча, ҳаловат топиши мушкул. Аммо ҳамма гап шундаки, у билан қачон учрашади?

Эртами ё индингами?

Балки бирор соатлардан сўнгдир?

Ғолиб бўладими ё мағлуб?


Айни шу мавҳумлик Ёлдорни қийнаб юборганди. У кун бўйи шунинг таъсирида юрди. Сўнг суюкли масканларидан бири, қишлоқ яқинидаги ўша сийрак арчали дўнгликдан қўним топди.

Ҳудуди кенг бўлса-да, у бўш вақтининг кўп қисмини мана шу дўнгликда ўтказарди. Қишлоқни қоралаб яшарди. Бўзбўри галасини довонортига қувиб, улкан ҳудудга аллақачон эга чиққан эса-да, ҳануз қишлоқдан узоқлашиб кетолмасди. Қишлоққа ўз мулкидек қарамаса-да, ҳадди сизиб уни бемалол ораларди. Ораламаган тунлари кам бўларди. Ораларкан, тутқунлик даври ўтган ҳовлига албатта бош суқиб ўтарди. Эшик ва деразалари зич ёпиқ кимсасиз кулба теварагини узоқ айланарди. Боланинг изларини қўмсаб, ичдан нола тортарди. Бу ерда ҳамма нарса ўз ҳолича сақланган. фақат ини ўғирлаб кетилганди. Ўғирлар бир тун эшик ва деразаларни ҳам қўпориб кетишмоқчи бўлишган, бироқ ҳовлида Ёлдорга дуч келишиб, жуфтақни ростлашган. Қишлоқда, Ёлдор тунни билан кулбани қўриқлаб чиқаркан, деган гапни тарқатишган. Бу гапга кимдир ишонди, кимдир йўқ, аммо текшириб кўрувчи бирор мард топилмади. Қишлоқ итлари эса унинг шарпасини илғаши билан ин-инларига уриб кетади. Ҳатто баъзида овоз чиқаришга ярамайди.

Ёлдорнинг қишлоқ оралашидан бохабар кимсалар, унинг бу хил ташрифларини фавқулодда ҳодиса деб билишмайди. Уларнинг бирдан-бир билганлари, Ёлдор тутқунликдан халос бўлди-ю, қишлоққа ўзга бўрилар доримай қўйди. Бироқ бундан одамларни миннатдор деб бўлмасди. Улар учун Ёлдор шунчаки бир бўри ва муносабатлари ҳам шунга яраша эди: "Жондор зоти ҳеч қачон кишига эл бўлмайди, хушёр турмасанг, кўзингни ўйиб кетиши мумкин". Ёлдорнинг эса бу гаплар билан иши йўқ, ёввойи олам қонунига бўйсуниб яшарди. У ёввойи оламга хуркак жонивор сифатида эмас, ёвқур бир махлуқот сифатида кириб келди. Бўзбўри унинг рафторида ўта хавфли бир рақибни кўради ва бошлаб таъзирини бериб қўйишни истайди. Бундан сал аввал бу ҳудуднинг ҳақиқий эгаси Яссибошнинг тавбасига таянгирганди. Яссибош бу ўлкага қанжиги Оқсийна билан ҳукмронлик қиларди.

Агар Бўзбўри Оқсийнага даҳл қилмаганида, Яссибош бу тизгинсиз тўдага рўпару келиб ўтирмасди. Нарв борса, одатдагидек, ўзини кўрмаганга оларди. Негаки, Бўзбўри тўдаси бирор ҳудуд этагини муқим тутмаган, нукул кўчиб юрарди. Қиш чилласида даштга эниб, бу томонларда кун илиш олдидан пайдо бўларди. Баъзи йиллари эса даштни унутиб, Довонортида қишлаб қоларди. Бу энди дашт бўриларига қандай жониворнинг етакчилики қилишига боғлиқ эди. Қисқаси, Бўзбўри зўрлардан "калтак еб", бундайроқларни танобини тортиб юрадиган жонивор эди. Яссибошни шунчаки талабгина қўя қолмай, уни қанжигига қўшиб, тоғнинг жанубий қисмидаги серқишлоқ ҳудуд томонга ҳайдади. Бироқ унинг бу зўровонлиги Ёлдорга ўтмади. Ёлдор хавфли рақиблигини бирпасда намоиш этиб, бутун тўдани тирқиратиб юборди. Кейинги учрашувда эса уларни бутунлай Довонортга суриб ташлади.

Ёлдор табиатан ўта зийрак ва эҳтиёткор жонивор. Синалмаган рақибни олдида ҳеч қачон ҳаволаниб



кетмайди. Айрим кезлари туйқусдан тутиб қоладиган итларга хос жаззак феълени ҳисобга олмаганда, қолган пайт ҳар қандай вазиятда совуққон бўлишга тиришади. Ҳовлиқмайди. Рақибнинг заиф жиҳатларини илғашга уринади. Биринчи бўлиб ҳужумга ташланмайди. Агар бунга зарурият туғилса, энг аввало тўдадаги "зўр"ларни сафдан чиқаришга ҳаракат қилади. Тўдада эса "зўр"лар унча кўп бўлмайди, битта ёки иккита. "Зўр" мағлубликка юз тутиши билан, қолганлари ўз-ўзидан тўзиб кетади.

У Бўзбўри тўдасини мана шу хилда пароканда қилганди.

Ҳозир эса бутун фикр-ўйи харсанг сиртига ўз белгисини қолдиришга журъат этган ўша нотаниш тўдабошида эди. У кун бўйи хаёлидан кетмай қолганди. Унинг Бўзбўрига нисбатан ёш ва бақувватлигини идрок этаётган бўлса-да, келбатини жонлантиролмай гаранг эди. Бунга гуё Маймоқнинг мавжудлиги халақит бераётгандек эди.

Ёлдор бу томонга келаётиб, Маймоқнинг Чуқурдарадаги бутазорда гимирлаб юрганни кўрганди. Демак, у бугун тунда яна Қоратепага ўралашади. Ёлдор унинг қай тарафга йўналишига қарабоқ, мақсадини англайдиган бўлиб қолганди. Дейлик, агар Маймоқ Сувлидара ёхуд Яшилводий бўйлаб ҳаракатланса, уни фақат юқоридаги арчазорда учратиш мумкин. Белгиларини янгилаб, ҳудудини кўздан кечириш билан банд бўлади. Негаки, арчазор ўта нотинч сарҳад — Улкан айиқ томонидан тез-тез бузилиб туради... Кўтирбулоқ йўналиши зирк тўла Айриирмоқ бўйларига олиб чиққандай, Туяқоя бағри ўзининг мазали ёнғоқлари билан Маймоқнинг диққатини тортади. Қишлоқ томон чўзилган узундан-узун, ваҳимали Чуқурдара бўйлаб қилинган сафари эса олмазорда қорин тўйдириш билан якунланади. Чуқурдарада турли мевалар унчалик сероб эмас, лекин тишга босгулик бирор емиш ҳаммиша топилади. Агар истаса, созупроқли ўнгирада бир оз оёқ узатиб олиши мумкин. Қолган ишларни эса тун қоронғусида бемалол эплаверади.

Ёлдор унинг бу ҳаракатини ўзича тушунади. Фақат Маймоқ аллақандай Бўзбўри эмас, ҳар тўқнашганда жуда ҳушёр бўлиш лозим. Акс ҳолда...

У Чуқурдарага туташ Бўрижарда Маймоқнинг шарпасини иллаганида, тун аллақачон яримлаганди. Ёлдор аста ўрнидан кўзғолди. Ҳузур қилиб, узоқ керишди. Сўнг эса аста йўртиб, Қоратепа томон йўлга тушди.

* * *

Ёлдор хавфли ҳид—инсон ва яроқ исини Қоратепага етмасдан бурун сезди. Ёзда тупроғи ўйнаб ётадиган Қалтаепа ёқалаб бориб, Қоратепа этагидаги тошлоқда тўхтаркан, димоғига чалинган бу ҳиддан яғрин туклари ҳурпайганча туриб қолди. Аммо изига қайтмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Қайтамга тошлар орасига чўзилиб ётиб олди. Тумшугини олдинга чўзганча, теваракни обдон ўрганишга киришди. Ва бир оздан сўнг Қоратепанинг олмазорга туташ қисмида ажал яширинлигини тўла англаб етди. Милтиқ иси—ажалдан дарак. Тоғда ундан чўчимайдиган жон зотининг ўзи йўқ. Ҳатто Маймоқдек кучли, анчайин сурбет жонивор ҳам яроқ ҳидини илғаши билан ювош тортиб, йўргалаганча қорасини ўчиради. Ҳар ҳолда милтиқ тутган кимсадан доимо узоқроқ юриш маъқуллигини тоғдаги барча жониворлар яхши билади.

Ажал ҳидининг қутилмаганда Қоратепада пайдо бўлиши дастлаб Ёлдорни чўчитди, сўнг таажжублантирди. Кейин эса қизиқтириб қўйди. Ахир шу пайтгача Қоратепада

бу ҳидга ҳеч рўпарў келмаганди—да. Бу сирнинг тагига етмоқ учун у кутишга қарор қилди. Биладик, одам боласининг бардоши узоққа чўзилмайди. Ҳадемай ўзидан огоҳ этади.

У тутқунликда одамзоднинг феълени хийла ўрганганди. Уни ўзига даҳшатли ганим деб билмасди. Лекин яроғнинг йўриғи бўлак. Яроқ тутган одам... Эсласа, ҳануз танаси тиришади.

Толмас чолнинг ён қўшниси Улаш бир куни унга дабдурустан милтиқ ўқталиб қолди. Кайфининг зўрлигидан зўрға оёқда турганлиги боис, биринчи отган ўқи тупроқни тўзғитиб юборди. Иккинчиси катакнинг чекка тахтасини учириб юборди. Учинчи ўқни узишга улгурмади. Эшақда аллақадан келиб қолган Толмас чол унинг қўлидан милтиқни тортиб олди. Қулоқ чаккасига ўхшатиб бир тарсаки туширди.

— Э, ичмай ўл! — деб сўкди.

— Ичаман! — деди Улаш ёш боладай ҳиқиллаб. — Шунингиз бор экан, ичаман ва яна ичаман!

— Бунинг сенга нима оғирлиги тушяпти, аҳмоқ?

— Тунда увлаб кайфимни қочиряпти.

Аслида эса гап бутунлай бошқа томонда эди. Ҳамиша ширакайф юрадиган бу банда бир кунмас бир кун Ёлдорга ем бўлишдан чўчирди. Унинг нимаси кўп, ичиши ва дуч келган ерда думалаб қолиши кўп. У мастликда Ёлдорнинг ёнида чўзилиб қолишидан кўрқарди. Икки бор бўлган. Икки сафар ҳам кўзини очиб, бошида Ёлдорни кўрган. Йиртқичнинг нигоҳида қаҳр ва қизиқишга қоришиқ ғалати бир жиддиятни пайқаган. Кўрқувдан иштонини хўллаб, ундан нари қочаркан, бўриларнинг кўз қарашлари итларниқидан тубдан фарқ қилишини ўшанда билган.

У йўқ ердаги гаплар билан жониворга тирғалиб ўтирмаган. Шартта милтиққа ёпиша қолган...

Ўшанда тасодиф туфайли муқаррар бир ўлимни четлашга муяссар бўлган Ёлдор яроқ ва ўқ-дори ҳидини бир умрга эслаб қолган. Кейинчалик эса ўзининг мунгли қўшиғи билан Улашни сўнгги манзилга узатиб қўйган.

У ҳеч вақт бу қадар ҳазин қуйламаганди.

Ёлдор қалин қор кечиб тўйдан қайтаётган Улашни бошда ириллаб қаршилаган. Аммо Улаш, кайфи зўрлигидан, уни пайқамаган. Чолнинг ҳовлисини кесиб ўта-ўта, индан сал нарида гурсиллаб қулаган. Йиқиларкан, ўрнидан қайтиб кўзғолмаган. Гупиллаб ёғаётган қор бир зумда уни кўздан бекитган. Ана шундагина Ёлдор одатдан ташқари нимадир юз берганини ичдан ҳис қилган ва увлашга тушган. Бироқ тунда унинг ноласига эътибор берувчи кимса топилмаган.

Эртаси тушдан сўнг Улашнинг музлаб қолган жасадини қор тагидан топганлар, дастлаб Ёлдордан шубҳаланишган. Мурда танасида тиш изларини кўришмагачгина, совуқда қотиб қолганини фаҳмлашган. Бироқ юз берган бу фожеадан бутунлай эсини йўқотган Улашнинг шаллақи хотини эрининг ўлимига Ёлдорни айбдор деб билган ва қарганиб қишлоқни бошига кўтарган.

Бу воқеадан Ёлдорнинг андак анлагани шу бўлдики, итлар кўринган қорага ақиллагандай, одам боласиям йўқ-бор нарсага тирғалаверар экан. Агар эси бутун тўрт-беш йигит Толмас чолнинг тарафини олмаганда, Ёлдорнинг ҳолига маймунлар йиғлаши аниқ эди. Мурда бир четда қолиб, оломон унга ҳезланган. Бунинг бошида Эргаш боди турган. Қачонки, йигитлардан бири, агар ҳадеб сакрайверсангиз, Томлисойдан сигир ўғирлаганингизни ҳаммага айтаман, дея шипшигандан сўнггина уни ўчган.

Уша тун одамларнинг ғала-ғовуридан қаттиқ юрак олдириб қўйган Ёлдор қишлоқ оралаган жинсдошларини жуда яқиндан кўрган. Кутқаринглар мени, дея зорли гингшиган. Яссибош қилт этмаган, ҳадик ва адоватла безрайиб тураверган. Аммо урғочи бўри Оқсийна негадир анча ройиш билдирган, ҳатто берироқ келишга журъат этган. Ёлдорга, унинг бўйнидаги занжирга, кўнқайган катакка ҳайрон-ҳайрон боққан. Агар халақит беришмаганда, келиб искаланишим мумкин эди. Бироқ тўсатдан қулба эшигини очган Толмас чол барча ишнинг белига тепган. Уларни чўчитиб юборган.

Шундан кейин, орадан анча вақт ўтиб, улар Қоратоғнинг белда қайта учрашдилар. Аммо энди Ёлдор бир пайтлар зорли-зорли гингшиган чорасиз тутқун эмас, Бўзбўри галасини қувиб, улкан ҳудудга эга чиққан, янада аниқроғи, узоқ кутилган озодликдан маст юрган ёвқур бир жонивор эди.

Уша куни у ҳеч бир сабабсиз, Яссибошни таппа босиб талаган. Қолбуки, Яссибош ортиқча бирор ҳаракат қилмаганди. Бор-йўқ айби, Қоратоғ ёқалаб кета-кета, Бўзбўрига бой берган қадрон худуди сарҳадида бир зумга тўхтагани ва билиб-билмай салгина ичкарилагани эди. У гуссага берилиб, Ёлдорнинг пайдо бўлганини пайқамай қолганди.

Оқсийнанинг назарида, шу куни Ёлдор кучи ва келбатига яраша иш тутмади. Яссибошдек ўртамиёна жониворга бу даражада қутуриб ташланиш шарт эмасди. Биргина дўқнинг ўзи кифоя эди. Яссибош ўлақолса у билан ёқалашиб ўтирмас, дарҳол қорасини ўчирарди. Негаки, шусиз ҳам унинг аҳволи анча хароб, қуймичини ялаб ўтган ўқдан қаттиқ азият чекиб юрганди.

Оқсийна арча ёнида гўлдайиб қолган Ёлдорга қарай-қарай, Яссибошнинг ортидан лўкиллаб бораркан, бирдан уни таниб қолди. Ия, бу тутқундаги бўри-ку! Зўрликка зўракан-у, лекин жуда тезоб ва беодоб экан. Бу борада Оқсийна ҳақ эди. Ҳали-ҳануз ёввойи оламага тўла синггишиб кетолмаган Ёлдор, тез-тез қуюшқондан чиқиб, "тарбиясиз"лигини бот-бот намоиш этиб турарди. Акс ҳолда Бўзбўридек жиддий рақибни совуққонлик билан енга билган Ёлдордек жонивор алақандай Яссибошни итдай талаб ўтирармиди. Бу эса унинг тутқунлик асоратларидан ҳали тўла қутула олмаганидан дарак берарди.

Эндиликда Ёлдор бу нохуш одатлардан деярли соқит бўлган, ўтмишидан эса сабр-тоқатнигина ўзига мерос қилиб олганди. Шунинг учун ҳам тошлар орасига беҳузур жойлашиб, Қоратепада яширинган сирнинг тагига етиш илинжида эди. Бу юмушга бутун диққатини қаратганиданми, Маймоқнинг Қоратепага етиб келганини пайқамай қолди. Пайқаган вақтда эса, Маймоқ тумшугини олдинга чўзганча ҳаводан ҳид олаётганди. Ана, у хавфни дарров илғади. Бир зум ҳангманг булиб тургандан сўнг, тезгина изига қайрилди-да, ортига қарамай, жадал жўнаб қолди.

Маймоқнинг қораси ўчгач, Ёлдор енгил тортди. Хайрият, бугун у билан ёқалашиб юрмайдиган бўлди. У яна Қоратепа томонга ўтирилди. Бир муддатдан сўнг ҳаводаги ҳиднинг тебранганини сезди. Кўп ўтмай Қоратепадан тошлоқ тарафга қайрилган йўлда икки қўланкани кўрди. Йўл тошлоқни ёнлаб келиб ясси тепаликка ўрларди.

Ёлдор чекинмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Худди бир пайтлар уни тўрига биқингандай, ерга янада маҳкам қапишди. У ўз тажрибасидан шуни яхши билардики, одам боласи ҳид олмайди, ҳаракатсиз қораниям илғаш

қийин. Шу боис, у ортиқча таҳликага тушмай, қўланкаларни кузатишда давом этди.

— Буйтиблар сарсон юргандан кўра, қопқон қўйган маъқул, ака, — дерди қўланкалардан бири — Гуччи пакана совуқдан тишлари такиллаб. — Қайтамга уйқудан қолдик.

— Келади дегансиз... — дерди Сарвар норози тўнгилаб. — Қор ёғиб берса зўр бўларди-да, изидан бирпасда топардим.

— Изига тушганингиз билан... — Гуччи пакана чайналди. — Лекин ҳавода қорнинг захри бор. Совуқни қаранг! Тешиб юборай дейди.

Улар гангур-гунгур сўзлашганча Ясситепа ортида кўздан гойиб бўлишди. Ёлдорни ташвишга солган ажал ҳидиниям ўзлари билан бирга олиб кетишди.

У ўрнидан кўзғалишга ошиқмади. Узала тушиб ётган жойида бақувват панжаларини олдинга чўзиб, обдон керишди. Сўнг илдам оёққа қалқиб, Қоратепа томон йўналди. Таниш сўқмоқдан қабрлар оралаб бораркан, йўлда Маймоқнинг эски тезагига дуч келиб, аста ириллаб қўйди.

Боланинг дўппайган қабрига етганда, бутунлай хотиржам тортганди. Бироқ хотиржамлиги тезда таажжуб билан алмашинди. Бояг кимсалар ҳиди қабрнинг шундоққина биқинига ўтириб қолганди. Аччиқ изғирин уни ўчиришга улгурмаганди.

Ёлдор қабр теварагини норози айланаркан, ўша таниш гусса-айрилик ҳисси яна юрагини чулғаб олди. Инграниб гингшиди. Бу хил гингшиши кўпинча маҳзун нолага айланиб кетарди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди.

* * *

— Ана келди, ака!

Эндигина ўринга чўзилган Гуччи пакана устидаги кўрпани улоқтириб ташлаб, туриб ўтирди. Сўнг гапи тўғри чиққанидан хурсанд бўлгандай, қўшиб қўйди:

— Айтдим-ку, келади деб!

— Балки итдир, — Сарвар ишонқирамай, дераза ортидаги қоронғиликка тикилди. — Баъзан итлар ҳам мана шундай овоз чиқаради.

— Жондорнинг овозини итникидан фарқлаёлмай ўлибманми, ака!

— Аниқ шу деб ўйлайсизми?

— Эмасам-чи! — Гуччи пакана унга норозиланиб қараб қўяди. — У боракан, бу томонларга бошқа жондор дорилмайди. Дориб ҳам кўрсин! Аммо-лекин ёмон вафодор чиқди бу! Қаранг, ҳалиям боланинг дардида куйиб юрибди. Овози юракни эзади! Ўлдиришга одамнинг қўлиям бормайди. Балки... а, ака?! Нима дейсиз?

— Айтдим-ку, анову турқи совуқ аканг гаровдан воз кечса, унга ортиқ хусуматим йўқ, деб.

— Йў-ўқ, у гаровдан воз кечмайди.

— Унда қандай йўл билан бўлмасин уни тинчитишимиз керак.

— Шойим йўғонними?

— Уф-ф...

— Тушундим, ака, тушундим, — Гуччи пакананинг боши шалвираб тушди. — Эртан ўзим сизга қопқон топиб бераман. Узунқулнинг бевасида бир талайи бор. Эридан қолган. Ота томондан озгина қариндошлигимиз бор, йўқ демаса керак. Аммо-лекин сизни акам демаганимда, Ёлдорнинг яқинига йўлатмасдим. Бой бўлганимда, унинг хунини ўзим сотиб олардим. Афсус, қўлим калта-да.

Бу гаплар Сарварга малол келса-да, қилт этмади.

Негаки, Гуччи пакана керакли одам. Аразлаб кетса, кўйлари қаровсиз қолади. Қишлоқ одамларининг териси юпқалигини келган кунийёқ билган. Содда кўринишса-да, гап кўтаришлари қийин. Бу ҳол Гуччи паканага ҳам бегона эмас. Шунинг учун доим яхши гапиришга тиришади, йўқ ердаги қизларни ўйлаб топади. Гуччи пакана барига ишонади. Сарвар эса ичдан кулади: "Сулуга ҳавасинг кетмай ўл, аввал ўзинга бундай қарасанг-чи!" Бироқ Гуччи паканани унчалик овсар деб бўлмади, минг ҳаяжонга тушмасин, баъзан хижолатдан манглай қашлаб дейди:

— Бу... айтган қизларингизни бари бўйчан экан, шу... ўзимизга ўхшаган майдароғи йўқми, а, ака?

— Бор, — дейди Сарвар ишонч билан. — Турли сўрти, турли маркасидан бор. Танлаб-танлаб олаверасиз. Сиз фақат чорвага яхши қарасангиз бўлди.

— Бундан сира ғам еманг, ака. — Гуччи пакана дағал кафтларини олдинга чўзади. — Менинг кўлларим баракали! Менинг кўлимда кўйларингиз тез семиради.

— Яшанг, укам, яшанг!

— Шаҳарга тушган кезларим, йўл бўйидаги чойхонада ўтириб, қизларни томоша қиламан. — Гуччи пакана негадир андак маъюсланади. — Кўзимни куйдириб, ҳар қизлар ўтади, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа, нима еб, нима ичаётганимни ҳам билмай қоламан. Шундай пайтда мени майда қилиб туққан энамдан ёмон хафа бўп кетаман. Туғиб нима қилардингиз дейман... ичимда.

— Онадан хафа бўлиш яхши эмас. — Сарвар норози қош чимирган бўлади. — Бу ишда онанинг ҳеч бир айби йўқ. Иккинчидан, бўй-бастга бу ерда қарашаркан, шаҳарда бунинг унча аҳамияти йўқ. Муҳими, юрак тоза бўлиши керак.

— Тоза-тоза! — Гуччи пакана ошиғич эътироф этади. — Юрак тоғ-тоза! Лекин бизди қишлоқ одамларининг юрак билан унча ишлари йўқ. Шунисига қуяман мен. Тунов йили майдароқ бир қизга оғиз солдим. Нима дебди денг?

— Нима дебди?

— Э, айтилиги йўқ, ака.

— Айтинг-айтинг.

— Паканага теккинча, итга тегаман дебди.

— Бўшлик қипсиз-да.

— Тегмайман деса, зўрламайсиз-ку.

— Гоҳида зўрлаш ҳам керак.

— Кейин мени хели-хишти тинч кўяр...

Сарварнинг унга раҳми келади. Яхшилик қилиб, бирорта қари қизга уйлантириб қўйсамми дейди. Бироқ бундан ўзига ҳеч бир наф етмаслигини ўйлаб, тезда фикридан қайтади. У нафи йўқ юмушни жинидан ёмон кўради. Гуччи пакана эса ҳозирча арзон ишчи кучи сифатида керак. Эртага уни ҳатто эслаб ҳам ўтирмайди. Ваъдалар нима, қуруқ сўз, айтилиши билан кетади ҳавога сингиб. Уни на тутиб бўлади, на бошқа қилиб.

Шунга қарамай, Гуччи пакананинг ўта хокисорлигига баъзида унинг жуда ҳаваси келади. Кўзига у муаммосиз одам бўлиб кўринади. У чўпчакларга ишонади, барча нарсдан фақат яхшилик қидиради. Ҳатто кўшнисининг сиғири туғсаям ўзида йўқ қувонади. Сарварга эса бу қислар ёт. Кўнгли ҳамиша нимадандир дилгир. Пули кўпнинг ташвиши мўл, дея ўзини овутомққа уринса-да, чин дилдан қувона билмаслигидан гоҳида хуноб бўлиб кетади. Ўшанда негадир ҳамиша мардикор йигитни эслайди. Унинг аччиқ гапларидан маъно қидиради. Эсида, қурдираётган иморатига ҳамманинг

ҳаваси келган, ҳамма мақтаган, фақат угина пинак бузмаган, ўткинчи ҳавас қўллари, дея гудранган. Охири у мардикор йигитни ҳайдаб солган. Пулидан сиқиб, жаҳлини чиқармоқчи бўлган. Аммо у газабланмаган, қўллардан хафа бўлиш йўқ, дея кетган-борган. Кейин эшитса, у шоир экан. Шейрларидан ўқиб, уста шўрликни кўп хуноб қилар экан.

"Қул" дея, у нимани назарда тутган, бу нарса Сарвар учун ҳануз қоронғи. Буни, юпуннинг бодилиги, деб ўйлайди.

У Гуччи пакананинг хуррагига қулоқ тутиб, қоронғилик кўйнига тикилиб ётаркан, дилгирлик сабабини дарддан қидиради. Шу дарди туфайли тоғу тошлар орасида сарсон юрганию турқи совуқ Шойим йўғонга дуч келганини ўйлади. Бу ёққа келишни маслаҳат берган табиб чолнинг гўрига энди гишт қалай бошлаганида, касали борган сари камроқ безовта қилаётгани ёдига тушиб қолди. Буни қарангки, Ёлдор билан андармон бўлиб, дардиниям эсидан чиқариб юборибди. Наҳотки тузалапти?! Агар ўртала сурув масаласи кўндаланг турмаганида, шу тобда ўзини қанчалик бахтиёр ҳис этарди-я! Минг афсуски, сурувдан айрилиб қолиш эҳтимоллиги, ундаги бу туйғу юзига соя ташлаб турарди.

У ётган жойида безовта тўлгонди. Йўқ, сурувни бермоқ жон бермоқдан юз карра ёмон. Қандай бўлмасин Ёлдорни тинчителиши лозим. Акс ҳолда бир умр куйиб ўтади. Мол аччиғи — жон аччиғи деб бекорга айтишмаган.

* * *

Кўшни худуд бўрилари мулкига даҳл қилганидан бери Ёлдор тинчини йўқотганди. Бурун бутун худудини уч-тўрт кунда бир, жуда нари борса, ҳафтада икки бор айланиб чиқадиган жонивор Қоратепадан қайтиши билан шу юмушга уннади.

У худудини айланиб, зарур жойлардаги белгиларни янгилаб чиқаркан, кўшни тўда қайта бош суқмаганини сезди. Аммо бундан унинг кўнгли тинчиб қолмади. Негаки, тўдабоши шунчаки жигига тегмоқ истаса, бу қилиғини такрор намойиш этарди. Тоғда бу хил ҳодисалар кўп учрайди. Айрим қитмир жониворлар худуд эгасининг кўзига ташланмасдан чегарани бузиб юради. Бироқ кучига ишонган тўда кўпда қитмирликни ўзига эп кўрмайди. Демак, нописанд белги қолдиришга ҳадди сиққан етакчи бўри қандайдир шумликни ўйлаган.

Ёлдор Сўқирқояда узоқ туриб қолди. Теваракдан кўз узмай, димоғига чалинган ҳар бир ҳидни илғашга, ўрганишга тиришди. Ёлғизлиги кор қилгандай, негадир аламли гингшиди. Яқинда ўзига ройиш билдириб, ғалати қўйшанглаб кетган Оқсийнани кўмсаётганини сезиб, бундан гоят ажабланди. Чунки бу туйғу унга ёт эди. Илгари ўзга жонзодни ҳеч ўйламаганди.

У руҳида қандайдир ўзгариш юз бераётганини ҳис этиб, дардманд оҳангда увлаб юборди. Аммо бу йўқлов эмасди. Юраги тубидан ихтиёрсиз ҳолатда юзага қалқийётган туйғуларни идрок этмоққа ожиз қолган жоннинг фиғони эди.

У Оқсийнани ўн кунча бурун яна учратганди. Мулканинг шимолий-шарқий қисмидаги Кўксув вилларини кўздан кечираётди, яшин урган арча ёнида тўхтаганди. Кўксув жониворларнинг серкатнов жойи бўлиб, ўтган-қайтган ҳайвонлар арча танасида ўз белгиларини қолдириб кетарди. Ёлдор ўз белгисини янгилашдан аввал арча теварagini гир айланиб ҳид олар, яъни нима келиб, нима кетганини обдон ўрганарди. У

эндигина шу юмушга уннаганида қўшни ҳудуддаги зирк буталари орасидан қандайдир жониворнинг ўзига тикилиб турганини пайқайди. Шамол тескари эсиб, ис олмоқнинг имкони йўқлигидан унинг гаши келди. Ўша томонга ҳушёр боқди. Кузи илғгани Яссибош бўлди.

Танидан дарди ариб, қайта кучга тўлган Яссибошнинг нигоҳи тўла адоват бўлса-да, нимадандир ҳануз иккиланаётгани шундоққина сезилиб турарди. Чамаси бетлашишга журъати етмаётган эди. Бироқ ҳудуд уники, ортиқ сусткашлик ҳамиша ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Худди шунини сезгандай, у буталар орасидан чиқиб, тошлоқ майдонга келиб чўнқайди. Бу томонга фақат ўлигимнигина босиб ўтасан дегандай, гўдайиб туриб олди. Бу билан, яъниким, вазиятни тўғри баҳолай олмаганидан, у жиддий хатога йўл қўйган. Фанимга элдан бурун рўпару келганди. Ҳолбуки, Ёлдор томондан ҳозирча ҳеч бир ортиқча хатги-ҳаракат сезилмасди. Лекин вазият шу қадар қалтис эдики, учкундан аланга чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бунинг учун Яссибошнинг биргина таҳдиди, ириллаши кифоа эди. Ўз навбатида, Яссибошни ҳам кўпда айблаб бўлмасди. У ҳудуд талашишлардан шу қадар юрак олдириб қўйгандики, оқибат, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида аввалроқ ўзи майдонга чиқиб қўя қолганди.

Яссибошнинг бахтига Ёлдор уни менсимайди. Виқорли бир қараш билан чекланиб, арча танасида қолдирилган белгиларни "ўқиш"га тутинди.

Айни шу пайтда оқиш харсанг ортидан пайдо бўлган Оқсийнага Ёлдорнинг бу сокинлиги жуда ёқиб кетди. У илгариги жиззаки йиртқичга сира ўхшамасди. Улғайиб, янада ҳайбатли тус олибди. Ҳаракатлари шу қадар ўзига ярашардики, Оқсийна бир зум маҳлиё туриб қолди. Кейин тумшуги билан Яссибошни турткилаб нари қайдай бошлади. Орада Ёлдорга киши билмас қийшанглаб қараб қўйди.

Оқсийнанинг қийшанглашлари Ёлдорнинг назаридан четда қолмади. Бироқ бу нарса арча танасига белги қўйишига халақит бермади. Бундан Оқсийна қаттиқ оғринди. Аламидан ушлаб юборай деди. Йўлига тижирлик қилиб, майдонни тарк этишга ошиқётган Яссибошнинг яғринидан фарчча тишлаб, уни олдига солиб ҳайлади. Бутазорга шўнғий-шўнғий бирровгина ортига ўтиришди. Ёлдор унинг кўзларида жамланган араз, нафрат ва меҳрнинг қоришиқ ифодасини кўриб, ҳайрати баттар ошди.

Агар Маймоқнинг ўкириги халақит бермаганида, Ёлдор англрсиз туйғулар исканжасида қанча турарди, Худо биледи. Айиқнинг таҳликали бўкириши унинг хаёлини тарикдай сочиб юборди.

У сергак тортиди.

Маймоқнинг овози Сўқирқоя ортидаги сойликдан келарди. Ўкиригида ғазабдан кўра қўрқув ва ночорлик оҳангги кучлироқ эди.

Ёлдор воқеани тез фаҳмлади ва аста ириллаб қўйди.

Шу кунларда Маймоқнинг аҳволи анча чатоқ эди. Унинг ҳудудига Улкан айиқ тажовуз қилмоқда эди. Бир ҳафтадирки, улар мушук-сичқон ўйнашарди. Маймоқ заифлиги боис, фанимига қарши чиқишга журъати етмай, пўписадан нарига ўтмас, ўз навбатида, Қоялитоғлар водийсининг ҳукмдори бўлмиш Улкан айиқ бу ҳудудни тўла эгаллашга унчалик ошиқмас, гўё Маймоқнинг силласини курутмоққа аҳд қилгандай, ҳозирча дам-бадам пайдо бўлиш билан чекланмоқда эди.

Ёлдор ҳалик ва қизиқиш билан сойликка энаркан, қизиқ манзаранинг устидан чиқди. Улкан айиқ муқолишдаги қуюқ бутазорда бамайлихотир кавшаниб

юрар, Маймоқ эса анча берида, ҳар лаҳзада қочмоққа шай ҳолда, ўкириб турарди. Афтидан унинг бўкиришлари Улкан айиққа чивин чаққанчалик таъсир этмаётган эди.

Унинг ҳаракати Ёлдорнинг ҳам гашига тегди. У худди шу сойликда Бўзбўри билан қаттиқ олишганди. Бу воқеа эсига тушдими ё эгалик ҳисси устиворлик қилдими, ириллаб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Таҳдиддан йироқ, шунчаки қизганиш ҳисси остидаги нидо эди бу. Аммо бу нарса Улкан айиққа ғалати таъсир қилди. У ҳаманг-манг бўлиб теваракка кўз солди ва кўрдикки, аллақандай бир бўри Маймоқнинг ёнини олиб, ириллаб турибди. Бу эса жониворлар ҳаётида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Ҳудуд, одатда, ҳамжинс ҳайвонлар ўртасида талаш бўлади. Бошқа турдаги жониворлар бу можарога аралашмайди.

Агар бу ҳол Қоялитоғлар водийсида юз берганида, Улкан айиқ ғазабдан қутурган, уларга ташланган, тутса тириклайин еб-ютган бўларди. Аммо у бегона ҳудудда, ёввойи жониворлар ичдан буйсунадиган қонун-ҳақлик ва ноҳақлик туйғуси измида эди. Бироз иккиланишдан сўнг, ноҳақлигини сезиш туйғуси барибир устунлик қилди. У ўкираётган Маймоғу, ириллаётган Ёлдорга таажжуб-ла бир-бир боқиб, ошиқмай бутазорни тарк эта бошлади. Бундан ботирилган Маймоқ бир неча олим илгарилади. Ундан ортиғига ботинолмади. Фанимини ўчакиштириб қўйишдан қўрқди.

Ёлдор эса Улкан айиқ кетиши билан тинчланди. Маймоқ томонга қараб қўйишниям лозим топмай, ёнбағирлик бўйлаб йўртиб кетди. Шунингдек, Маймоқ ҳам унга эътибор бериб ўтирмади. Нега деганда, юзага келган бу ҳодиса иттифоқлик белгиси эмасди. Ҳар қайси ўзини мулк эгаси сифатида билиб, қўлларидан келганча уни ҳимоя қилишга тиришганди, холос.


Ёлдор Сарвар томонидан қўйилган биринчи қопқонга Ичаксойда рўпару келди. У хатарнинг мавжудлигини яқинлашмаёқ исидан сезганди. Бироқ бу нарса олға юришга монелик қилмади. Қопқон ингичка сўқмоққа ўта нўноқлик билан ўрнатилган экан. Устига озгина хас сочилган нам тупроқ остидан темир, хўрак ва одам иси гупуриб турарди.

У чўнқайган қўйи, хавфли майдончани обдон кўздан кечирди. Ора-орада теваракка назар солишниям унутмади. Кейин ажал билан ўйнашгиси келгандай, қопқон тепасидан сақраб ўтди. Сўнг яна ортага сапчиди. Бу қилиғи ўзига ёққандай, бирпас қотиб турди-да, тўсатдан шартта ортига ўгирилиб, орқа панжалари қопқон устига тош ва тупроқ соча бошлади. Кутгани бўлди. Тупроқ ва хасларни тўзғитиб, қопқон қисқичлари қарсиллаб ёпилди. Бундан ўзи ҳам чўчиб кетди.

У қопқонга илк бор тутқунликдан халос топган кунлари дуч келганди. Бўриқалла тизмасига туташ водийда тўнғиз боласига кўзи тушганида, ич-ичидан яйраб кетади. Тўнғиз боласи чийиллар, ҳар ён талпинар, лекин ҳеч нари кетолмасди. Бу синоатдан аввалига у ҳайрон бўлади. Сўнг тумшук ялаб, олдинга интилади. Аммо чакалакзордан чиқишга улгурмай, қарши томондан келаётган овчига назари тушади. Чакалакзорда қолиб, воқеанинг давомини кузатади.

Афтини малла соқол қоплаган овчи ишни чўзиб ўтирмади. Тутқундаги жониворни отиб ўлдирди-да, қопқонни қайта ўрнатиб кетади.

Овчи арчалар орасида кўздан ғойиб бўлгач, Ёлдор бекинган жойидан чиқади. Темир ва яна алламбалолар ҳиди муаллақ туриб қолган жойга аста яқинлашади. У чўнқайиб искаланади, ербағирлаб ётиб искаланади, у



ён-бу ён юриб искаланади. Оламзоддан ҳайиқмайдиган жонивор темир исидан чўчийди. Димогини қитиқлаётган хўракнинг хушбўй ҳиди ортида қандайдир хатар яширинганини сезади. Нималигини англаёлмай, боши қотади.

Агар шу тобда узоқдан эшақ минган чол кўринмаганда, Ёлдорнинг қопқонга тушиши аниқ эди. Хўракнинг хушбўй ҳиди бутун фикр-зикрини ўғирлаб қўйганди. Бахтига чол келиб қолиб, у тагин чакалакзорга биқинишга мажбур бўлди. Чолнинг бўшангина ити ҳидни сезиб, олдинга ўтади. Искаланиб қопқонга яқинлашади ва тўсатдан вангиллаб юборади. Воқеани фаҳмлаган чол сўкина-сўкина эшақдан тушади, сўкина-сўкина итни қопқондан бўшатади, сўкина-сўкина уни бир четга улоқтиради, сўнг сўкина-сўкина оқсоқ итини эргаштириб кетади.

Ёлдор ерда занжири чуваланиб ётган қопқонни келиб ҳидлайди ва тилсиз бу ёвни хотирасига маҳкам михлаб олади. Темир ва хўракнинг омухта ҳиди—хатар! Кейинчалик жуда усталлик билан ўрнатилган қопқонларни ҳам осонгина аниқлайдиган бўлди. Яйдоқ ва овлоқ жойларда емиш бежиз ётмаслигини ва бу ҳид ортида албатта бирор хавф яширинганлигини фаҳмлаб етди. Кўпинча, агар ҳафсала қилса, тош ва тупроқ сочиб, қопқонни зарарсизлантириб кетар, баъзан эса уни четлаб ўтарди.

У навбатдаги қопқонга Қоратепа яқинида дуч келди. Бу қопқон Ғуччи пакананинг қутқуси билан қўйилганди.

Ёлдорнинг Қоратепага келишига ҳануз тўла ишонмаган бўлса-да, Сарвар унинг райини қайтаролмаган, қопқонлардан бирини шу ерга жойлаштирганди. Қолганларини эса ўз билгича, лекин Ёлдор юрадиган сўқмоқларни тусмоллаб қўйиб чиққанди.

Ёлдор бу қопқонга тегмади. Уни четлаб ўтди. Олмазорда шовур сезиб, қабрлар орасидан ўша томонга мўралади. Суюн чол невараси билан олма териб юрган экан.

У Қоратепада кўп ҳаялламай, Ялангош орқали кунботар томон юрди. Худуднинг шимолий-ғарбий қисмидаги асосий "устун"лардан бири бўлмиш қайрағоч ёнида тўхтади. Унда қолдирилган ҳидларни обдон искаб ўрганди. Қандайдир аҳмоқ буқа дарахт танасига роса ишқаланибди. У бундан кўпда ранжиб турмай, белгисини янгилади-да, нари бориб чўнқайди. Тоғларга боқди. Беридаги чўққиларга ҳам қор тушганини кўрди.

У ҳаводаги қор ҳиди қаторида, юрагида тагин ўша ғалати ҳисни туйди. Ўзига араз, нафрат ва меҳр билан қараб кетган Оқсийнани яна қўмсай бошлади. Қизиқ, илгари бу хил туйғуларни сезмасди. Дастлаб озодликдан бошқасини ўйламасди. Сўнг эркинликдан сармаст юрди. Кейин ҳудуд масаласи билан андармон бўлди. Агар қўшни тўданинг бебошлигини ўйламаса, кунлари бинойидек ўтмоқда эди.

Бироқ қутилмаганда, мана тушунуксиз туйғулар уни қийноққа сола бошлади. Тотли, ўз навбатида, мавҳум бу ҳисларнинг нелигини англашга қурби етмай, у аста келиб қайрағоч пойига чўзилди. Қуйидаги илонизи сўқмоқдан кетиб бораётган эшақли чолга ҳардамхаёл тикилди. Бу бир пайтлар уни қопқонга тушишидан асраб қолган ўша чол эди.

У эшақлига эргашган бўшанг итга жиддий боқаркан, илк бор юрагида таниш тажовузни ҳис этмади. Авваллари ит зотини кўрса, бутун вужуди интиқом ўтидан ловуллайдиган жониворнинг, бу сафар, бирор

туки қилт этмади. У ҳануз тушунуксиз туйғулар гирдобила эди.

Ёлдор бу ерда узоқ турмай, Эгрисойни қоралаб йўлга тушди. Эгрисойда тўнғизларнинг катта оиласи яшарди. У алақачон уларни кўз остига олиб қўйганди. Агар ови бароридан келмаса, Қизилқия ёқалаб Дўнғояга ўтади. Қоя ўнғирларидан бирида гамламаси бор.

У бир маромда йўртиб бораркан, Учбурундаги ёввойи дўланазорда Маймоқни кўрди. У мевасиз бута тагида ниманидир иштаҳа билан чайнарди. Ёлдор одагига хос, аста ириллади. Маймоқ эса унга эътибор ҳам бермади.

* * *

Қўйган қопқонларидан бирор наф чиқавермагач, Сарвар чинакамига ташвишга тушиб қолди. Ғуччи пакананинг қаровидан, унинг табири билан айтганда, йилтиллаб семира бошлаган қўйлари ортиқ уни қувонтирмай қўйди. Уларга омонат сифатида қарай бошлади. Аслида ҳам шу. Агар Ёлдорни тинчитмаса, бир неча кундан сўнг сурув Шойим йўғоннинг ихтиёрига ўтади. Қани энди, одам ёллаш мумкин бўлсаю бу бошоғриқдан тезроқ қутула қолса. Аммо шарт бўйича бу мумкин эмас. Шойим йўғон ҳатто қопқонга қарши чиқиб ўтирибди.

— Қопқонга келишмаганмиз, — деди бугун эрталаб. — Ғирром ўйинни бас қилинг!

— Қанақасига ғирром? — Сарвар йўқ ердаги бу даъводан ҳайрон бўлди. — Нима қиламан, қандай қўлга тушираман, нима фарқи бор сизга?

— Жудаям фарқи бор-да! — Шойим йўғон унга тешиб юборар даражада ўқрайиб тикилди. — Жондор бўлса-да, у йигитдай бир гап! Биз уни йигит деб биламиз.

Йигит билан йигитдай гаплашинг! Ҳали қопқон қўясиз, ҳали анову паканани эргаштириб чиқасиз. Баридан бохабармиз. Ғирром ўйинни бас қилинг! Йўғасам ёмон хафалашиб қоламиз.

У дераза ёнида шу гапларни эслаб ўтираркан, тунд осмонга умидвор тикилди. Қани энди, бир энликкина қор ёғиб берса-ю, Ёлдорнинг изига тушиш имконияти туғилса.

Овда из олиб, ўлжани қўлга туширишни у амалдор оғайнисидан ўрганганди. Овга ишқибозликниям шу жўрасидан юқтирган. Қиш-қировли кунларда амалдор оғайниси ваҳимали хорижий машинасида гуриллаб келарди-да, уни овга олиб кетарди. Сарвар бошда овни шунчаки оворагарчилик деб ўйларди. Аммо нафи кўп тегадиган амалдор оғайнисининг гапини ҳеч икки қилолмасди. Иккинчидан эса, ов баҳонасида яхшигина маишатга берилишарди. Амалдор минган машинанинг юкхонасидан жондан бўлак ҳамма нарса топиларди. Бу ноз-неъматлар дала-даштда, қорда, гулхан теварагида негадир бошқача татирди.

Амалдор жўраси, унинг ўйлашича, пишқириб, гулдираб, гумбураб яшарди. Бўйи нақ икки метр, кучи гавдасига мос, агар чинакамига истаса, ҳар қандай қўйни бир ўтиришда еб тугатадиган азамат йигит эди. Сиздан ажал ҳам ҳайиқса керак, дерди баъзида Сарвар унинг келбатида ҳавасланиб боқиб. Бироқ ажал деганлари қўтосдай бақувват бу йигитдан ҳеч ҳам ҳайиқмас экан, бир ўтиришда сездирмайгина жонини олиб қўйди. Бу ҳолдан ҳамма ҳайрон. Кимдир у деди, кимдир бу, орада девдай бир йигит ўлди-кетди.

Сарварга ундан овчилик мерос бўлиб қолди. У овчиликнинг ўзига хос сир-синоатларини тўла

ўзлаштиролмаган эса-да, обдон завқини тоттишга улгурганди. Шундан бери у овни канда қилмайди.

Амалдор оғайниси, бу даштда қимирлаган жон борки, бари бизники, дейишни яхши кўрарди. Улар шаҳарчанинг кунботиш томонидаги уфққа туташ сарҳадсиз чўлни яёв ва машинада қадамба-қадам кезиб чиқишган. Овнинг ҳадисини олган жўраси қордаги изларни беҳато аниқларди. Изга қараб ёввойи жониворнинг қачон ва қай пайтда ўтганлигини адашмай айтарди. Ўлжасининг мазали қисмини даштнинг ўзидаёқ кабоб қилишга тушарди. У гоҳида овчи итларини ишга солса, гоҳида йирик жониворларни машинада қувлаб отарди. Ўлжасининг кетидан тушганда, у бутунлай ўзгарарди, яъни ёввойи бир овозда бўқирар, сўқинар ва бундан ғоят хузурланарди. Итларни эса жуда ёқтирарди. Яхшиларини эринмай овга ўргатарди. Ёлдор томонидан ўлдириб кетилган Диккикулоқ унинг энг яхши кўрган итларидан бири эди. Сарвар уни, жўрамдан эсдалик деб, ўзига олганди. Оғайнисининг ўлимидан сўнг, даштма-дашт изғишни бас қилган бўлса-да, Қамишкўлга танда қўйганди. Ўрдак ови билан шуғуланарди. Ҳатто бир марта чўлоқ бўрини отган. Аммо Ёлдор деганлари у билган ва тасаввур этган бўриларга ҳеч ўхшамасди. Унинг қилиқларидан ҳайратда эди. Одатда тирик бўрини кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Улар имкони борича кўзга ташланмасликка уринишади. Ёлдорни эса неча бор қишлоқ яқинида, дўнгда, булоқ бўйида ва ҳатто кўраси ёнида учратди. Яроғини қўлига олгунча бўлмай, арвоҳдай кўздан йўқолади. Бироқ узоқлаб ҳам кетмайди. Қоратепала бўридан ташқари, айиқ изига дуч келганда, ханг-манг туриб қолган. Аммо ҳайратини бировга айтормаган. Негаки, қишлоқ одамлари жуда ғалати, улар ўз ҳис-туйғуларини ҳеч қачон ошқор этишмайди, нари борса, шунинг нимасига бунча ҳовлиқасан, деган оҳангда, тоғда яшаймиз-да, деб қўя қолишади.

Фақат Гуччи пақанагина уларга ўхшамайди. Ичидаги ташида. Соддалиги боис, қишлоқда унчалик обрўйи йўқ. Бироқ дўстга итдай содиқ.

— Ака, бугун милтиқни менга берсангиз, — деб қолди эрталаб даб-дурустан. — Шойим йўғонга берадиган қўйимиз йўқ! Мен унга қўй тугул, қўйнинг қулоғини ҳам раво кўрмайман!

— Намунча ёмон кўрмасангиз уни.

— Мен уни ёмон кўрмайман, мен... — Гуччи пақана гапнинг у ёғини айтишга ийманади. Қизариб бош қашлайди-да, сўнг дейди: — Сурув кўлдан кетмасин дейман-да. Ахир сиз акамсиз, қуяди-да одам.

— Ростдан қуясизми?

— Эмасам-чи!

— Милтиқни нега сўраб қолдингиз? Ё Шойим йўғонни...

— Э, йўқ, — дея Гуччи пақана унинг гапини бўлади.

— Ёлдор учраса, отмоқчиман. Менга учраб туради-да у.

— Қўйларга эҳтиёт бўлинг.

— У қўйларга тегмайди деганман-ку.

— Мен уни тушунмайман.

— Уни ҳеч ким тушунмайди.

— Қани энди, бир энликкина қор ёғиб берса...

— Мен ҳам шунга итқакман.

Сарвар шуларни эслаб, тунд осмонга, ёнбағирликдаги арчазорга дилгир тикилади. Ғўлдираб сўқинади. Нега деганда, у эрталабдан бери гаранг. Ўтириб ўтиролмади, туриб туролмайди. Яроғини кўтариб чиқишдан эса бирор маъни йўқ. Тоғда Ёлдорни қидириш, пичан ғарамидан игна излашдек бир гап эканига аллақачон ақли етган. Шунингчун қорни интиқ кутмоқда

эди. Ҳаво эса юракни сиқар даражада тунд, ёғиб ёғмасди, очилиб очилмасди.

У дераза ёнида қанча турди, билмайди. Орада печкага ўтин ташлади. Милтигини қайта тозаллади. Сўнг жойига чўкиб, Ёлдорни қаердан қидиришни ўйлай бошлади. Кейин бирдан кўзларига ишонмай деразага ёпишди. Йўқ, кўзлари алламаган, ташқарида қор учқунтамоқда эди.

У қувончдан бақариб юборди. Худди амалдор оғайнисидек бор овозда ҳайқирди. Кейин қўлларини беўхшов саланглатганча, ўйинга тушиб кетди.

— Кунинг битди, Ёлдор! Кунгинанг битди!

* * *

Ёлдор туни билан ёғиб чиққан қорни мамнун қаршилади. Қорли ҳаво ичида димланиб ётган ланжликни қувиб, ғайрат қуюнини солгандек, у янада тетикланди. Қор кечиб дайиди. Қор кечгани сари ғайрати жўшаётганини сезд.


Одатдагидек, у қишлоқдан унча узоқлашиб кетмаганди. Саҳарга яқин тинган қор устида из қолдириб, қишлоққа энди. Негадир чолнинг кимсасиз қулбасига бош суққиси келди. Эшик ва деразаларни бир-бир искаб чиқди. Ошхонага кириб чиқишним унутмади. Бўм-бўш кўра ёнида бир зум чўнқайиб турди-да, сўнг қишлоқ итларининг юрагига қутку солиб, яна изига қайтди. Бу сафар итлар уни ортиқ қизиқтирмади. У ҳануз англари сиз туйғу гирдобиди эди.

У булоқ бўйига етганда, ичдан нимадир уни тоғлар томонга чорлаётганини ҳис этди. Нима? Қувончми ё ташвишми? Бу хил ҳисни илгариям икки-уч бор туйган. Худудига бегоналар оралаганини аввалдан сезган ва ҳамиша ҳақ бўлиб чиққан. Аммо бу сафарги ҳислар тўфонлироқ эди. Бугун ҳаётида нимадир содир бўлиши мумкиндек эди.

У Учқизида шумшайиб турган Маймоққа дуч келди. Қор тоққа эмас, Маймоқнинг ичига ёққанди. Танасига ёғ заҳирасини тўла ғамлашга улгурмаган Маймоқ жуда ғамгин эди. Ҳадемай қиш уйқусига кетиши лозим бўлган бу жонивор заҳиранинг камлиги ўзини не куйларга солишини яхши биларди. Одатда, очикқан жонивор муддатдан илгари уйғониб кетади. Уйғонганда, кўкламга ҳали узоқ, тоғ эса қалин қор кўрпаси остида мудраётган бўлади. Оқибат, у егулик тополмай ҳафталаб оч юради. Уйқуга тўла қонмагани учун қарахлик қонига ташна қилиб юборади. Бирор ўнгирда ғужанак тушиб олиб, панжаларини сўради. Аммо танасида ортиқча ёғ йўқ, нафси қонмай аламнак ўқиради. Мўриларидан тутун ўрлаб турган қишлоққа умидвор боқади. Қишлоққа энса нимадир топишини ва шунингдек, жонидан айрилиб қолиши мумкинлигиниям билади. Шу боис, қишлоққа энишдан тийилиб, тоғлар оралайди. Кўклам келишини зор-интизор кутади. Нишабликларда майсалар ниш уриши билан унинг куни туға бошлайди. Бироқ бунгача неча ҳафталаб очлик азобини бошидан кечириши керак. Бунақа пайтларда у ҳар қандай ўлаксадан тап тортмайди. Аммо тоғда ўлаксалар ҳамиша ҳам топилавермайди.

Ёлдор муюлишда пайдо бўлганда, у ғоят эзгин ҳолатда мунғайиб ўтирарди. Ахир эзилмай бўладими, куни кеча кўзларини яшнатиб турган мевалардан асар йўқ, бари қор тагида қолган. Қорни эса эрталабдан таталамоқда. У аламдан Ёлдорга қараб аста ўқиради. Ёлдор эса унинг замзамасига эътибор ҳам бермади. Қор кечиб, қиялик бўйлаб йўлда давом этди.

Ёлдорнинг қадам ранжида қилиши Маймоқ учун фойдадан холи бўлмади. Кимсасиз туюлган тоғда тирик



жонни учратиш унинг эсига ҳаракат қилиш лозимлигини туширди. Негаки, тоғ ҳиссиз, тоғ шафқатсиз—агар ҳаракатдан эринсанг, унинг кучоғида яшашинг қийин, тирик қолишинг гумон. Ланжлик ва ҳафсаласизлик ортидан ҳамшиша ўлим пойлаб туради.

У қордан эгилган буталарни силкилаб, емиш қидиришга тушди.

Ҳозирча қорин ташвишидан холи бўлган Ёлдор эса қорда из қолдириб, тобора илгариларкан, қияликда бир зум тўхтади. Чўнқайиб теваракни зимдан кузатди. Сўнг ошиқмай яна йўлда давом этди.

Унинг навбатдаги кўним топган манзили Қилсўқмоқдан беридаги Кенг сўқмоқ бўлди. Бу сўқмоқ Довонортига олиб борадиган ягона йўлнинг бошланиш қисми ҳисобланиб, Қилсўқмоқдан уни арчазор қиялик ажратиб туради. У Кенгсўқмоқ деб номланса-да, аслида сийрак арчали, узун ва энлик сайҳонлик эди. Сайҳонликнинг бир ёнида нураган қоя, иккинчи ёни эса қияланиб бориб, чоғроқ водийга бориб туташарди. Водийдан нариси майда тизмалар бўлиб, гўзал манзара ҳосил қиларди.

Ёлдор қаршисида юз очган бу манзарага — қор қўнган арчаларга, мўъжаз водийга, бир-бирига уланиб кетган тоғ тизмаларига аста боқаркан, юрагини ҳапқиртирган ҳиснинг боисини англагандай бўлди. Муздек ҳавода қўшни тўданинг ожиз ҳидини илғади. Илғаши билан яғрин туклари тикрайиб, важоҳатли ириллади. Олдинги панжаларини қорга ботириб, тишларини даҳшатли тарзда шақирлатди. Лекин ўтган галгидек ҳовлиқмади. Қайтамга вазиятни янада аниқроқ ўрганишга уринди. Шамол олиб келаётган ҳидга қараганда, тўда Қилсўқмоқдан нарида ҳаракатланмоқда. Агар улар бу томонни кўзлаган бўлса, фақат мана шу йўналишдангина келиши мумкин. Шу тобда унинг димоғига ўзга бир ҳид чалинмаганда, Ёлдор ортиқ сабр қилолмас, ўпкасини қўлтиқтамаса-да, ҳар қолда аллақачон тўда сари юрган бўларди.

У Оқсийнанинг заиф, ўта заиф исини бирдан таниди. Тоқатсизланиб, беихтиёр гингшиб юборди. Бироқ бу ҳид димоғига қандай чалинган бўлса, шундай тез йўқолди. Бундан унинг юраги алланечук гупуриб кетди. Совуқ ҳавони ютақиб ҳидлади. Заиф ҳид яна ўздан дарак бергач, у Оқсийнанинг манзилини аниқлашга ҳаракат қилди. Қаршисидаги тоғ тизмаларига, чоғроқ водийга, арчазорларга илҳақ тикилди. Оқсийнани кўришга ошиқаркан, унинг ҳамроҳи Яссибош ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Дарвоқе, ҳавода унинг иси сезилмас, демак, Оқсийна бу томонга ёлғиз йўл торган. Ёлдор урғочи бўрининг сўнги учрашувдаги араз, нафрат ва меҳрга тўла ғалати қарашини эсларкан, келбатига ярашмаган бир оҳангда ангиллаб юборди. Ички ҳисга буйсуниб, ўша томонга қанот чиқариб учгиси келди. Бироқ бунинг сира иложи йўқлигини тезда англаб, базўр ўзини босди.

У икки ўт ўртасида қолганди. Оқсийнага пешвоз юрай деса, бу ёқда ғаним тўда. Ғаним тўдага қарши борай деса, у ёқда Оқсийна. Назарида, у бери келишга ботинолмай, арчалар орасида ўзини интиқ кутаётгандек эди. Охири, ғаним тўдага нисбатан нафрати Оқсийнага бўлган интилишидан устун чиқди. У шу ерда қолиб, тўдани кутишга аҳд қилди, ҳам Оқсийнанинг кўз ўнгига бўлади, ҳам ортиқча ҳаракатлардан қутулади. Салдан сўнг, Оқсийнани йўқ-бор нарсалардан қизғана бошлади. Бу энди унинг учун янги ва нотаниш туйғу эди. Нелигини ҳали тўла идрок этолмаган бўлса-да, азоби қаттиқлигини сизди. Бир жойда тик туролмай, арчани айланди, ҳарсангга бориб суйкалди. Сўнг ербағирлаб ётиб,

тумшугини қорга тикди. Қор тагидан бир нима топгандай, даҳшатли тарзда ириллади. Ўнг панжаси билан кулоғини тимдалади. Кейин ўрнидан сапчиб туриб, сайҳонлик бўйлаб қутуриб югургиси келди.

Аммо бунга улгурмади. Қиялик бошида тўсатдан пайдо бўлган Сарвар унинг ички тўлғонишларига халал берди. Овчини кўрган Ёлдор Оқсийнани унутди. Қорга узала тушиб ётган ҳолида унга нохуш тикилиб қолди. Негаки, ўзи томон аллақандай тўда эмас, ҳақиқий хавф яқинлашиб келмоқда эди. Ундан фақат қочиб қутулмоқ мумкин. Бироқ у қочмади. Оралиқ масофа узоқ, қочишга эса бемалол улгуради.

Ана одам боласи қияликнинг ярмини босиб ўтди. Ҳадемай сайҳонликка етади. Ёлдор ноилож кетмоққа тарадудланаркан, овчининг хато йўлдан келаётганини сезиб қолди.

Яроқ тутган одам у қолдирган издан юрмай, йўлни қисқартириш ниятида қиялик билан сайҳонлик ўртасидаги дўнгликни кесиб келарди. Дўнглик четида тўпланган қор ҳамшиша кўзни алдайди. Ёввойи жониворлар бу хил хатарни тез англайди. Аммо одам боласи бу хусусиятдан йироқ. Ана у хавфли нишабликка тобора яқинлашмоқда. Қуйида эса водийга туташ қияликнинг тепа қисмида ўрага ўхшаш катта чуқурлик оғиз очиб турибди. Тушган жоннинг чиқиши жуда қийин.

Кетмоқ ўйида бўлган Ёлдор қайта жойига чўкиб, овчининг ҳатти-ҳаракатларини жиддий ва синовчан кузата бошлади. Ва худди у кутган ҳодиса юз берди. Қор кўчиб, одам боласи чинқирганча ўра томон шўнғиб кетди.

Ёлдор ётган жойидан туриб, баҳузур чўнқайиб ўтириб олди. "Қопқон" —ўрага тушган одам боласига ортиқ қайрилиб ҳам қарамади. Зеро, усиз ҳам ташвиши етиб оргарди...

* * *

Сарвар чап оёғи синганини кейин, қор остидан бир амаллаб чиқиб олганидан сўнг сизди. Аъзонинг синиши қизиқ бўларкан, дўмбирадай шишиб, измингга буйсунмай қўяркан.

Бошда, қаттиқ қўрққан эмасми, эс-ҳушини жамлаши қийин кечди. Кейин ўзига келиб, ўрасимон кенг чуқурликда ётганини англади. Қор зарраларидан оқарган деворлари хийла баланд, арқонсиз чиқишнинг иложи йўқлиги аниқ эди. У ётган жойдан Ёлдор чўнқайиб ўтирган сайҳонликнинг бир қисми ва нураган қоя кўзга ташланиб турарди.

Ёлдор нигоҳи тушиши билан у бирдан милтигини эслаб қолди. Аммо яроғи ҳеч қасрда кўринмас, чамаси қор тагида қолиб кетганди. У қаддини ростлашга уринди, чап оёғи бунга изн бермай, оғриқдан инграб юборди. Йигит оғриқдан ҳам кўра, аламдан кўпроқ инграмоқда эди. Нега деганда, гаровда ютқизгани энди кундай равшан. Синган оёқ билан бир иш қилиб бўлмаганидан сўнг, не ҳасратда йиғнаган қўйларини Шойим йўғонга қўшқўллаб топширишга мажбур-да.

У қорни чангаллаб ингради, сўкиниб ингради, тутаклиб ингради. Бу изтиробли ҳолати кўзи бот Ёлдорга тушмагунча давом этди. Ҳайбатли тарзда чўнқайиб турган йиртқичга ғазаб-ла боқаркан, бирдан жони омонатлигини пайқаб қолди. Сурувни бир зумга унутди. Қиш-қировли кунларда бўриларга ем бўлган кишилар ҳақидаги ҳикоялар эсига тушиб, даҳшатдан қалтираб кетди. Бу етмагандек, милтигини ҳам йўқотиб ўтирибди.

У ёрдам сўраб бақирмоқчи бўлди. Бироқ кимсасиз

бу тоғу тошларда бақиршидан бирон наф йўқлигини англаб, ўзини тийди. Кетига силжиб, тошдеворга суюнаркан, ёнидан пичогини чиқарди. Негадир, унинг у ёқ-бу ёғига қараб қўйди. Тигини кўздан кечирди. Ҳарнечук, пичоқ анча далда бўлди. Ёлдорга, қорнингни ёраман сени, дегандай боқди. Ёлдорнинг эса у билан иши йўқ, худди ов олдидан шерикларини кутаётгандек, шарқий-шимолий томонга тикилиб қолган, бир-икки бош бурганни ҳисобга олмаганда, Сарвар тарафга қия ҳам боқмаётганди. Бундан Сарварнинг кўнглига келгани шу бўлди: "Булар мени галалашиб емоқчи!" Шунда ўзи учун қопқонга айланган "ўра" деворлари жуда паст туюлди. Нигоҳи билан йўқолган яроғини яна қидира бошлади. Бу ишда Гуччи паканани айбдор деб билди. Йўл олдилан ҳар хил нохуш гаплар қилмаганида, бу фалокат йўқ эди, дея унинг етти пуштини қолдирмай, бир-бир сўкиб чиқди. Илойим, хотинсиз ўттин, деб ич-ичидан янди.

Сарвар ўлдук иримчи эди. Овга жўнаркан, ортига қайрилиб қарамас, аёлининг кузатишига эса сира изн бермасди. Аёл кишининг "Вақтлироқ қайтинг", "Шу бутунча бормай қўя қолинг", "Ҳавонинг авзойи ёмон-ку" деганга ўхшаш гаплари овчига фақат омалсизлик келтиради деб ўйларди. Шунинг учун ҳам овга ҳамиша ими-жимиди жўнаб қоларди.

Бугун эса бунинг имконияти бўлмади. Ишчан бир қиёфада овга ҳозирлик кўраркан, кўрада тимирскиланиб юрган Гуччи пакана кутилмаганда қошида пайдо бўлди.

— Ака, негадир кўнглим нотинч, — деди энгил-бошига илашган хас-хашақларни қоқиб-суқиб. — Сизга ҳамроҳ бўлсамми дейман...

Сарвар ғазабдан додлаб юбораёзганди: "Миянг курсин сен эшакни! Бефаросат махлук! Ов олдидан ҳам шундай дейдими киши! Э, нохушланган ўша кўнглингга минг лаънат! Худо фаросат улашаётганда, қайси гўрда лаллайиб юрган эдинг? Башаранг курсин, аҳмоқ! Пакана!"

Аmmo тилида бутунлай бошқа сўзларни айтди.

— Сиз ишингизни қилинг, укам, — деди ҳар бир сўзни тишлари орасидан ситиб. — Ишдан қолманг. Ахир қўйларга кимдир қараши керак-ку.

— Ишни қип бўлдим, ака, — деди Гуччи пакана унинг туси ўзгариб кетганидан ажабланиб. — Бу ҳавода сурувни ташқарига ҳайдамаган маъқул. Емишини бердим, сувини бердим. Қўлим бўш энди.

— Яхшиси, сиз уйда қолинг. — Сарвар уни жеркиб ташлашдан базўр ўзини тийди. — Бирга юрганимизни кўрса, Шойим йўғонга Худо беради. Фирромлик қилаяпсанлар деб бошимизни қотиради сўнг.

— Укасинг қорнига унинг, гапираверади-да!

— У шунчаки гапириб қўймайди...

— Сиз кетсангиз, уйда ўтиришим қийин бўлади-да, ака. — Гуччи пакана жаҳлланди. — Тоғ ҳавоси билан ўйнашганларнинг ҳоли не кечганини яхши биламан. Тоғ ёмон, у билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ўтган йили иккитасининг жасадини қор тагидан мана шу қўлларим билан ўзим кавлаб олганман. Тарашадай қотиб қолишган экан. Бундай ҳавода баланд-пастни биладиган одам билан юрганингиз маъқул дейман-да.

Сарвар унинг башарасига милтиқ кўндоғи билан туширишдан зўр-базўр тийилса-да, тилини тишламоққа ўзида ортиқ куч топмади. Оғзидан кўпик сачратиб бақиршига тушди:

— Ов олдилан шу гапларни айтишингиз шартмиди! Қанақа одамсиз ўзи, а?! Иримим бор деб, сизга юз марта

айтганман-ку ахир! Одам деганам шунчалик пандавақи бўладими. Э-э, одам бўлмай ўлинг!

— Кўнглим нотинчланса не қилай, — Гуччи пакана ёш боладай кунлишиб олди. — Биздан хато ўтган бўлса, кечиринг, ака.

— Э, акаламай кетинг!

— Барибир кўнглим нотинч, ака.

— Яна гапирасиз-а!

— Мана, гапирмадик. — Гуччи пакана аразлаб кўра томон кетди.

Сарвар елкасини тошдеворга тираб, Гуччи паканани чангитиб сўкишда давом этаркан, ўз навбатида, уни ўзи билан эргаштириб чиқмаганидан ўкина бошлади. Бу ёғига нима қиларини билмай боши гаранг эди. Ёлдорнинг шундоққина қаршисида, милтиқ ўқи етар-етмас масофада гўддайиб туриши эса аламини кўзгамоқда эди. Қизиқ, у на қочди, на бекинди. Нега қочмади экан? Илгари шарпасини илгашни билан жуфтагини ростлаб қоларди-ку. Ё ночор аҳволдалигини, энди қўлидан бирор иш келмаслигини фаҳмлаб етдимикан? Унда бу бўри эмас, инс-жинсларнинг биродари экан-да. Туришини қара! Бекорга турмаганлиги аниқ, шерикларини кутаяпти у. Аммо осонликча жон бералиган аҳмоқ йўқ! Устимга сакраши билан қорнига пичоқ тикаман! Тиқиб-тиқиб оламан!


Сарвар қўлидаги пичоқни ҳавода сирмаб, йўқ ганимига зарба берган бўлди. Аммо Ёлдорнинг нечун сунукдалигини, шериги кўмагига муҳтож жонивор бу тарзда жим турмай, ушлаб овоз бериши лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Ҳақиқий овчи эмаслиги, бу борада ҳам панд бермоқда эди. У жониворларнинг ҳаёти ва феъл-ҳўйи хусусида деярли ҳеч нарса билмасди. Билишгаям уринмасди. Жониворларга ўлжа сифатидагина қарарди. Бу иллатни марҳум амалдор жўрасидан юқтирганди. Жўраси чатоқ эди, осмондагини отиб, ердагини қоқиб, сувдагини тутиб ейман, дерди, бу ишда менга ҳеч ким монелик қилолмайди, дея чиранарди.

Аmmo унинг амалию важоҳатидан зиғирча чўчимай, қаршилиқ қилувчилар ҳамиша топиларди. Шулардан бири қишдаям даштда ўтов тикиб ўтирадиган Бойбўри чол эди. Чўлда уларнинг машинаси кўриниши билан отланиб чиқарди. Йўлларига кўндаланг бўлишга тиришарди.

— Шу одамни ҳеч тушунмайман, — дерди жўраси, тўхта, дея қамчи силкиб келаётган чолни осонгина четлаб ўтаркан. — Даштни топтаб ташладинг, жондор зотининг уругини қуритдинг дея, тиргалгани тиргалган. Чўл кенг бўлса, қанақасига биз уни топташимиз мумкин, а?

Сарвар теваракка лоқайд боқаркан, ўзлари қолдирган сон-саноқсиз машина изларини кўрса-да, ўзини кўрмасликка олади. Оғайнисининг кўнгли учунгина қайсар чолни сўккан бўлади. Сирасини айтганда, чўлда итдай изгиш унга умуман ёқмайди. У пистирмада ётиб, ов қилишни хуш кўради. Аммо бу ҳақда жўрасига чурқ этмайди. Оғайниси эса унинг акси, кенгликда бамисоли бўрондай қутуради. Машина гилдираклари остида топталган гиёҳларга ичи ачиган одамлар устидан ошқора кулади.

— Бугунги кунинг нақд, эртанги кунинг эса омонат, — дейди ёлғиз қолишгач. — Анови аҳмоқлар эса аллақандай келажакнинг ташвишини қилишади. Эртани ўйланг эмиш, замин топталмасин деб ота-боболаримиз дуч келган ерда эмас, маълум жойда кўпқари чопганмиш. Фалати-галати гапларни топишади-я улар. Қайси гўрлардан кавлаб топишаркан бунақа гапларни, а?



Кўйиб берсанг, бутун чўлга хўжайинлик қилишмоқчи бўлишади.

У қанчалик осмондан келмасин, қайсар чолдан хиёл бўлса-да ҳайиқади. Буни билдирмасликка тиришади. Тиришган сайин ҳадикланиши баттар сезилади. Бундай пайтларда Сарвар уни мақташга тушади.

— Бу даштнинг хўжайини улар эмас, сиз, — дейди гулханга ўтин ташлаб. — Бунинг бари кўролмасликдан.

— Шунинг айтинг.

— Агар сезган бўлсангиз, улардан ер иси келади, сиздан эса ҳаётнинг ҳиди гуркурайди, — Сарвар тилига келган бу ташбеҳдан руҳланиб кетади. — Сиздан ҳатто ўлим қрқади. Бу келбатингиз билан, минг йил десам ёлғон бўлар, икки юз йил яшашингиз аниқ.

— Икки юз йил кўп, зерикиб ўламан, — дейди жўраси тутундан ачишган кўзларини ишқалаб, мақтовдан мамнун бўлганини яширмаган ҳолда. — Зерикмаслигим учун қариганимдай овни канда қилмаслигим керак. Бизга юз йилиям етиб ортади.

Сарвар унинг келбатига ҳавасланиб боқади. Икки юз йил бўлмаса-да, юз эллик йил яшаши аниқ бунинг, деб ўйлайди. Аммо кейинчалик бу башорати ногўғри чиққанида, у довдираб қолди. Инсон ҳаёти киприкдаги кўз ёшидай омонатлигини англаб етгандай бўлди. Ажал деганлари одамзоднинг на келбатидан ҳайиқаркан, на амалидан. Лозим топган куни жонини олиб кўяркан.

Мана энди ажалнинг совуқ панжаси унинг ёқасида. У ё бўриларга ем бўлади, ё совуқдан тарашадай қотади. Дарвоқе, совуқ ҳалитдан ўз заптига олмоқда. Бу ёқда оёғи азоб бермоқда. У бўрини ўйлабди-ю, совуқни ҳаёлига ҳам келтирмабди. Ахир тоғда тунги совуқ бўридан даҳшатлироқ-ку. Оёғи синмаганида бир нави эди, "қопқон"дан чиқишга уриниб кўрарди. Айтганча, Ёлдор бир уни деб шу ўрага тушармикан? У деворларга синчков боқди. Йўқ, тушолмаса керак. Яна ким билади. Қорни очган йиртиқлар ҳеч балодан тап тортмайди дейишади-ку.

У ўзи сезмаган ҳолда инграб юборди.

Ёлдор унинг овозини эшитгандай, ялт этиб қаради-ю, яна олдинги ҳолатига қайтди. Ниманидир кутаётганлиги бутун вужудидан аниқ сезилиб турарди. Буни ўзича англаган Сарвар бот ингради.

Ўлимга юзма-юз келиш нақадар нохушлигини у илк бор ҳис қилмоқда эди. Шу пайтгача даштда қанчадан-қанча жониворларнинг жонига зомин бўлмади. Қувлаб отди, пойлаб отди, суюниб-суюниб, кулиб-кулиб отди. Овнинг завқини обдон тотди. Тоққа келиб ҳам тек турмади, касалман деб ўтирмади. Яроқ кўтариб ўрга чиқди, қирга чиқди. Кейин итимнинг хуни дея, Ёлдорнинг кетидан тушди. Сўнг эса, унинг жони эвазига қўлига тегиши мумкин бўлган қўйларни дея, тиним нима, билмади. Охири етган манзили шу — ўрасимон кенг чуқурлик уни ўз бағрига олди. Инграшдан бошқасига ярамай ўтирибди.

У яраланган жониворларнинг мунгли нигоҳларига кўп бор дуч келган. Уларнинг жон талвасасида тўлғонишларини кўп кузатган. Сўнг ўзича раҳм қилиб, пичоғини ишга солган, гоҳида бир ўқ билан тинчитган. Бундай пайтларда жўраси уни мақтарди. У эса мақтовдан масрур тортарди. Уста овчилардек теваракка мағрур боқарди. Шунда бутун чўл ёлғиз ўзига дахлдордек туюларди.

— Боласи, лекин семизгина экан, — дерди кейин, бундан зўр кабоб чиқади, деган оҳангда.

— Онасининг қочиб қутулгани чин бўлсин, — дерди жўраси мамнун қаҳ-қаҳ отиб. — Лекин кейинги сафар

албатта жонини суғуриб оламиз.

Улар жон олмоққа моҳир, лекин ўша жоннинг азобланишини, уволени ҳис этмоққа ожиз эдилар. Бу тўғридаги гап-сўзлар дўстлар учун чўпчак туюларди. Чўпчагингизни бошқа бировларга бориб айтинг, дейишарди Бойбўри чолга ўхшаганларга. Аммо қайсар чол сира бўш келмасди, шошмай турларинг, уволени тутуди ҳали буларнинг, дерди туюқиб.

Ўртада олов, ҳавода кабоб ҳиди анқиган, нарида эса вайсақи отлиқ чол. Жўраси кўпда парво қилмасди. Лекин Сарварнинг ичи тор эди. Осмонга кетма-кет ўқ узиб, отлиқ чолни ҳайдаб соларди. Сўнг ортидан сўкиб-сўкиб қоларди.

Энди ўйлаб кўрса, Бойбўри чол ҳаққа ўхшайди. Жўраси эрта ўлим топди. Ўзи эса кимсасиз тоғу тошда ажалга рўпарў келиб ўтирибди. Боқишлари мунгли, кўзлари ёшли... Уйда болалари кутаяпти, хотинининг фикр-хаёли унда. Ҳашаматли иморатнинг чап қаноти ҳали битмаган, кичик ўғли ҳали суннат қилинмаган. Келаси баҳорда тўй қилмоқчи эди. Кўшниси Зиёд калдан ўтказиб зиёфат бермоқчи эди. Наҳотки, энди ҳаммаси сабил қолса?! Ҳаётининг интиҳоси бу қадар аянчлисўнги қўним топган манзили мана шу ўрасимон чуқурлик бўлса!

У ич-ичидан хуруж қилиб келаётган йиғини босиш учун, тишларини маҳкам сиқди. Йиғиси инграшга қоришиб, хунук бир сас касб этди.

* * *

Ёлдорнинг эса у билан мутлақо иши йўқ эди.

"Ўра"даги одам боласи сичқондек беэиён, аҳволи ўта хароблигини инграшиданоқ сезганди.

Одатда, зийрак жониворлар сасга қарабоқ, ҳолат ва вазиятни тез илғайдилар. Шунинг учун ҳам овлоқ жойда бўрига рўпарў келган тоғликлар овоз чиқармасликка уринадилар. Нега деганда, бўри зоти овозингданоқ кимлигинг ва нималарга қодирлигингизни тез фаҳмлайди. Табиий, бу хусусият Ёлдорга ҳам бегона эмасди. У чуқурликдаги одам боласининг инграшинигина эмас, бир чақирим наридаги арча новдасидан тўкилган қор сасиниям сезиб, билиб турарди.

Ҳозир унинг бутун диққати шимолий-шарқий томондан бостириб келаётган ғаним тўдада эди. Ошиқмайроқ илгарилаётган галанинг жирканч ҳидини баралла туймоқда эди. Ўз навбатида, қаршисидаги чоғроқ водий тарафдан Оқсийнанинг дарагини сезмоқда эди. Ёлдор гоҳ йўқолиб, гоҳ пайдо бўлаётган бу ҳиддан Оқсийнанинг нозини пайқаб турарди. Бироқ у безбетларча босиб келаётган тўда билан ора очди қилмай, Оқсийнага пешвоз юролмасди. Бир гап билан айтганда, ҳудуди хавф остида турганда, кўнглига "ёр" сиғармиди.

У юз бериши муқаррар бўлган тўқнашувга жиддий ҳозирлик кўра бошлади.

Хавф жуда узоқ куттирмади.

Тогда аччиқ изгирин кучайган бир паллада сайхонликнинг нариги бошидаги харсанг ортидан беш-олти чоғли бўри, ошиқмай, бирин-кетин чиқиб кеди. Тўдани Сариқтўш деган арлони бўри бошқарарди. Сариқтўш у қадар жуссадор бўлмаса-да, табиатан анча чайир жонивор эди. Тезоб ва бир оз тажанглиги хатти-ҳаракатидан сезилиб турарди.

Унинг кўзи Ёлдорга тушгач, харсангдан беридаги текис майдончага келиб чўнқайди. Шериклари уни тевараклашди.

Тўда кенгаша бошлади.

Агар галада она бўри Оқманглай бўлмаганида, кенгаш узоққа чўзилмасди. Қизиққонлик қилаётган ёш бўриларни Сариктўш эмас, Оқманглай босди. Кўп балоларни бошидан кечирган бу кекса йиртқич қаршисида қандай жонивор турганини яхши биларди. У Ёлдорда бир вақтлар бу тоғларда даҳшат солиб яшаган Оқтишнинг тимсолини кўрганди. Аммо буни бошқаларга уқтириш бефойда эди. Бўри зоти ўтмиш билан эмас, бутуни билан яшайди. Кўз олдидаги нарсалар билан ҳисоблашади. Ўтмишда яшаб ўтган алақандай Оқтиш билан уларнинг неча пулик ишлари бор. Ғўлдайган манови аҳмоқнинг бошлаб адабини бериш керак-да, йўлларида давом этишлари керак, тамом-вассалом.

Кекса бўри яна бир нарсани ҳис қилганди. Бутун вужудидан куч ёғилиб турган Ёлдор ҳар қандай ургочи бўри орзулайдиган жонивор эди. Ўзидан соғлом зурриёт қолдиришни истаган она бўрилар унга безътибор қараёлмасди. Аслида водий томондан яқинлашаётган Оқсийнанинг дарди ҳам шу эди. Яссибош ўққа учиб ўлгандан сўнг, кўнглида алақачон туғилган майлни амалга ошириш учун Ёлдорни истаб қолганди. Фақат яқин келмоққа юраги чопмай, арчалар орасида санлироқлаб, ўзича нозланиб юрарди. У Ёлдор ўзини бирпасда топиб олишини яхши биларди. Ўшанда қорға ётиб эркаланмоқчи, қочган бўлиб, куйдирмоқчи эди. Аммо у кутган дақиқа чўзилгандан чўзилиб, Ёлдор жойидан кўзголай демас, гўё қоя пойида музлаб қолгандек эди.

Кекса она бўри Оқманглай эса Ёлдорга мойиллик истаб эмас, қандайдир ички бир меҳр билан боқаркан, гўзал ва навқирон бу вужудга зиён етказишларини хоҳламади. Шу лаҳзада мураккаб, сирли, қудратли бир сезги она бўри юрагида тўлқин ура бошлаганди. У Ёлдордаги ўзига хосликни оналик туйғуси билан илғашга ултурганди. Ёлдор каби жониворлар табиатнинг эҳсони ҳисобланади. Бўрилар наслининг давомийлигини таъминлайдиган зурриётлар асосан мана шу хил жониворлардан тарқалади. Акс ҳолда зот майдалашиб, хашакилашиб, бора-бора йўқликка юз тутиши мумкин. Қисқаси, соғлом ва кучли вужуд мудом тебранишда бўлган ҳаётгий мувозанатни бир маромда тутиб туришга хизмат қилади. Табиат эса бу ҳақиқатни илғай билиш туйғусини деярли барча она бўрилар идрок ва юрагига жойлаган ва бу сезги фавқулодда ҳоллардагина юзага қалқийди. Бироқ арлони бўрилар бу ҳисдан йироқ, қайтама улар "зўр"ни тезроқ гумдон этиш пайида бўлишади ёхуд унга бир умр бўйсиниб юришади. Ҳар ҳолда арлони бўрилар ўзидан зўроқларни унчалик ёқтиришмайди. Имкон туғилиши билан қарши чиқишга уринишади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда жанг тақдирини ургочи бўрилар ҳал этади. Ортиқча ва заруратсиз зиёну шикастанд тўдани омон сақлашга тиришадилар. Айрим ҳолларда бунинг акси ҳам бўлади. Бу энди она бўрининг кайфияти ва фаросати, шунингдек, тўдада тутган ўрнига боғлиқ.

Кекса бўрининг тўдадаги мавқеи ҳавас қиларли даражада эмасди. Бўзбўри нобуд бўлганидан сўнг парокандалик юзага келиб, тўда иккига бўлиниб кетган. Сариктўш шу кичик тўдани зўрға бошқарарди. Ёш бўрилар буйсунишни истамагани туфайли ўртада тез-тез низо чиқиб турарди. Сариктўш тезоб ва анчагина фаросатсиз эди. Акс ҳолда бир вақтлар Бўзбўридек кучли бўрини осонгина енгган рақибига нисбатан озгина андиша сақлаган, тўқнашмасликнинг чорасини қидирган бўларди. У эса тезроқ Ёлдорни бир ёқлик қилиб, йўлда давом этишни ўйларди. Қолганлариям шу истакда ёнарди. Ёлдорнинг виқорли хезланиб туриши уларнинг ёмон

гашига тегмоқда эди. Айниқса, иккита ёш бўрининг тоқат қилишлари жуда қийин кечмоқда эди. Тўдабошини сусткашлиқда айблаб, ириллаб-ириллаб кўйишмоқда эди.

Аслида тўда Ёлдор билан тўқнашгани эмас, узоқ, жуда узоқдаги даштни қоралаб йўлга чиқишганди. Улар бу ҳудуд орқали Ўртаоққа етиш ва сўнг Куратор ёқалаб бориб, Бургутқўнмас қояси биқинидаги тор сўқмоқдан Ялангқирга ўтиб, адирлик ораб даштга тушишни мўлжаллашганди. Дашт бўрилари билан юз бериши мумкин бўлган олишувларни ҳисобга олмаса, у томонларда кунлари ёмон ўтмайди.

Агар тўданинг изми Оқманглайнинг ихтиёрида бўлмаганида, Ёлдорнинг авзойини кўрибоқ, изига қайтган, галани Узундарага бошлаб, Чўнгтоғни қора тортарди. Бу йўналиш узоқ бўлса-да, хавфсиз эди. Бироқ уни тингловчи йўқ, ёш бўрилар қонли жанг хуморида типирчилашарди. Бир ҳамла билан Ёлдорни маҳв этиш иштиёқида ёнишарди. Одатда, йўлда учраган ҳар қандай гоч мана шу тарзда тез бартараф этилади. Ортиқча пакакалашиб ўтирилмайди. Уларнинг назарида, кенгаш жуда узоқ чўзилгандай эди.

Оқманглай тўдадаги озгина мавқеидан фойдаланиб, сўнгги чорани ишга солди. Уларни рақибга қарши яккама-якка жангга чорлади. Сариктўшнинг гарданига суйқалиб, қор тўзғитиб кетма-кет ириллади, яъни, қўрқсаларинг ўзим майдонга тушаман, деган бўлди. Турган гап, яккама-якка жанг ҳамиша тўдабошининг зиммасига тушади. Бундан у бўйин товлаёлмайди. Акс ҳолда тўда унга ортиқ буйсунмай кўяди.

Тўданинг кучига ишониб, ўзича замзама қилаётган Сариктўш қийин аҳволда қолди. Ёлғиз ўзининг рақибга қарши туриши анча мушкулга ўхшайди. Вақт йўқотмай, иссиғида ҳужумга ўтиши зарур эди. У бошлаб берарди, шериклари эса охирига етказарди. Кўпчилик барибир кўпчилик-да. У бу усулдан ҳамиша усталик билан фойдаланиб келарди. Агар кекса она бўри ишни бузмаганида, бир ҳамладаёқ Ёлдорни йўлдан олиб ташлашган бўларди. Энди қалтис бу вазифа ёлғиз унинг зиммасига тушиб турибди. У бир зум тараддулланиб қолди. Аммо узоқ ҳаяллаб ҳам бўлмасди. У ёш ҳамроҳларининг ўткир ва синовчан нигоҳларини бутун вужудида ҳис этаркан, ноилож жангга ҳозирлик кўра бошлади.

У хўжақўрсинга жағларини кенг очиб эснади. Белини букиб узоқ керишди. Ва сўнг ваҳшатли ириллаб, аста рақиб сари юра бошлади. Қолган шериклари эран-қаран унга эргашидилар.


* * *

Сарварни уйқу элита бошлади. Ёқимли бу мудроқ музлаш аломати эканини у яхши биларди. Агар вақтида эс-хушини йиғиб олмаса, бу уйқу мангуликка айланиши мумкин. Бунинг учун эса ҳаракат зарур.

У аввал қўлларини қимирлатди. Сўнг танасини. Кесакка айланган чап оёғида кучли огриқ кўзғалиб, у додлаб юборди. Жони азобланса-да, ҳар ҳолда уйқуси ариди. Лекин қачонгача? Пешонасида музлаб ўлиш бор экан, қочиб қаёққа ҳам боради? Бундан кўра анови лаънатига ем бўлгани афзал эмасми! Ёлдор эса уни ейишдан ор қилгандай, ҳатто қайрилиб қарай демасди. Худди музлаб қолгандай, қилг этмасди.

Э ғўлдаймай ўл!

Аслида улар аллақачон бир-бирларига кўникиб бўлишганди. Ёлдор учун у йўқдек, Сарвар ҳам унга ортиқ ганим кўзи билан қарамай қўйганди. Бошдаги хаёллар уни



энди таажжубга солмоқда эди. Шу пайтгача у бўри деганда йиртқич ва тажовузкор махлуқни кўз олдига келтирарди. Унинг ириллаб чуқур атрофини айланишини ва пайт пойлаб, устига сакрашини кутган эди. Ахир у ўз оёғи билан "қопқон"га тушганди-да. Қопқондаги жониворни инсон бирпасда саранжом қилганидек, у Ёлдордан ҳам шунини кутганди. Ёлдор эса лоақал жойидан жилишини лозим топмади. Ваҳимада қолган Сарвар, шерикларини кутаяпти, деган ўйга борганди. Бироқ ҳануз шерикларидан дарак йўқ, турибди ёлғиз ўзи қўққайиб.

Нимани кутаяпти ўзи бу?

Бироқ бу саволга жавоб топишга унинг ақли ожизлик қиларди.

Сарвар ўзини зўр овчи ҳисобласа-да, бўрилар ҳақида билганлари одамлардан эшитган турли ривоятлару афсоналар эди, холос. Эмишки, бўри оч қолса, ҳатто томни тешармиш, яна эмишки, агар у қасдланса, ўчини олмадан қўймасмиш. Томни тешган жониворга у ётган чуқурга тушиш нима бўпти. Енгилгина бир сакраса бўлди-да.

Ўзи қасдлангани учунми, Ёлдорни ҳам қасда юрибди деб ўйлаганди. Пичоғини яланғочлаб, турли ҳаракатларни машқ қилгани шундан эди. Қайтамга, ўрта ерда қўлининг музлагани қолди. Охири у пичоғини қорга санчиб, куҳ-куҳлаб, кафтларини иситишга тушди. Орала чуқурнинг нишаброқ бўлиб кўринган девори томон силжиб, ундан чиқишни ўйлади. Оқибат, барча уринишлари беҳудалигини, ярадор оёғи билан юқорига тирмашиб бўлмаслигини англаб, судралиб яна жойига қайтди. Ёлдорни кўриб туришни истади. У ганимининг ҳаракатларидан огоҳ бўлиш учун эмас, ёлғизликдан кўрқди. Ҳар ҳолда Ёлдор тирик жон, юрагига далла бериб туради. Акс ҳолда қор босган бу тоғу тошлар ўзини ютиб юборадигандек эди.

У бу тоғлар қаршисига ўзини қум заррасидан ҳам майда ҳис қилмоқда эди. Ҳолбуки, бир неча соат бурун бу дунёга сиғмайдигандек эди. Орзу-ўйлари ҳам бисёр эди. Гаровда ютқазиб қўйиши ўлим билан тенгдек эди. Энди эса бунинг бариси ўз аҳамиятини йўқотган, жонидан ўзгаси кўзига кўринмасди.

Сўнгги онларда уни икки бор уйқу элитди. Теварагидан кетмай, аста айланишаётган ажал шарпаси гоят маккорлик билан ўлим тўрини ташлашга уринаётганини сезиб турарди. Унга ҳар гал чап бериш қийинлигини, агар шу созда миқ этмай ўтираверса, ажал осонгина ўз ниятига етишини яхши биларди. Йигитни, айна дамда у маҳрум бўлган, ҳаракатгина қутқариб қолиши мумкин эди. Бир сафар чўлда шу йўл билангина омон қолишганини у ҳануз эслайди.

Ов пайтида машиналари чўл ўртасида бузилиб қолганида, амалдор жўраси кўп ўйлаб турмай, йўл тадоригини кўра бошлаган.

— Машина-чи? — деган у жўрасига эргашини ҳам, эргашмасликни ҳам билмай. — Машина қолаверадими?

— Унга ит ҳам тегмайди, — деган жўраси. — Бу ерларга ҳафта-ўн кундаям биров оёқ босмайди.

— Ҳарҳолда...

— Машина жондан азиз эмас-ку, биродар, — жўраси аччиқ ҳақиқатни айтишга жазм қилди. — Агар бу ерда қолсақ, машинадангина эмас, жондан айриламиз. Машина ёқиб ҳам бу балодан қутулишимиз қийин. Бизни фақат ҳаракат қутқаради. Чўпонлар қўнолғасига етиб олсак марра бизники. Акс ҳолда жонингиздан умид заверинг!

Улар туфланган тупук ерга тушмай яхлайдиган совуқда йўлга тушишган. Сарвар юра-юра ғалати бир

сархушликни ҳис қила бошлаган, уйқу тортаётганини сезган. Жўрасининг ҳай-ҳайлашлари ортиқ қулоғига кирмай қўйган. Шунда кутилмаганда қўймичига кучли тепки келиб тушган.

— Агар яна мудрасангиз, қўндоқ билан ураман! — деган жўраси узр сўраш ўрнига дағдаға қилиб. — Ухламанг! Уйқу—ўлим! Сабр қилсангиз, ҳадемай чўпонлар қўналғасига етамиз.

Жўраси милтиқ қўндоғи билан урмаган-у, лекин йўл бўйи яна уч бор ўхшатиб тепган. Жаҳлини кўзитиш учун хунук сўзлар билан сўккан. Хафа бўлишга эса унинг ҳоли етмаган, тепкилар кучсиз, нордон сўзлар таъсирсиз, оппоқ қор босган чўл чексиз туюлган. Кейин эса, оғайнисидан анчагина ўпқаланиб юрган, ўшанда мени ёмон тепгансиз, деб. Жўраси музлаб ўлишнинг сир-асрорини яхшилаб тушунтиришга мажбур бўлган. Унинг айтганлари мана энди асқотаяпти. Бироқ ҳаракатсиз одамга бу вақтинчалик чора эканини ҳам фаҳмлаб турарди. Илкони борича уйқу тўрига илтимасликка тиришарди.

Ўшанда оғайнисидан ҳар тепки еганда, у ўксик ўйларга берилган. Нега мен бунга дум бўлиб юрибман ўзи, деб ўйлаган. Амалигаям, ўзигаям тупураман деган. Тупуришга қурби етмаслигини сезгач эса, негадир талаба йигитни эслаган. Унинг аччиқ сўзларида қандайдир ҳақиқат мавжудлигини ҳис қилгандай бўлган. Лекин нелигини англаёлмаган. Англашга эринган. Навбатдаги тепки тушиб қолмаслиги учун йўрғалашга уринган. Кейин гаплашаман сен билан, дея ўзини тинчлантиришга ҳаракат қилган. Ана шунда қарахт шуури қатидан талаба йигитнинг истеҳзоли чехраси қалқиб чиққан: "Бекорга чиранаяпсиз!" деган. Қутуриб сўкинмоқчи бўлганида, у қумга сингандек кўздан йўқолган. Ортидан турткилаб келаётган жўраси эса буни ўзича тушунган.

— Сўкининг, сўкиनावеринг! Фақат ухламанг! — деган. — Онадан сўкинаси, отадан сўкинаси, мутлоқ хафа бўлиш йўқ. Лекин ухламанг, илтимос!

— Сизни сўкаётганим йўқ. — У хушёр тортишга уринади. — Сизни сўкиб ўлибманми! Ахир сиз... Сизни сўкиб бўладими!

— Йўқ, сўкиनावеринг.

Тун пардаси чулғай бошлаган дашт қаъридан яна талаба йигит тиржайиб чиқади: "Айтдим-ку, бекорга чиранманг кўп деб! Сўколмайсиз! Чунки сиз одамларни табақалаштириб, шунга қараб муомала қиладиган пасткаш бир кимсасиз. Эрта бир кун бу амалдан кетса, ҳол сўрашга ярамайдиган бандасиз! Яна айтайми кимлигингизни?.." Сарвар қўлини тўлғаб, уни ўзидан нари ҳайдамоқчи бўлади. Аммо елкасига келиб тушган турткидан мункиб кетади. Қаддини базўр тиклаб, қаршисига тагин совуқ даштни кўради. Даштнинг узок бир бурчида липиллаётган чироққа кўзи тушади.

— Энди ўлмаймиз! — дейди ҳиқиллаб.

— Ўлишингизга йўл ҳам қўймаймиз-да! — дейди жўраси шодон ва толғин овозда. — Ухласангиз, яна туртаман!

Буни қарангки, совуқ даштда ғашига теккан талаба йигит бу ерда ҳам уни тинчига қўймаётган эди. Истеҳзоли кулимсираганча нукул ухлашга ундарди.

— Ухланг-ухланг! Баҳузур ухлайверинг!

Мудрай бошлаган Сарвар тўнғиган лабларини базўр қимирлатади.

— Мумкин эмас, ухласам—ўламан.

— Бу билан дунё ҳеч нарса йўқотмайди, ухлайверинг!

— Биламан, қўйнингда тошинг бор.

— Менда тош нима қилади?
 — Унда нега мени ёқтирмайсан?
 — Дунёқарашингиз жуда кир-да...
 — Лекин мен ҳам сени ёмон кўраман!
 — Сиз ўзингиздан бўлак, ҳеч кимни яхши кўрмайсиз.

— Тўғри топдинг лекин.
 — Шунинг учун ҳам ухланг деяпман-да.
 — Тонг отсин, сен билан кейин гаплашаман!
 — Сизнинг тонгингиз отармикан?
 — Бунча тилинг заҳар-а?
 — Бўларим шу.
 — Таъзирингни бермасимдан, қорангни ўчир!
 — Сиз эса, ухланг.
 — Э, йўқол!

Сарвар мункиб, уйғониб кетади.

Кўзларини очиб, дўнгда бир гала қорани кўради. Қарасаки, бир тўда бўри. Умри бино бўлиб, бунча бўрини бир ерда йиғин ҳолда учратмаганди. Аммо юрагида кўрқув туйғусини ҳис қилмади. Ахир тўнғиб ўлдинг нимаю, буларга ем бўлдинг нима — бари бир гўр эмасми. У нарида ях қотган қорга санчиб кўйилган пичоғига кўз қирини ташлаб кўяди. Лекин уни кўлига олишга интилмади. Бошини деворга суяганча, юқорига лоқайд тикилади.

Бир оздан сўнг дўнгдаги воқеани, яъни Ёлдор фаним тўдага қарши тиш қайраб турганини секин-аста фаҳмлай бошлайди. Ёлдорнинг ҳолати жуда бежо эди. Яғрин тукларини хурпайтирганча, қоя янглиғ қотиб турарди. Фаним томон эса бу "қоя"га урилиб, чилпарчин бўлишдан чўчиётгандек эди.

Охири улардан бирининг сабри тугади шекилли, тўдадан ажралиб чиқди. "Қоя"га бирдан ташланмай, ириллаганча унинг агрофини айлана бошлади. "Қоя"— Ёлдор, бошини бир оз бурганини демаса, қилт этмай тураверди. Чамаси, унинг назари таралдуланаётган бошқа бўриларда эди. Теварагини айланаётган йиртқични унча писанд қилмаётгандек эди. Шунда Ёлдордан сал нарида чўнқайишган бўрилар сафидан яна бири олдинга интилди. Аммо у кутилмаганда иккинчи бир бўри томонидан қайириб ташланди.

Кўз ўнгида юз бераётган бу манзара Сарварга жуда қизиқ туюлди. Ҳаяжонданми, танига қон югуриб, жиндек исигандек бўлди. Бу орада ҳануз ириллаб айланаётган йиртқич тўсатдан Ёлдорга ташланиб қолди. Ўртада олатасир олишув бошланди. Итларнинг ўзаро талашганини кўп бор кўрган Сарварнинг Ёлдорга раҳми келди. Негаки, одатда, бегона ит бошқа итлар томонидан жамликда аёвсизларча таланади.

Бироқ у кутган ҳодиса юз бермади. Дўнгда саф тортганча олишувни кузатаётган бўрилардан бирортаси жангга аралашмади.

Сарвар таажжубдан донг қотди ва хаёлига келгани шу бўлди: "Э, тавба! Жондорлар йигитларча уришаркан-ку!" Унинг синчков нигоҳи манглайда қашқаси бор жониворнинг ҳаракатларини назардан қочирмади. Оқманглайли бу йиртқич жангни кузатишдан кўра, кўпроқ сафдаги бошқа бўриларга кўз-қулоқ бўлиб турарди. Ана, у яна бир шеригини ортга ҳайдади.

Бу иккиси эса қорни тўзғитиб, бешафқат олишарди. Фаними зўр, Ёлдор эса ундан-да кучлироқ эканлиги тезда аёнлаша бошлади. Фаним тўсатдан ангиллаб юборди. Ёлдор навбатдаги ҳамлага ҳозирлангунча бўлмай, у думини қисганча қочиб қолди. Шериклари унга эргашди.

Тўда майдонда Ёлдорни ёлғиз қолдириб, бир зумда

кўздан ғойиб бўлди.

Ёлдор дўнгда бир оз чўнқайиб ўтирди. Тумшугини чўзиб ҳид олди. Қор босган водийга узоқ тикилиб қолди. Сўнг ошиқмай изига қайта бошлади. "Ўра" ёнидан ўтаётганда, андак тўхтади. Сарварга шунчаки бир кўз ташлаб, яна йўлида давом этди.

Бу вақтга келиб Сарвар бўри зотидан умуман чўчимай кўйганди. Ёлдор ҳақидаги дастлабки ўйлари энди унга жуда кулгули туюлмоқда эди. Аммо унинг кулмоққа чоғи йўқ, бўрилар олишув пайтида ҳаяжондан хиёл қизиган вужуди тагин совқота бошлаганди. У Ёлдорнинг ўрнида ити бўлмаганидан ўқинди. Агар Диккикулоқ тирик юрганида, уни бу ҳолга ташлаб қўймаган, аллақачон қишлоқдан одамларни бошлаб келган бўларди. Диккикулоқнинг қотили эса унга шунчаки бир қараб ўтди-кетди. Бироқ у негадир Ёлдорга нисбатан ғазаб ҳис қилмади.

Юқорида музлаган қорнинг қисирлаши эшитилганда, тагин унинг кўзи илина бошлаганди. Ўлимга чорловчи бу уйқу шу қадар ширин эдики, ортиқ кўз очишни истамай турганида, Гуччи пакананинг овози эшитилди.

— Ия, ака, нима ётиш бу?!

Сарвар кўзларини очиб, "ўра" оғзида анграйиб, ҳам қувониб турган Гуччи паканани кўрди.

— Изингизни олиб келаяпман, — деди у "ўра"га тушмоқ учун қулай жой қидириб. — Кўнглим сезгани бўпти-да. Ёмон йиқилмадингизми ишқилиб? Ҳозир олдингизга тушаман.

— Тушманг! — Сарвар жонланиб, қўли билан, тўхта, дегандай ишора қилди. — Туша кўрманг! Барибир фойдаси йўқ. Оёқни синдириб олганман. Арқон керак.

Бу гапдан сўнг Гуччи пакана чуқур оғзида бир зум серрайганча туриб қолди. Негадир у ён-бу ён қаранди. Кейин сўрагани шу бўлди.

— Э, милтиқ қани?

Сарвар шу тобда кўзига ҳар қандай туғишганидан зиёда бўлиб кўринаётган йигитга жилмайиб қараш билан чекланди.

— Тушунарли,— деди Гуччи пакана ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да. — Ҳозир одам бошлаб келаман. Арқон ҳам олиб келаман. Эмасам, кетдим мен.

У қасир-қусур қор босганча тезда кўздан йўқолди.

Сарвар тошдеворга беҳол суянди. Негадир йиғлагиси келди. Қувончданми ё гамданми, ҳар ҳолда ич-ичидан нимадир тўлқин уриб келмоқда эди.

У жилмайган кўйи йиғлай бошлади.

* * *

У Гуччи пакана бутун қишлоқни бошлаб келди деб сира ўйламаганди. Қишлоқда эркак борки, деярли бари келганди.

Элчил йигитлар арқонга осилиб, осилмай чуқурга туша бошладилар. Турган гап, Гуччи пакана ҳаммадан кўра кўпроқ жон куйдирарди. Бақириб-чақириб йўл-йўриқ кўрсатишга тиришарди.

— Шунча одамни овора қилишингиз шартмиди? — Сарвар хижолат тортганини яширолмади. — Кишини уятга қўйдингизда.

— Э, нимаси уят бунинг!—Гуччи пакана ўқтам овозда шанғиллади. — Одам одамга шундай пайтда қайишмаса, қай пайтда қайишади. Мен бировга юр демадим, овоза қилдим. Аммо лекин Ботир ака билан Султон акага юринг деганим рост. Бошқаларнинг ўзлари келишди. Элчилик-да, элчилик! Элдан айланай! И-и, оғрияптими?

— Йигитлар, эҳтиёт бўлинглар! Зокир, сен пастдан тут! Жуда имилладингда, Абдурайим! Ҳа, шундай. Баракалла! Арқонни қориндан эмас, қўлтиқ тагидан сол, шунда тортиб олиш осонроқ бўлади.

У Шойим йўғонга "ўра" оғзида рўпарў бўлди. Шойим йўғоннинг кўзларидан тўнглик ариган, бошқалар каби ҳамдардлик билан боқиб турарди. Йигитлар кўхрагини сириб турган арқонни еча бошлаганида, у Шойим йўғонга юзланди. Ҳеч бир ички изтиробсиз деди:

— Ака, сиз ютдингиз.

Аммо Шойим йўғон у кутганчалик қувонмади, ирғишламади. Қарашлари бир оз тундлашди-ю, лекин ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Оғзидан оппоқ ҳовур чиқариб, муштумига йўталди. Кейин бирдан эсига тушгандай, ошиғич бир ҳаракатга устидан қалин пўстинини ечди-да, совуқдан қалтирай бошлаган Сарварнинг елкасига ташлади.

— Бир нима дегандай бўлдингизми? — деди сўнг ҳардамхаёл оҳангда.

— Гаров...

— Эсдан чиқаринг!

— Ахир...

— Кўп майда гап бўманг!

— Лабз...

— Сурув меникими?

— Сизники.

— Унда мен уни омон қолган жонингизга сийлов қилдим. Каттазанглик қилмаганингизда шу балолар йўқ эди. Бундан сўгин давлатингиз билан мақтанманг! Агар жуда ошиб-тошиб кетган бўлсангиз, ярмини, ана, паканага беринг. Куймайсиз. Жонингизни омон сақлаб қолган шу-да.

Одамлар орасидан Ғуччи пакананинг норози овози эшитилади.

— Ака, менинг отим бор!

— Узр, Ғуччи ака, — Шойим йўғон кулади. — Тил курғур бесуюклик қипти. Минг бор узр.

— Сизга одамни калака қилиш бўлса... — Ғуччи пакана тўнғиллай-тўнғиллай унинг узрини қабул қилади.

— Бундан сўнг эшитмай, қаттиқ хафа бўламан.

Қор устига ёзилган чакмонга авайлаб ётқизилган Сарварнинг кўзи наридаги нураган қояга тушаркан, унинг пойида содир бўлган бугунги воқеани эслади. Назарида, Ёлдор уни бошқа бўрилардан ҳимоя қилгандек туюлди. Ёлдор қувиб солмаганида, улар мени тирик қўймасди, деган хаёлга борди. Бу ўй илгарироқ миясига келмаганидан ўкинди.

— Ака! — деди Шойим йўғонни ёнига имларкан, овози товланиб. — Шу... Ёлдорга тегмасак! Оддий жондор десам, зўр йигит экан у! Қўйинг, ўз майлида юраверсин!

— Бизам шу ўйдамыз, — деди Шойим йўғон ниманидир англагандай. — Майли, ўз эркида юраверсин.

* * *

Ўша куни оқшом Ғуччи пакана янги гап топиб келди.

Бу пайтда Сарвар иссиқ хонада, печкада гуриллаб ёнаётган ўтга хаёлчан термулганча, одамларнинг гамхўрлигидан эркаланиб ётарди. Тахтақачланган оёғи кўшни кампир қўйиб берган курси устида, қандайдир гиёҳ қўшиб дамланган чойдан майда хўллаб, гарқ терга тушганча, том маънода, эркаланиб ётарди.

— Ёлдор ўзига шерик топиб олибди, — деди Ғуччи пакана эшикдан кира-кира. — Иккиси Зарангбетда қувлашиб юрибди. Менимча, топгани қанжиқ, ўзини туттиши бошқачароқ...

— Яқинда сизам қувлашиб қоласиз, Ғуччивой, — деди бунга жавобан Сарвар ақаларга хос салмоқли оҳангда. — Етар шунча вақт эркин юрганингиз.


— Нима деганингиз бу, ака?

— Сизни уйлантирамиз деганимиз бу.

— Э, одамни уялтирманг кўп!

Кўшни кампир лаганда овқат кўтариб кирганида, улар шовқинлашганча, режа тузишар, уларнинг кайфиятидан андоза олгандек, печкадаги ўт шўхчан чирсиллар, ташқарида эса тунги бўрон кўзғолганди.

У худди оч бўридай ув тортарди.



Ғайрат МАЖИД



Мунис иффорлар димоғимдадир

* * *

Бир мунис иффорлар димоғимдадир,
Токи, қизғалдоқзор юрак бор токим.
Бир ҳовуч тун кафту бармоғимдадир,
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Намчил ҳаволар ҳам кетдилар титраб,
Ҳамиша қалбимда уйлари ҳоким.
Қарашлари менга ўхшайди, ё раб,
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Оламни қоплади ям-яшил туйғу,
Дунё йиғламоқда... сўкилди чоким.
Эзилиб, ҳам эзиб янграган чолғу,
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Ғамлар сайхонида қалбларим қуроқ,
Чиндан ҳам ўзимми, ўзимман балким.
Барибир коинот қадар бир сўроқ,
Айт, ким у қуёшга кетаётган, ким?!

Бир мунис иффорлар димоғимдадир.

* * *

Ўзича қуёшдек порлар сурайё,
Умидим тонларга айласам сафар.
Кўзим ёшларида гуллаган дунё,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Меҳр юлдузлари кўкларда олис,
Кўзим учқунидан сачраган гавҳар.
Телба юрагимдай, ғамимдай холис,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Нафиса оҳанглар сочди дил гули,
Бу қандай тароват, бу қандай иффор.
Кун десам кунлардан тафтли, ёғдули,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Ўйларинг чангида тўхтаб қолди вақт,
Соҳира туйғулар рангида сахар.
Бахтлардан ясалган илоҳий бир тахт,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

* * *

Оҳ, бунчалар гўзал бу сукун,
Осмон жимдир, замин ҳам жимдир.
Мен кимнидир эсладим шу пайт,
Кимдир мени унутди, Кимдир.

Шовқин-сурон, бақир-чақирлар,
Гулни синдир, кўнгилни синдир.
Мен йўқотдим кимнидир шу чоқ,
Кимдир мени топди, ҳа, Кимдир.

* * *

Сендан нени яширай, дунё,
Кимлар жасур, ботир бўлади.
Тулқинлари қалбим дарёсин,
Нигоҳимда содир бўлади.


Харсангларинг эрийди қордай,
Ёшим-маржон, нодир бўлади.
Қодир эгам ҳолим забундир,
Сен бор дилим қодир бўлади.

Оппоқ гуллар бошимда маним,
Қара, оппоқ адир бўлади.
Холис-холис орзуларим мўл,
Бир кун гўзал надир бўлади.

Кунлар кунга айланар унда,
Зангор-зангор хотир бўлади.
Илдизларим дунё бошидан,
Гул сочар, гул отур бўлади.

* * *

Ҳеч кимга кўрсатмайман,
Қалбимдаги ярамни.
Дунёга бергим келмас,
Кўксимдаги ноламни.
Худо ўзинг асрагин,
Қайсаргина боламни.
Ёлғизина боламни.
Ўжаргина боламни.
Эрка ўсган айтганин,
Қилдирмасадан қўймайди.
Мен биламан бу ҳолда,
Кўплар уни суймайди.
Мен гул бўлсам ажралмас,
Япроғим-да, боламжон,
Авайлайман, асрайман,
Қароғим-да, боламжон.
Эр йигитдир, нокаслар
Отган тошдан қўрқмайди,
Юрагига зил бўлиб
Ботган тошдан қўрқмайди.
Дил дардида, розиман,
Нотинч куни кўп бўлсин,
Лек умр сўқмоғида
Севинч куни кўп бўлсин.
Оламларга нурафшон,
Ҳаёт бергиси келар.
Ҳеч ким айта олмаган,
Баёт бергиси келар.
Худо, ўзинг асрагин,
Ёлғизина боламни.
Қайсаргина боламни,
Ўжаргина боламни.



* * *

Рост эрур дил эртаги,
Бу гилам учоғим-да.
Лолами лабингдаги,
Қуёшми қучоғимда.

Япроқлар оқиб борар,
Тупроқлар оқиб борар.
Титроқлар оқиб борар,
Бу росту ушшоғимда.

Оҳ, оғриқ узун бўлди,
Минг сирли афсун бўлди.
Кимлардан изн бўлди,
Ишқми дил-ўчоғимда.

Очилиб ётурсанми,
Соч илиб ётурсанми.
Сочилиб ётурсанми,
Ҳар бўлак, ушоғимда.

* * *

Баланд-баланд тоғлардан,
Учиб борар тулпорим.
Сени излаб боғлардан,
Ўтаянман, дилдорим.

Баҳор берган тугунни,
Очдим дунё чаманзор.
Гулдан гўзал хуснингни,
Кўрмоққа дил интизор.

Умрим ўтиб борадур,
Ўтмас сенинг ғамларинг.
Дунё, дилим сўродур,
Тугайдими камларинг.

Ҳавас қилган сарвлар,
Бўйларингдан айлансам.
Шамолларда саросар,
Сочларингга бойлансам.

Ой нимадир боқмайман,
Юзинг ундан чиройли.
Оҳуларга қарасам,
Кўзинг ундан чиройли.

Сенсиз ҳаёт айт, надир,
Сен қўшиғим, алёрим.
Баҳор, менга топиб бер,
Қайда менинг баҳорим.

* * *

Макр тўла дунё, сергакроқ бўлгин,
Ва барча тошларга тайёр тур юрак.
Ахир, мўъжизага кўмиб оламни,
Барибир, барибир яшашинг керак.

Чайир қайғуларинг бағрида, маҳжам
Қаддингни тик тутгин, тераклар каби.
Йўқ, бунда ҳамманинг бизга тикилган
Покиза эмасдир кўзлар матлаби.

Эскирган ўйларнинг бахридан ўтгил,
Чиркин кулгуларга берма эътибор.
Биламан, минг марта қийнаб ўзингни
Яна юпатасан ўзингни минг бор.

Юрак, насиҳатлар сенга не даркор,
Шундай ҳам ҳисларинг нурли, зиёли.
Сенга ёруғ бахтлар бермоқ истаيمان,
Дунёнинг энг мунис, эрка аёли.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ



Дунёни ўзгартир

Ҳикоя

Ғалла ортган оғир машиналар ҳар куни тинмай ўтадиган катта кўча тизза бўйи чанг. Оғир машиналар йўлнинг тупроғини Барчин опамнинг упасидан ҳам майинроқ қилиб юборган. Оёқ суқсанг, аввалига куйдиргандай, сўнг олам-олам ҳузур бағишлайди.

Узоқдан келаётган машина, албатта Сайёр аканики бўлиши керак. Биладан, эрталабки рейсдан эндигина қайтиб келяпти. Машина орқасидан чанг эринибгина кўтарилади ва шу заҳотиёқ йўл бўйига оҳиста чўкмоқда. Сайёр ака чарчаган, шунинг учун машинани секин ҳайдаб келяпти.

Машина ёнимга келиб тўхтади. Чангдан қочиб йўлнинг нариги томонига ўтган эдим.

— Офтобда нима қилиб ўтирибсан, — деди Сайёр ака эшикни очишим билан.

Мен шоша-пиша ўриндиққа жойлашдим.

— Сизни кутяпман.

Машина упадай майин тупроқ устидан сувда сузгандай бир маромда гувилаб юриб кетди. Мен бошқа индамасдим. Сайёр ака ҳам тер босган юзини елкасидаги рўмолча билан арта-сурта кетаверди.

Қишлоғимиз катта эмас, йигирма-ўттиз хонадон, ҳаммаси бир қаторда тепалик этагида, офтобрўяда жойлашган. Олдинги қаторда учта иморат, Дўнан бобонинг (асли исми Жўрабой) уйи, кичкина кансорол ва эски мактаб. Қизиқ, улар нимагадир қишлоқнинг олд қаторига ястанган.

Ҳозир мактаб биносида ғалла штаби жойлашган, кансоролга ғалла тўкилган. Бу ғаллалар кансоролнинг олдидаги ҳовлида ҳам тўкилиб ётипти. Уларни кейинроқ топширишса керак, буни мен билмайман. Аммо ҳозир ҳамма ўрилган буғдойни марказга, элеваторга олиб кетишяпти.

Сайёр ака ғалла ўрими бошлангандан буён шу ерда, кансоролда ётиб ҳар куни ғалла ташийди. Индамас одам, кўп гапирмайди, мени машинасига миндириб олади-да, соатлаб гапирмай юраверади. Менинг берган саволларимга "ҳа", "йўқ" деб жавоб қайтаради, холос. Аммо бизнинг суҳбатимиз тузуккина қовушади. Бунинг сабаби, Сайёр аканинг менинг гапларимга қулоқ тутиши, суҳбатимнинг тутуруғи бўлмаса-да, тинглаши менга ёқса керак. Мен бўлсам анча сергап.

Ойим ғаллачиларга нон ёпади, мен ойимга онда-сонда ёрдам бераман, қолган вақтим Сайёр аканинг машинасида кезиб юрганим юрган. Қишлоғимиздаги мактаб тўртинчи синфгача. Юқори синф болалари бошқа қишлоққа бориб ўқишади. Мен ўқимасам керак. Ёз ўтса Саттор аканинг чўпонларига чўлиқ тушаман-ов. Катта отам шундай деяпти. Катта отам, бу бувам,

бизда бувани катта ота дейишади. Ойим бўлса баъзан йиглаб-йиглаб, ўқийсан, даданг бўлганда албатта ўқитар эди, дейди. Мен дадамни яхши билмайман. Мен уч яшарлигимда у киши қамалган, кейин қамокда кимлардир уриб ўлдириб қўйишган.

Ойим мени ўқишга борасан деяпти, шунинг учун чўлиқликка юбормади. Бундан фойдаланиб ёз бўйи Сайёр аканинг машинасида ўзимча ёрдамчи бўлиб юрибман.

Ўтган йили ҳам ғалла ўрими пайтида ғалла ташиган машиналарда юрар эдим. Мели аканинг машинаси янгигина бўлса ҳам негадир кўп бузилар эди. У мен жавоб бермасам ҳам ҳар хил нарсаларни гапираверар, мендан маслаҳат сўрар, ёш боладай негадир бирор гапни бир неча бор такрорлайверадиган одам экан. Бу йил негадир келмади. Келмагани ҳам яхши, мана Сайёр аканинг машинаси эски бўлса ҳам бузилмайди, бузилмаса ҳам негадир Сайёр ака кечқурунлари машинанинг у ер бу ерларини ковлагани ковлаган. Мен катталардай нимаси бузилди, десам, индамасдан, ўн еттини олиб бер, латта қани, ҳа ана, бериб юбор, деб мен билан индамас суҳбат қуради-да, иккимиз машина тузатамиз. Катта отам менинг Сайёр аканинг ёнида ўралашиб юрганимни кўрган пайтлари. Сайёр, шунга машинани ўргат, зора сендай шопир бўлса, ўқишга ҳам энди бормайди, деб қўяди.

Мана, бугун ҳам кечқурун машинанинг аллақаерини Сайёр ака иккимиз тuzатдик. Кеч кирганда мен уйга кетдим. Сайёр ака яна далага, қомбайнчиларга нон олиб жўнади.

Кечаси юлдузларга қараб ётишни яхши кўраман. Улар жимир-жимир қилишади, бири ўчиб бири ёнади. Яқинда юлдузлар орасида бировининг юриб кетаётганини кўриб қолдим. Юлдузлар юрмайди-ку, ойи, ҳув анави юлдуз юриб кетаяпти, қаранг, қаранг десам ойим ҳам ҳали ухламаган экан, йўқ, у юлдуз эмас, ракета бўлса керак, деди.

Ўшандан кейин "Фан ва турмуш" журналига хат ёзиб юбордим. Ўша тундаги қанақа ракеталиги билан қизиқдим. Хатни Сайёр ака марказдаги почтага ташлаган, жавоби келади.

Ёз ҳам ўтиб кетяпти, яқинда битта эчкимиз йўқолиб қолди, ойим анча йиғлади. Мени ҳам уришди. Мен нима қилайин, подада йўқолибди.

Қишлоқдаги узиқ-юлиқ гаплардан хабар топиб юрадиган, ким билади, балки ўзи чиқарган Шокир гилай кеча мени Сайёр аканинг ёнида яна кўрди-да, ҳа бола, аканг билан ғалла ташияпсанми, ўрганавер, аканг яқинда даданг бўлиб қолади, деб ўтиб кетди.

Сайёр ака Шокир ғилайга бирон нима демади, машинанинг аллақаринидир тузатиб бўлиб қўлини латтага артиб турган эди, Шокир ғилайнинг бу сўзларидан кейин латтани машина эшигидаги тирқишга асабийлашиб қистирди-ю эшикни қарсиллатиб ёпди. Мен кабинада эдим. Сайёр ака индамасдан машинани юргизди-да, далага қараб ҳайдади. Менга қараб сен қолмайсанми, деди. Бораман, дедим. Лекин машина қансоролдан ўтиб бизнинг уйга яқин келганда Сайёр ака машинани тўхтатиб, туш, иссиқда нима қиласан, уйга бориб дамингни ол, деди-да, эътирозимга қарамасдан мени ташлаб кетди.

Мен ҳам ҳеч нарса демасдан тушиб қолдим, қарасам Сайёр аканинг авзойи анча бузуқ. Уйга келиб бироз уёқ-буёққа юрдим. Иш бўлмаса нима ҳам қилардим. Уйимиз орқасига ўтсам, кўчада болалар ошиқ ўйнаётган экан. Мен ҳам ошиқ ўйнадим, аммо ўйинни бой бердим, яна уйга қайтдим.

Кечроқ ойим Сайёр аканг билан яна далага борсанг Зариф бобонгдан бир-иккита қовун олиб келгин, деди. Бу менга яхшигина баҳона бўлди-да, кўчага чиқиб қадрдон машинани кута бошладим. Сайёр ака марказдан қайтиб келаётган экан. Мени кўриб тўхтади. Ойим Зариф бобонинг пайкалидан бир-иккита қовун олиб келгин деди, деб кабинага кириб эшикни ёпдим.

Далага қараб кетяпмиз, чанг орқамиздан қувиб етолмайди, бугун сал шамол бор. Машина орқасидан кўтарилган чанг менинг орзуларимдай пўртана-пўртана бўлиб узоқларга бориб ётапти. Кабинадан бошимни чиқарганча сочларимни тўзғитиб кетяпман, — Сайёр ака, — дедим. Шамолдан ва бошим кабинадан чиқиб тургани учун товушимни Сайёр ака эшитмади. У томон юзландим.

— Сизга совчи бўлсам майлими?

— Майли, қандай қилиб совчи бўлмоқчисан?

— Сиз ойимни олсангиз биз ҳам районга кўчиб кетар эдик, мен сизга ўғил бўлиб ўша ерда ўқир эдим.

— Ҳе, укам, сен совчи бўлолмайсан, катта отанг сенинг айтганингни қилмайди. Бу дунёнинг сен билан менинг тишим ўтмайдиған ўзгармас ишлари кўп, биз уларни ўзгартиролмаймиз.

— Сайёр ака, қўлингизни беринг.

У киши машина мойида қорайиб кетган қадоқ қўлларини мен томон узатди. Бош бармоғини ушлаб кўрдим.

— Эҳ аттанг, сиз Хўжайи Ҳизр эмас-да. Биласизми, катта отам бирон нима керак бўлса, Худодан ўнга сўрасанг бештасини беради, дейди.

— Балки, — деб кулиб қўйди Сайёр ака.

— Сайёр ака, агар мен бир думалаб Дев бўлиб қолсам, ўшанда бу дунёнинг кўп ишларини ўзгартирган бўлардим.

Сайёр ака мен томон ўгирилиб, сочларимни силаб қўйди. Негадир хўрлигим келди. Укириб юбормаслик учун бош бармоғимни қаттиқ тишладим. Бироқ барибир кўзларимдан ёш чиқиб кетди.



Гулноза БОБОЕВА

Сахарларда бўлгин сирдошим

ИЛТИЖО

Сен менга яқинсан, мен Сендан йироқ,
Сен менинг юпанчим, дардим, паноҳим.
Мен Сенинг меҳрингдан умидвор жонман,
Аллоҳим...
Аллоҳим...
Аллоҳим...

Йўлларимни ёритгин ўзинг,
Сахарларда бўлгин сирдошим.
Кавсарларга қўшилмоқ истаб,
Меҳробингни ювсин кўз ёшим.
Аллоҳим...
Аллоҳим...
Аллоҳим...

* * *

Бу уйда меҳмонмиз, беш кунлик меҳмон,
Бизни қаршилайди боқийлик тайин.
Худди оқар сувдек сўзсиз, сўроқсиз,
Умр ўтиб борар дақиқа сайин.

Бу ғаддор дунёнинг ғамига чўмиб,
Ўтиб бормоқдамиз мисоли карвон.
Бошимизда эса чапак чалар вақт,
Пойимизда ётар замон ва макон.

* * *

Сен ҳижрондан сўйлама,
Мен ҳижроннинг ўзиман.
Қалбимни вайрон этган,
Ишқнинг сўқир кўзиман.

Мендан энди умид уз
Сароблардек абасман.
Умринг фаслинда мен куз,
Асло баҳор эмасман.

Келолмайман сен билан
Зор йиғлайди изимдан.
Менинг манзилим олис,
Кетмоқдаман ўзимдан.





Баҳор келса кўришгаймиз

ҚАЛАМГА

Қалам, нега жимсан, нега безовта,
Маълул қиёфанга тутқунмидим мен.
Шу кичик жуссанга оғирми келди, —
Қалбимнинг ўти-ю замона юки.

Гомер йиғисига қўшилиб баъзан,
Шарқу Фарб кезасан билмай масофа.
Барча баҳсларда ғолиб чиқасан,
Чунки дониш кетар, қолар фалсафа.

Кийик терисига битилган тарих,
Ё Занжирсаройда қолган шевасан.
Сен ўз соҳибига бўлган муаррих, —
Қурбон бўлганларни севасан.

Балки хилхонангда энг гўзал битик —
Халқларга битилган эрқнинг қоғози.
Сокин қитирлашинг кетади босиб,
Тинч эдларни бузган қирғин овозин.

Сенсиз кўтарилмас ғалаба туғи,
Жаллод қўлидаги ойболталар ҳам.
Истасанг оламнинг халқлари бутун
Битта табассуминг ила мустаҳкам.

Биламан, жигаринг таҳбатаҳ қондир,
Мўмин Мирзоларнинг ўлими учун.
Баъзан хавотиринг ёлғиз имкондир, —
Олмоқ бўласан сен мазлумлар учин.

Темур боғларининг тарҳини чизган
Меъморнинг поёнсиз хаёли бўлдинг.
Шу нозик қад ила узун кечалар
Қодирий, Ойбекнинг қўлида кулдинг.

Шодмидинг, итҳомга тўлиқмидинг, айт, —
Навоий сўз билан берганда сайқал.
Мен ҳам далаларда шўр тўпроқ кечган
Ўзбегимга Сўз-ла қўйсам бир ҳайкал.

Қаламим, бурчакда ётма энди жим, —
Чунки юрагимга Элим кўз солган!
Сўйла, мен кимларнинг боласи эдим, —
Улар Қалам билан дунёни олган!

Соат аниқлиги, фикрат кенглиги,
Бахтнинг сибизғаси уйқунгни бузсин.
Қаламим учуда турган авлодим,
Кимсан, жамолингни айла таржасум!

* * *

Хорижда бир музей бор,
кўнғироқлар музейи
Газета хабар

Бу музей саҳнида асрга ёндош,
Минг йилга қариндош жаранглр бордир.

Ана Арастуни кўрган наводош,
Бири Геркулесга яралган кордир.

Бу жажжи навосоз Бухорий учун,
Олис карвонларда ҳамроҳи бўлган.
Буни Алпомишлар таққан отига,
Ё Барчин сочида дур бўлиб кулган.

Бугун-чи, у қадим йиллардан хабар,
Ботирлар гувоҳи-осуд, уйқудда.
Қизиқ, Эрта Қалбни нима уйғотар,
Шоир кўнғироғи занглаган уйда.

— Биз қайси қалбларда чалдик кўнғироқ,
Ватан севгисини ёқолдик Кимда?
Карвон кўп, ризқ бўлак, лекин йўл йироқ,
Сорбон бўлладими сўзинг—гап шунда.

Шу сабаб шоирлик мартаба на бахт,
Аслида у ҳикмат, давосиз заҳмат.
Демагил, шоирлик—зер, забар, нунда,
Шоирлик — зарурат! Ҳамма гап шунда.

Йиқилса бировни қолингиз суяб,
Ҳар дил йўлларини ололсин ўнглаб.
То нур-ла меҳр-ла қўяйлик бўяб,
Қалбда кўнғироқлар қолмасин занглаб.

ШОИР УЙҚУСИ

Бир нафас қаламни олдириб тин у,
Туш кўрди, санамлар шайдо қилдилар.
Бир лаҳза тўхтади шиддат ва орзу, —
Зоғлар булбулликни даъво қилдилар.

У-чи сергак, тийрак олмоқда у нафас,
Киприklarидан ҳам оқар туйғаси.
Даъво қилишар-у, наво қилишмас, —
Арслон уйқусидир шоир уйқуси...

* * *

Йўқ, кўрққаним ёлғизлик эмас,
Армонимни эплайман ўзим.
Мен давримга шиддат берсам бас,
Алпомишни уйғотсин кўзим.

Мен ўқ каби уча олсам бас,
Дунё бўла билса бас камон.
Йўқ, кўрққаним ёлғизлик эмас,
Муҳаббатсизлардан кўрқаман!

* * *

Дўстлик бор, дўстлар йўқ
Асқад МУХТОР

Биз иккимиз энди асло кўришмаймиз,
Гар кўришсак, кейин айро юришмаймиз.

Йиллар ўтиб, сўнгра билдим сабабини,
Айриликнинг сочларини ўришмаймиз.
Кўшиқ—бизнинг севгимизнинг куйинчаги,
Рубоб—уни эркалаган ҳалинчаги.
Баҳор келса, баҳор келса кўришгаймиз, —
У ҳам қутлар-остонада гул-чечаги.

Эсингдами, деразангда ўрик эди,
Оқ гуллари кўзга яқин, йирик эди.
Дарсларида сенга унсиз хат ёзардим, —
Файбулла ва Тилак домла тирик эди.

Ўша ўрик яна гуллар-оппоқойим, —
У гулларга ярашган бир нур бўлойин.
Мен-ку сенга ҳатто таниш, дўст
бўлмадим, —
Ул ўрикнинг новдасига дўст бўлойин!

Биз иккимиз энди асло кўришмаймиз,
Гар кўришсак, кейин ҳеч ҳам уришмаймиз.
Йиллар ўтиб, энди билдим сабабини—
Айриликда ғалабага эришмаймиз!..

* * *

Ишқ ила дилхаста бўлди
кўкда не-не сирожлар,
Тоғу тош кезгай эмиш
гул юзига муҳтожлар.
Биз-чи, ишқ корини билмай
бериб юзинг закотини.
Умримиз шаҳрини буткул
айладик-ку торожлар.
Сенга ғам-лаъл, дея берди
синаб азоб бардошимни.
Баланд бошимни ҳам эгди
пешонамдаги ул тожлар.
Ой юзли нозанин девдинг,
нозанинларда шафқат йўқ.
Умр ҳам адо бўлди, лек
адо бўлмас хирожлар.
Ишқ ила дилхаста бўлди
кўкда не-не сирожлар,
Тоғу тоғ кезгай Фарҳод
бўлса Ширинга муҳтожлар.
Биз-ку шаҳд ипини боғлаб,
хавотирмиз масаллардан, —
Бу йўлда ҳийла кўп, жиммиз,
сўрса гар шер ила дуррожлар...

Иқбол ҚҶШПАЕВА

Юрагин И мерос қолбирган Инсон

Ботир Зокиров!... Қиёси йўқ ва ҳеч қачон бўлинмайдиган, яхлит олам... Қанийди санъаткорнинг ҳақиқат рўпарасида қанчалик хоксор бўлса, жаҳолат қаршисида ўшанчалик мағрур қалбини тушунолсанг... Хаёлпараст "Кичкина шаҳзода"-сининг орзуларини, дардларини ҳис қилган кўнгли ҳақида ўйлаб, унга ҳеч қачон хиёнат қилмаган, ҳар қандай оғир дақиқаларда ҳам уни тарк этмаган, ҳеч кимниқига ўхшамаган юрагига қулоқ солгим келади.

Негаки, унинг бу Юраги менга ҳаминча баланд дор устида муаллақ турган дорбоз қисматини эслатади. Жамиятнинг минг бир пайконлари аввало шу юракда акс-садо бериб, ўз оғриқлари билан тирнаб ўтади.

Унинг қўшиқларини тинглаганда руҳиятимда ажиб бир ўзгаришларни ҳис қиламан. Гўёки, руҳ қанот қоқиб тор вужудни тарк этганча юксакларга парвоз этаётгандек бўлади. Беихтиёр ўзингни бошқа дунёда ҳис қиласан. Шундай лаҳзалардагина мен учун ҳаёт ўзининг бетидаги қалин чимматини кўтариб бор гўзаллигини намойиш этадигандек. Менимча, қиймаланиб кетган юраккина ҳақиқий санъаткорнинг қисматини англашга қодир. Назаримда, санъаткор ҳаёти заминга фақат гўзаллик излаб яшаш учун ҳайдалган буюк қул тақдирига ўхшайди. У бир умр гўзаллик рўпарасида тиз чўкиб "мана шу бахтни менга беринг" деб ялинаётган Инсон. Бу дамдан сархуш бўлган, бебаҳо лаҳзаларнинг гувоҳига айланган одам беихтиёр ўзини ўраб турган борлиқдан-да баланд бўлган бошқа бир олам - Улуғ Ҳақиқат борлигини эслайди. Ва чексиз азоб билан кўмсайди. Гўзаллик сари интилишдан туғилган, туйғулар қалбни сўзсиз ибодатга келтириб, ўзлигини англагандагина Санъат аталмиш буюк эзгулик Инсон қавмига тушунарли бўлади. Чунки "Чўли ироқ" куйи, Бетховен мусиқалари, Жо Дассен ёки Ботир Зокиров қўшиқларини ўзбек, француз ёки

немис бўлиб эшитмайсан. Санъаткор юрагигади дардларидан томчи-томчи сиқиб асарларига қўшаркан, уларни умуминсоният дардига айлантиради. Унинг ноласи дунёнинг етти бурчагига акс-садо берганлиги учун ҳам, асрлар давомида одамзот Санъаткор қиёфасида ўзининг биродарини, қисаматдошини кўриб келади. Табиийки бу жараёнда, миллат деган азалий тушунча ҳам Санъат - Гўзалликнинг қудрати олдида ўз-ўзидан чекинади. Бунда тил халқлар ўртасида кўприк вазифасини ўтамаганидек, қалблар учун ҳам тўсиқ бўла олмайди. Бу оҳанглар таъсирида олам билан мулақо алоқаси бўлмаган оламдан-да баландроқ бўлган ажиб ҳис - ҳайратнинг асирига айланасан.

Ҳайрат - самимиятнинг, ҳис-ҳаяжоннинг энг олий нуқтага кўтарилиши. Таъбир жоиз бўлса, гўзаллик билан гўзалликнинг висоли, туйғулар, изтироблар уйғунлиги. Ҳайрат туфайлигина "инсон ўзининг бир вақтлар нақадар юксакликдан қулаганини", ўша илк "машъум гуноҳ" ҳаминча таъқиб этиб келаётганини, аслида ўзининг само фарзанди эканлигини идрок этади.


Гоҳида бирор-бир шеър ёки қўшиқ тинлаганимизда ҳаммаси жойидадек, сўзлар, мусиқа, овоз, тажриба бор, лекин нимадир етишмайди. У сизнинг юрагингизга етиб келмайди. Руҳ жойидан "қилт" этмайди. Нари борса, ўша лаҳзада шунчаки, завқланарсан. Ҳайратдан, эҳтиросдан асар ҳам йўқ. Юрак сезилмайди. У тарк этиб кетган. Нега бундай? Ҳайрат йиллар давомида ўрганиладиган ёки ўзлаштириладиган нарса эмас, аксинча у, лоқайд лаҳзалар эвазига бой берилиши мумкин. Ахир бола қалбининг ўзи олам-олам ҳис-ҳаяжон-ку! У қачон одамни тарк этади? Қачонки юрагингга қарши борганингда. Бир неча бор юрагимизга қарши бориш натижасида у биздан воз кечади. Фаровон турмуш илинжида, даврнинг табиатимизга, аслимизга ёт

бўлган талаблари билан муроса қилмоқчи бўламиз, шунда юрак биздан қандай юз ўтирганини билмай қоламиз. Бундан кўпроқ оламнинг таянчига айланаёзган қадриятлар озор чекади. Хиёнатлар аввалида, яъни илдирида инсоннинг ўз-ўзига, юрагига хиёнати ётади.

Кимлардир баланд туйғулар, орзулар билан санъат оламига кириб келади... Лекин ўз ўрнини топиш мақсадида худо берган истеъдодни суиистеъмол қила бошлайди. Мана шу ердан уларнинг бахтсизлиги бошланади. Чунки барча саъй-ҳаракатлар кимларнингдир назарига тушишга қаратилади. "Шундан ўтиб олсам бўлди, яна ҳаммаси илгаригидек ўз ўрнига тушиб кетади. Бундан осмон узилиб ерга тушмайди. Ҳар ким ўзи учун курашиши керак-ку, ахир". Фожиа шундаки, улар руҳни бир муддатга ўлдириб бўлса-да, шамолларга дош беролмайдиган жамиятдаги ялтироқ мавқеини тикламоқчи бўлишади, афсуски, руҳ фақат бир муддатгагина тарк этишга ожиз... Ҳар қандай маҳорат ҳам хувиллаб ётган бу бўшлиқнинг ўрнини тўлдиролмайди.

Бошқаларни эса тантиқ хоҳишлар бошқараркан. Бундайлар асосан саҳнани намойиш майдони деб билишади. Бора-бора намойиш майдонидан кураш майдонига айлантиришади. Бу жараёнда одамлар табиати мажруҳланади. Улар одамзот туйғуларини тутдай тўкканларидек, йиллар шамоли ҳам уларнинг ҳаммасини ер юзидан супуриб ташлайди. Бундайлар учун санъат лаҳзалик кайфият, кўнгилхушлик холос. Мавлоно Румийнинг "Мусиқий хотин кишига ўхшайди. Уни чўри деб истифода этаркансан, ўзингда инсонни ухлатиб, ҳайвонни уйғотасан" деган ҳикмати айнан шуларга тегишлидек.

Мана шу улуғ ҳақиқатни унутмаган бизнинг санъаткоримиз Ботир Зокиров учун эса санъат қисмат эди. Бундай зотлар асрлар



давонида бир келади. ўша бир келганида инсониятнинг маданий тараққиётида ўз муҳрини босиб кетишга улгуради. Афсуски, бу борлиқ кўпроқ уларнинг изтиробларидан, кўз ёшларидан озикланаркан, ютаркан. Ботир Зокировни бедаво дард болалик дунёси ҳали тарк этиб улгурмаган палладан умрининг охиригача, яъни ўттиз беш йил таъқиб этди. Бутун умр оғриқларни енгиб куйлагани унинг муҳиблари учун сир эмас. Нафақат танадаги санчиқлар, балки жамият жароҳатлари ва одамларнинг дидсизлиги ҳам уни қийнар, булардан ўзини ёлғиз ҳис этар, лекин бу ҳолатларнинг бари, кўзлар қоронғуликдагина ўткирлашганидек, унинг шуурини янада ёритарди. Шулар ҳақида ўйларканман беихтиёр дунёни қутаришни гўзалликка юклаган Достоевскийнинг "Кенг фикрли, қалби теран одамлар учун азоб ва дард чекиш шарт доимо. Менимча, чинакам буюк одамлар ёруғ дунёга келиб улуг бир азоб туйсалар ажабмас", деб ёзган ҳақиқати ёдимга тушади. Балки ўзи ҳамиша азоб билан айтган, қатлга олиб кетилаётган ошиқнинг сўнгги видоси – "Маробебус" ("Видо бўсаси") ёки ҳижрон қўшиғи "Эй, сарбон"ни тинглаётганлар орасидан маъносиз, ҳиссиз нигоҳларни кўриб қолишдан чўчиб, саҳнадан пастга қарашга юраги дов бермай яшаганининг сабаби шундандир. Наинки санъат балки умри давомида жоҳиллик билан тўқнашиб яшаш ҳам унинг заминдаги ёзуғига айланган экан. Миллат маданиятини жаҳонга танитиш мақсадида не-не машаққатлар, йўқотишлар эвазига ташкил қилган, ўзга юртларда қадрланиб, ўз юртида етарлича қадр топмаган, санъаткор орзуларининг инъикоси "Мюзик холл"нинг тарқалиб кетиши унинг учун тақдирнинг яна бир шафқатсиз синови эди. Мамлакат жilовини қўлида тутган нуфузлардан бирининг бебош нафси санъаткор орзуларининг саробга айланишига сабаб бўлади.

...Ботир Зокиров шунинг учун ҳам ҳеч қачон бўлинмайдиган, қиёси йўқ бус-бутун оламки, санъаткор сифатидаги мавқеини деб, инсонлик аъмолдан, ўзигидан, эътиқодидан воз кечолмасди. Бадиий раҳбар сифатида у учун гуруҳидаги аёллар шунчаки ихроци эмас, ўз тақдирига эга шахс бўлганлиги учун ҳам ишдаги умумий манфаатларни деб уларнинг туйғуларини эрмак қилишларига бефарқ қарай олмас эди. Айнан мана шу жараёнда яёв юрганидан товонлари шилиниб кетган ШАХС-

нинг тоғдек гурури билан от устида турган, кўзларини шира босган ўткинчи кимсанинг очкўз майли тўқнашади. Бунақа бемаъни тўқнашувлар уни шахс сифатида ҳарқанча тобламасин, у оддий инсон сифатида кўп азоб чекар, толиқиб кетган шикаста вужуднинг дош бериши эса ҳамиша қийин кечарди... ўзининг аҳмоқона "мен"идан бир бармоқ бўлса-да кўтарилма олмайдиган нуфузлар Санъаткор туйғуларини ҳазм қила олмаса-да уларнинг хоҳиши учун у ўзининг бебаҳо Юрагига оёқ босолмасди.

Башарият тарихининг гувоҳлик беришича, бундай Инсонлар бу дунёга нима учун келганларини турфатиканлару, дўнгликлардан иборат қисқа умридаёқ исботлаб, инсониятга ўз қўшиғини қолдириб кетишаркан. ... Моцарт, Бетховен, Жо Дассен, Висоцкий, Ботир Зокиров... Бу номлар ортида миллатлар кечмиши, халқларнинг муваффақиятлари билан биргаликда, афсуски, мағлубиятлари ҳам ётади. Шунинг учун ҳам улар адоғи йўқ бу телба оламнинг шўрлик арзандасига айланиб бўлишган. Кўшиқчининг бу оламга бўлган чексиз эҳтироми-ю, унга айтадиган дардларини юрагидан фақат сўзларгина олиб чиқа оларди. Шу боис ҳам ҳар бир сўз унга қўшиқ қалбини янада чуқурроқ очишга ёрдам берган. Мен ҳам хонанда қалбига етишишим учун унинг кундалигидаги қайдларни ўқиб ўзимдан ўтказа бошлайман. "Театр директори менинг ишимдаги энг муҳим нарса молявий ишлаб чиқариш эканлигига ишонтирди. "Нимани ва қандай куйлашингдан қатъи назар, нима қилиб бўлса-да режани бажар. Бошқа йўл йўқ". Бир нарсани тушунолмайдман қандай қилиб режани хўжалик ва санъатни қовуштириш мумкин. Бу икковни муғлақ фарқли тушунча, ҳеч қачон бир-бирига яқинлаша олмайди". Ёки "Ҳукумат дала ҳовлисида: идиш-товоқларнинг тарақлаши ва чапиллашлар орасида Навоий, Пушкин шеърларига бағишланган мусиқа оқди. Мен шу пайтгача ҳеч қачон ўзимни хўрланган ҳис қилмаган эдим. Эй, худойим, нақадар ёввойилик ва маданиятсизлик... Кимдир пишиллаганча товукнинг оёғини чайнаб ўтирган бўлса, қандай қилиб қўшиқ айтиш мумкин. Мен лоқайдликнинг ўтиб бўлмас деворига ўзимни уряпман".

Санъаткорни, ўзимча, бугуннинг нафаси билан уқий бошлайман. Тўю базму жамшидлар омма йиғиладиган жой. Истайсанми-йўқми сархуш оломоннинг кайфияти билан

ҳисоблашасан, муроса қиласан. Хонанданинг чаккасига турли қўллар тегиб, чўнтагига кирганидан санъатнинг сири очилиб, жозибасига шикаст этиб, бор ҳайратни сездирамасдан эмира бошлайди. Омма ҳофизнинг эмас, ҳофиз уларнинг чилдирмасига "бирров"га бўлса-да ўйнашга маҳкум. Аччиқ ҳақиқат шуки, ашулачи у даврада санъаткор ҳам эмас. Ахир бунақа томошалар қанчадан-қанча истеъодларни маҳв этиб келмаяптими?! Ботир Зокировдаги маданий аслзодалик ҳатто овқатланаётган маҳалда ҳам куйлашга йўл қўймайди. Мулоҳазаларимни айни пайтда жиддий хонанда сифатида ниҳоятда машҳур, ҳатто Машраб ижодига мурожаат қилиб турадиган эстрада йўналишидаги қўшиқчига айтганимда у "Ҳозир жаҳон юлдузлари ҳам тўйга чиқяпти. Ботир Зокиров бошқа даврнинг фарзанди, шунинг учун ҳам унинг қарашлари ўзгача. Даврлар ўзгариб кетди. Қарашлар ҳам. Бугун хонанда тўйга чиқмаса, қатга саҳнага ҳам чиқа олмайди. Ҳолбуки, ҳаммаси санъаткорнинг ўзига боғлиқ. Шундай қилинганки, одамлар беихтиёр қўлидаги қошиқни стол устига қўйишсин. Аксинча тўйлар артистни чарқайди", деб жавоб берди. ўзини санъаткорман дея "ижод машаққатлари"дан гапирётган бугунги ашулачиларнинг репертуари асосан тўй қўшиқларидан иборат эканлигининг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Унинг гапларини сўзма-сўз таҳлил қилмоқчи эмасман, лекин бир ҳақиқатни биламанки, Ботир Зокиров қўшиқлари омманинг шовқини етадиган жойлардан анча баландда... На "Араб тангоси"ни, на "Раъно"ни ва на "Мажнун монолоғи" ёки деярли умр шомиди куйлаган "Хаёлимда бўлдинг узун кун"ни бирортасини шовқин сурондан иборат, маст давраларда тинглаб бўлади. Наинки, базмларда ҳаттоки йўл-йўлакай, шунчаки эшитиш ҳам бу қўшиқларни, ундаги туйғуларни увол қилишдир. Ахир уларда шаффоф юракнинг нидоси, чинқирғи бор.

Балки даврлар туйфалли қарашлар ҳам ўзгарар, лекин асрлар давомида оламнинг меҳварини ўз ҳақиқати билан ушлаб келаётган шундай қадриятлар борки, ҳатто замонлар тўфони улар олдида ожиз. Мана шулар туйфалигина абадийат денгизи ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Шуларгина азим ва асов дарёларнинг асл ўзани қаердалигини эслатиб туради. Ботир Зокиров феномени катталашгандан катталашиб фақат орзу бўлиб қолишининг, қўшиқлари соғинчли армонга айланишининг сирини

шунда деб ўйлайман.

Бертольд Брехт драматургиясини доимо кузатиб, унга тегишли асарларни муролаа қилиб юрадиган хонанда режиссёрларнинг саҳналаштириш учун жиддий асарлар йўқ деган баҳонасини тушунмас эди. Ваҳоланки драматург ўз асарларида катта мақсадлар бўлмаган даврда катта санъат ҳам яратиб бўлмайди деган катта ҳақиқатни айтиб кетган. Яъни мақсадлар майдалашган сари, санъатнинг ҳам бачканалашиб боришини табиий ҳол деб қараган экан. Назаримда, бугун санъаткорлик даъвосида юрган, дунёни фақат манфаатлар-у билакдаги кучлар бошқаришига астойдил ишонаётган "шоу бизнес" аталмиш шафқатсиз ўйиннинг ижрочиларидан, аниқроғи қуролларидан ҳайрат кутишнинг ўзида мантиқсизлик ётадигандек. Ахир, уларнинг ўзи бу оламнинг асосида муҳаббат ётишига шубҳа билан қарашади-ку. Табиийки, бу ҳолатларда омманинг қичқиригидан, беҳаё хуштакларидан бир зум бўлса-да озод бўла олмайсан. Шундай пайтларда Санъаткоримизнинг бу ғала-ғовур телба дунёнинг томошабинига ёки иштирокчисига айланмасдан эрта тарк этганининг ўзида ҳам қандайдир сирли ҳикмат бордек туюлади. Бу ҳам бир Уни аяш мақсадида Оллоҳнинг севган ва ночор бандасига берган сўнгги имконидир. Афсуски, кўҳна шарқ ҳикматларида айтилганидек, найнинг дилўртар овози кўпинча дўмбиранинг шовқуни остида қолиб кетаркан.

Юрагидаги қайноқ ҳароратини оҳангларга кўчирган кўшиқчимнинг сурати... Паришон сочлар... Кенг пешона остидан чақнаб турган ҳайрат тўла нигоҳига сингиб кетаман. Бу тим қора катта кўзлар оламга шу қадар катта муҳаббат билан тикиладики, "ҳай-ҳай" демасанг дунёни кўзлари билан кучоқлаб олса. ўзи ҳайратланган бу ҳаётга наинки кўшиқлари, балки кўзлари билан ҳам ҳайрат улашмоқчи бўлади. У Ватанини ҳам мана шу тийрак нигоҳи билан, кўзларини катта-катта очганча дард билан севи. Чунки У юмилган кўз билан Ватанини севиб бўлмаслигини яхши биларди. Владимир Висоцкий ва Иосиф Кобзон унинг қадрдонлари эди. Улар бир-бирини тушунишарди. Лекин у дўстларидан фарқли ўлароқ на сарой кўшиқчиси бўла олди, на бўғзини

йиртганча кўшиқлари орқали исён қила олди. У фақат "Қайдасан бахт, қайда сенинг ёруғ қиёфанг?" дея бахт ҳақида, Инсон ҳақида ёниб куйлади. Вужуди чўғга айланганча, юрагини аямасдан куйлади. ўзининг миллатдошларини улуғ миллат вакили сифатида кўргиси келарди. Шунинг учун ҳам "Менинг мамлакатим ўзининг бир тусдаги мусиқаси билан нақадар камбағал. Ёки уни тушунмаган бизлар қашшоқмизми? Миллатидан қатъий назар ҳар қандай одамга тушунарли бўлган кўшиқлар хазинасининг калитини қаердан топсам бўлади" деб изланди. Ва мана шу калитни топиш йўлида, катта-кичик қулфларга дуч келаверганидан "... Мен уларга тоқат қилолмайман, ҳатто салом-алик қилишни ҳам хоҳламайман. Ахир бу амалдорларнинг калтабинлиги, ўтмас диди, маълум бир даражага кўтарилади, мезонга айланади. О, бу қандай нотавонлик... Лекин шундай бўлса-да Икромдан (композитор Акбаров- И.Қ.) фарқли равишда, республикадан кетиш ниятим йўқ, кучим сабр-тоқатим, асабларим қанчага дош бергунча, ўзимнинг ишмини қилавераман", деб изтироб кетканча Юраги етаклаган йўлдан кетди.

Санъаткорнинг гўзал шахсияти билан боғлиқ хаёлларим ҳамроҳлигида йўлга отланарканман кўзим каттакон афишадаги яна бир кўзга тушади. Бироқ бу мен учун мулақо бегона, ўтай кўз. У оламга шу қадар алам, қаҳр билан ҳаёсизларча санчилиб қарайдики, беихтиёр юрагинг орқага тортиб кетади. Кўйиб берсанг дунёни эртақлардаги ялмоғиз кампирдек икки ямлаб бир ютса... Йўқ, бу аянчли кўзлар, вайрона қалб билан кўшиқ айтиб бўлмайди. Бу кўзлар билан Инсон ҳақида, унинг орзулари ҳақида куйлаш гуноҳ... Фақат бу кўзлар билан одамларни алдаш, чалғитиш ва туйғуларни таҳқирлаш мумкин Албатта бу менинг шахсий фикрим. Лекин менга мана шу ҳақиқатни мен таниган бебаҳо Ботир Зокирнинг бой дунёси англади.

"Сеҳрли мусиқани тинглаб ўзингни нечанчи осмонда ҳис этасан. Алам ва оғриқлардан нишон ҳам йўқ, фақат ва фақат оҳанглар, оҳанглар, оҳанглар... Улар қанотинга айланади ва сени замин бўйлаб шафақнинг зарҳал ипи чўзилиб кетган уфққа қараб олиб кетади. Оҳанглар учар

қушлар мисоли сени юксак-юксакларга, офтоб сари элтади. Мана сен унинг иссиғини, ёруғини ҳис этияпсан. Кўнглингдаги барча кирлар, ғуборлар кўтарилиб кетган... Аламлар ва оғриқлар ушбу бепоёнликка сингиб кетган. Мана бирдан скрипка йиғлаб юборди ва сен кўзларингдан сизаётган ёшни сезасан. У кўнглингни шундай теранликларидан туйғуладики, сен буларни шу кунгача хаёлинга ҳам келтирмагансан. Шоир "Фамим менинг ёруғ", деб аниқ айтганидек ифодалай олмайсан".

Унинг дардларидан яна бири шундаки, ўзи кўзлаган манзилга ета олмаслигини ҳамиша ҳис қилиб турарди. "Бугун "Алишер Навоий" спектаклини томоша қилдим ва яна ҳаётдан менинг мақсадим нима деган савол устида ўйлаб қолдим. Ҳаммасининг мақсадсиз ва маънисизлиги тўғрисида ўйлаб бошласам кўрқиб кетаман. Куйлаш - кўшиқлар. Ахир улар эртаси кунийёқ унутилади-ку. Хўш, мендан кейин одамларга нима қолади? ўзингдан одамлар учун жуда керакли нарса қолдириш учун нима қилиш зарур. Мана мен учун улкан ва ечиб бўлмас саволлар..." У "одамларга нима қолдиришим мумкин" деб изтироб чекади. Бетховен даҳосидан хабардор инсон унинг "Ҳақиқий санъаткор мағрурликдан нари туради, чунки у санъатнинг чексизлигини кўриб туради... мақсади жуда узоқлигини ҳис қилади" деган иқрорини эсласа санъаткор оғриқларини, ўзидан кўнгли тўлмаслигининг сабабини тушунади. Шунинг учун ҳам санъаткор фақат шу оламнинггина фарзанди бўлиб қололмайди.

Ботир Зокиров қисқа умри билан Инсон руҳиятининг чек-чегараси йўқлигини, хаста вужуд озод ва исёнкор Руҳ учун қафас бўла олмаслигини, талант маълум бир қариччалар билангина баҳоланмаслигини, ўлчанмаслигини, ҳақиқий истъдод замонанинг турли қолипларига сиғиб, мослашиб кета олмаслигини исботлади. Ва келажакка бутун дунё кўрбон бўлишга арзийдиган улкан Юракни мерос қолдирди. Бу Юрак унинг кўшиқларида, чизган суратларида, шеър-ҳикояларида ва кундалигида, таржималари-ю кинотасмаларда муҳрланиб қолган қиёфасида акс этган.





Яралганман сизни учратмоқ учун

КИМГА ЎХШАЙСАН

Сен кимга ўхшайсан, кимга ўхшайсан,
Ортингдан эргашиб осмон юради.
Мен сенинг кўнглингнинг ёрқин рангидан
Бахтнинг суратини чизгим келади.

Булутлар бўй ташлар, ҳаттоки қуёш
Жамолнинг олдида кўринар сохта.
Сенинг кўзингдаги битта томчи ёш
Менинг ҳаётимга қўйилган нуқта.

Тун ёниб тугайди бир куни рашкдан,
Ундан-да қародир кўзинг қароғи.
Булар нигоҳ эмас, билсам аслида,
Тақдирнинг мен учун қўйган тузоғи.

Сен кимга ўхшайсан, кимга ўхшайсан,
Ортингдан эргашиб тоғлар юради.
Мен сенинг қалбингни сўлғин рангидан
Ўлимнинг суратини чизгим келади.

СИЗНИ

Нега эсламайсиз, нега кўрқмайсиз,
Айланиб қолмайин гуноҳингизга.
Бошимни қанчалик баланд кўтармай,
Барибир етмади оёғингизга.

Осмонга қараманг, осмон кенг эмас,
Соқовдай мунғайиб тургани турган.
Ҳатто кўзларимнинг оқига тенгмас,
Бағрида юлдузлар кулгани билан.

Йилларни санаманг, улар ҳам майли,
Хотирадан нарига ўтса, ўтмайди.
Асрларни тўпланг, бари бефойда,
Кипригимнинг саноғига етмайди.

Кўзингизни очинг, яхшироқ қаранг,
Юзимдан чехрангиз акси қайтади.
Мени билмасангиз, Худодан сўранг,
Сизни севишимни ўзи айтади.

* * *

Оқшомда туғилган кечалар ўлиб,
Кун чиқардан қуёш кўтарганда туғ,
Менман қаршингизда самодан туриб,
Ўзини оловга отаётган руҳ.

Билмайсиз, мен ҳамон қошингиздан,
Яралганман Сизни учратмоқ учун.
Эҳтимол ҳеч қачон англамагансиз,
Бокира тонг билан туғилдим букун.

Сиз хаёл сурасиз ёмғирни кўрмай,
Ҳатто қарамоққа мадорингиз йўқ.
Лекин ниманидир сезган бўласиз,
Менингсиз бир лаҳза қарорингиз йўқ.

Номозшом гуллари ухлаган маҳал,
Қушлар овозларин сочса ҳавога.
Ҳар оқшом Сиз учун ўламан ҳар гал,
Келаман Сизни деб ҳар тонг дунёга.

ТОНГ

Куз келиб, кузакка ўхшамайди тонг,
Ҳарир пардалардай булутлар сокин.
Ёз бўлиб, саратон яшамайди ё,
Шамоллар ўйнаган, ҳаволар сокин.

Нафис фавворадан учган томчилар.
Юлдузлар изини ювиб кетибди.
Кун бўйи қақраган йўллар юзидан
Тун бўйи оқ ёмғир юриб ўтибди.

Узоқдан, яқиндан келаётган куй
Бомдод қушларининг олган нафаси.
Тераклар учуда ялтираган нур,
Ҳаётни соғинган қуёшнинг акси.

* * *

Йўл юрмадинг, йиллар юриб,
Тақдиримни кесиб ўтдинг.
Тўқилмадинг, қуйилмадинг,
Юрагимдан сизиб ўтдинг.

Музламадим, ёнолмадим,
Қўлларингда қотиб қолдим.
Тикламадинг, силтамадинг,
Кўнглим уйин бузиб ўтдинг.

Эй йўловчи,
Эй сўзловчи,
Эй сўровчи,
Нима қилдинг?
Охиратим барбод қилиб,
Мени Ҳақдан тўсиб ўтдинг.

ҚИШ

Тун... Хира тортади осмоннинг юзи,
Оқ ранга беланар бошидан оёқ.
Олисдан милтиқар хара чироқлар,
Қайин шохчалари мисли кўнгиқоқ.

Ҳавода ўйнайди кумуш зарралар,
Мовий этагини қоққандай само.
Кўз очиб юмгунча кўрпага ўраб,
Борлиқни ухлатиб қўйгандай гўё.

Шамол эркаланиб арғимчоқ солар,
Қоялар мудрайди ўтирган кўйи.
Худди садоқатли мулозим каби,
Дарахтлар бошини эгади қўйи.

Қия ёнбошлаган тоғлар остида,
Узоқдан кўринар чўпон кулбаси.
Қиш бўйи ҳар тонгда анҳор юзида
Яхмалак учади ойнинг шуъласи.

* * *

Яна орзуларим элади само,
Осмон бисотини тўқди силкиниб.
Яна оппоқ қорга беланди дунё,
Офтоб булутларга олди беркиниб.

Дарахтнинг шохига боғланган хаёл,
Бир сенинг кўзларинг сингари банди.
Тунларнинг қўйнида ўйнаган шамол
Бир менинг кўнглимга ўхшаган дайди.

Биллур садафларга ўралади тонг,
Ортидан нурлари арғимчоқ солиб.
Ҳавода ўйнайди мовий томчилар
Заминнинг юзидан бўсалар олиб.

ҳар гал кўк тоқига осилган қамар,
Сенинг муҳаббатинг сингари доғли.
ҳар гал шафақ узра ботаётган қуёш,
Менинг юрагимга ўхшаган қонли.



Йўлдош СОЛИЖОНОВ

ҲАРАКАТДАГИ РУҲИЯТ

Истаймизми, йўқми, инсон ҳис-туйғулари ва интилишлари ҳаётнинг доимий ҳаракати билан мустақкам боғлиқ. Шу маънода табиат манзараси ифодаланмаган бирор бир эпик асарни тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, эпик йўналишдаги асарларда табиат тасвири ифодаланаётган воқелик ҳамда конфликтга мутаносиб бўлиши ҳам ёки аксинча кўриниши ҳам мумкин. Бундай ҳол кўпинча асарга танлаб олинган қаҳрамоннинг айна чоғдаги кайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мабодо, персонажнинг кайфияти кўтаринки, ўзи шоду хуррам бўлса, унинг кўзига қора тун оппоқ, совуқ кун илиқ, булутли осмон тип-тиниқ ва офтоб чарақлаган тарзда кўриниши табиий. Аксинча, одамнинг кайфияти тушкун, руҳи синиқ, дили вайрон бўлса, атрофдаги энг гўзал манзаралар ҳам хунук ва бемаъни туйилиши тайин. Инсон кўпинча ташқи ҳолатни ички туйғусига мос ҳолда идрок этади.

Инсоннинг ўзига хос ички оламини лирик йўналишда чуқур ва бетакрор бўёқларда ифодалай олиш Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов ижодига хос бадиий маҳоратнинг муҳим қирраларидан биридир. Ёзувчи қаламга олган қаҳрамонлар, аввало, ўзининг тинимсиз ҳаракатчанлиги, ёқимтойлиги, ташқи қиёфаси ва характерининг табиийлиги билан эсда қоладиган кишилардир. Масалан ёзувчи "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" романларида ўз қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини ёрқин тасвирлабгина қолмайди, балки улардан ҳар бирининг мураккаб ва яхлит сир-асроригача кашф этишга эришади.

Қаҳрамон руҳиясини очишнинг турли воситалари бор. Шулардан бири, яъни Уткир Ҳошимов томонидан ғоят самарали қўлланилгани персонажнинг ички кечинмаларини табиат тасвири билан боғлиқ ҳолда очишдир. Ёзувчи асосан қаҳрамон кайфиятига мос табиат манзараларини танлайди ва маҳорат билан чизади. Масалан, "Икки эшик ораси" романининг "Муқаддима ёки аввалги боб"ида онаси Раънонинг ўлими тўғрисида "совуқ хабар" эшитган Музаффар шошилинич Кўқонга жўнайди. Кечки пайт, ҳаво иссиқ бўлганлигидан *"...Автобус ичи дим. Бензин иси тер ҳидига аралашиб кетган. Деразадан ташқарига тикилганча ўй суриб кетяпман. Осмонда тўлин ой хомуш нур сочади. Автобус билан ёнма-ён учиб боради. Пахтазорлар, йўл четидаги дарахтлар лип-лип ўтади. Ҳаммаси*

оймомонинг юмшоқ беланчагида ором олиб тебранади."

Осмондаги тўлин ойнинг хомуш кўриниши Музаффарнинг хаёл осмонида ҳам хомуш хотираларни уйғотади. Ўзининг болалиги, онасининг неча марталаб излаб боргани — ҳаммаси унинг хотирасидан худди "автобус билан ёнма-ён учиб" бораётган ой, "Пахтазорлар, йўл четидаги дарахтлар" сингари лип-лип ўта бошлайди. Автобус эса *"ҳамон чайқалиб боради. Аммо энди Музаффар иссиқни ҳам, маторнинг гуриллашини ҳам, чекка-чеккадан қулоққа чалинаётган хурракни ҳам"* сезмасди.

Шунингдек, дарахтдан йиқилиб қўли синган кичкинтой Музаффарни қучоғига олиб ўтирган Қора амма гўдакнинг аянчли қисмати, Раънонинг қилмишлари тўғрисида изтиробли ўйга толар экан, "ой пештоққа келиб қолган", ташқарида "чигиртка чириллади", бағрида ётган гўдак "Музаффар қўли оғриётган бўлса керак, инграйди". Шунинг учун унга андармон бўлган амма ойнинг ҳаволаб кетганини ҳам, "айвон қоп-қоронғи бўлиб" қолганини ҳам сезмайди.

Шундай пайтда Қора амманинг қулоғига чигиртка чириллашининг эшитилиши бироз ғайритабиийдек туйилади. Аммо бу манзара қаҳрамоннинг ҳозир кечираётган изтиробли руҳий ҳолати билан жуда ҳамоҳангдир. Зеро, Қора амманинг кўнглида Музаффарнинг келажаги ҳақидаги безовта ўйлар, оналик қилиш ҳақидаги қалтис режалар кампир қалбига тинчлик бермай чигирткадек чириллаётган эди. Романдан олинган куйидаги парчада ҳам табиат тасвири билан инсон руҳий ҳолатининг ҳамоҳанглиги янада ишонарлироқ тасвирланганлигини кўрамиз. Робия трактор рулига дастлаб ўтирган кунда ўзини ғоятда мағрур ва бахтиёр, чексиз куч-қудрат эгасидек сезади. Бундай пайтда қишнинг охириги кунлари ҳам ҳам унинг кўзига ниҳоятда тароватли кўринади. *"Кўклам нафаси сезилиб қолган тип-тиниқ осмон, эрта-индин эриб битишини билиб, мулойим тортган қор, МТС девори орқасида куртак чиқаришга шайланиб турган толлар, қиш уйқусидан уйғониб, хўрсиниб-хўрсиниб нафас олаётган ер-ҳаммаси менга ҳайрон бўлиб қараяпти"*.

Шундай қилиб, табиат манзарасини ўзганинг нуқтаи назари орқали номинатив тарзда тасвирлаш даставвал қаҳрамоннинг мураккаб ички дунёсини очишга материал энди янгича мазмун касб этиб,

бошқача либос кияди. Биз буни персонаж руҳий оламнинг тасвирий ифода шакли сифатида қабул қиламиз. Бинобарин, юқоридаги парчада тасвир бевосита ҳаракатда берилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ҳикоячи-персонажнинг ўзи ҳаракатда бўлганлигидан унинг қарашлари асосида яратилган табиат манзараси ҳам жонланади. Дарҳақиқат, тип-тўғиқ осмон, эриб кетишини билгандек мулойимлашиб қолган қор, куртак отаётган тол новдалари — ўзини худди тулпор минган Барчинойдек ҳис қилаётган Робиянинг қалби ва нигоҳи орқали трактори билан параллел равишда ҳаракатланади.

Аксинча, "Тушда кечган умрлар" романидаги "Рустамнинг охириги кундалиги"дан олинган қуйидаги тасвирда ҳаракатсизлик, турғунлик ҳолати сезилади. **"Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди..."** Ҳатто бундан кейинги тасвирда берилган **"баҳорда бўтана бўлиб, қирғоғига сизмай оққан ариқлар"** ҳам бу ҳаракатсизликка жон бағишлай олмайди. Ўқувчининг кўз олдида **"сув остида шодон чайқалган майсалар"** эмас, балки хазон намоён бўлади. Чунки тасвир бошланишида берилган **"ўлим тўшагида ётган бемор"**нинг ўзи ҳаракатсиздир.

Тасвирдаги ҳаракат ва ҳаракатсизлик оҳангга ҳам жиддий таъсир қилади. Агар Робия нуқтаи назари билан тасвирланган манзарада ўқувчи уйғонаётган баҳор фаслининг кўповозли симфониясини тингласа, унга ер, ҳаво, куртаклар ва тракторнинг овози кўшилиб кетса, Рустамнинг кундалигида ифодаланган тасвирда ҳафсаласизлик, кайфиятсизлик, ачиниш оҳанги ҳукмрондир. Ҳатто ундан кейинги боб сарлавҳаси ҳам, биринчи хатбошидаги ибора ҳам шундай мискин оҳангга давом этади.

"Тушда кечган умрлар" романидаги Рустам кундаликларининг дастлабки саҳифаларида қаҳрамоннинг табиатга бўлган завқли муносабати кам учрайди. Чунки у пайтда талаба Рустамнинг қалбидаги Шаҳнозага нисбатан муҳаббат жўш урган, ўзини қўйгани жой тополмайдиган, йигит умрининг энг файзли онлари эди.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романи номланишидан тортиб, унда қатнашувчи шахсларнинг психологик қиёфасига табиат манзараси билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам ўқувчи адибнинг қаҳрамонлари руҳиясини очишида на Яхшибоевни, на Саидқул Мардонни, на улар билан боғлиқ бўлган бошқа образларни табиатдан айрилган ҳолда тасаввур қилолмайди.

Адиб ўз романида адабиётнинг абадий муаммоси бўлиб қолаётган инсонни, унинг қалб лабораториясини санъат заррабини билан

синчиклаб текширишни мақсад қилиб олади. Бу мақсадини амалга ошириш учун романнинг шакл-шамойилидан тортиб, то образлар оламигача, ҳикоялаш усулидан то сюжет чизиқларининг ўзаро кесишуви гача хизмат қилдиришга эришади. Мурод Муҳаммад Дўст қаҳрамонларининг руҳий дунёсини бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга қейинроқ, яъни ретроспектив тарзда ақлий ва ҳиссий муносабатлар доирасида ёндашиш йўли билан ҳам таҳлил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, "Лолазор" романи биз ўрганиб қолган анъанавий асарлар сирасидан эмас. Унда сюжет ва композицион жиҳатдан ҳам, қаҳрамонларнинг сифати ва тоифаси билан ҳам, бадиий нутқ типларининг ранг-баранглиги ва энг муҳими, қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини тадқиқ этишга янгича ёндашиши жиҳатидан ҳам ҳозирги китобхонга янгилик бўлиб туйиладиган фазилатлар жуда кўп. Масалан, биргина Назар Яхшибоевнинг руҳий олами бир-бири билан узвий боғланиб кетган тўрт қатламда намоён бўлади. Биринчи қатлам — Яхшибоевнинг ўз оила аъзолари, асосан, хотини Муҳсина, ўғли Аввалбек, севиғилиси Ойсулув ва Олиялар билан муносабатлари, уларни баҳолаши-ю, интилиши, мулоқотлари тасвирида, иккинчи қатлам — бош қаҳрамоннинг етмиш йиллик алғов-далғов ҳаёти тўғрисидаги аччиқ ва ширин азобли хотиралари таҳлилида; учинчи қатлам — Назар Яхшибоевнинг Ошнога, Александр Шоймардоновга, Қурбоной-у Тўпориларга, Саидқул Мардонга, шогирдлари ва танишларига нисбатан бевосита муносабатлари ифодаланган эпизодларда, ва ниҳоят, тўртинчи қатлам — "Бемор" бобларида сезилар-сезилмас берилган автор шарҳлари, изоҳ ва бошқа тушунтириш ҳамда "Қиссанавис" бобларидаги ҳикоячи Саидқул Мардоннинг кескин ва шафқатсиз тасвири орқали очилади.

Кўринадики, Мурод Муҳаммад Дўстнинг инқирози ва айни чоғда юксалиш босқичларини кундалик турмуш фонидан ҳам оилавий иқир-чиқлар, ҳам ижтимоий-маданий фаолият тасвир орқали ифодалашга интилади ва ниятига етади.

Хуллас, пейзаж тасвири инсоннинг руҳий ҳолатини ишонарли чизишда муҳим ўрин тутлади. Ҳар бир адиб бу ажойиб воситадан ўзига хос услубда фойдаланиб, қаҳрамон кайфиятига мос ёки зид равишда ифодалаш орқали унинг ички дунёсига чуқур кириб боради. Руҳиятнинг турфа тўлқинлари оқимида ҳақиқий инсоннинг кимлиги ва қандайлиги намоён бўлаверади. Етук санъаткорларнинг бундай маҳорат сирларидан сабоқ олган ёш қаламкашлар уларни давом эттирсалар, янада бойитсалар адабиётимиз бундан ҳам кўркам ва салобатли бўлади.



МУШОИРА

ШОИРА



Назира ҲУҚОВА



Махфуза
ЙҮЛДОШЕВА



КУЗ

Куз келди кўнгилинг остонасига,
Хазонлар қўзғатди жон оғригини.
Чашми қароғингиз жуда соғиндим,
Соғингандай кузнинг жим ёмғирини.

Тақдир орзуларни армон айлагач,
Дилга кулба қурди азалий бир дард.
Наҳот дийдорингиз бир кўрмоқ учун
Гардун қайта бошдан айланмоғи шарт.

Олис олам каби узоқ отди тонг,
Кузги шабадалар эсди саросар.
Бизни учраштирган хазон боғларда,
Мунглиғ муҳаббатим кезди дарбадар.

Иккимиз икки йўл кишиси эдик,
Айро оламларда улгайиб эдик,
Нега рўёларни ҳақиқий дедик,
Энди қалбимизнинг кулбалари тор
Кўнглим Сиздан жуда олисдадир, ёр.

Гарчи ёнингизда парвонаман мен,
Ғамингизга ғамдош гирёнаман мен,
Хаёллари сочқин урёнаман мен,
Бир исми чорлаб ўлтирурман зор.
Кўнглим Сиздан жуда олисдадир, ёр.

Аҳдим қошонаси тошдан терилган,
Шокила гуллари ёшдан терилган.
Бу шундай жазодир менга берилган,
Бахтим бахтсизлигим этмасман инкор,
Кўнглим Сиздан жуда олисдадир, ёр.



ТУН

Тун аста одимлар ҳайратни қучиб,
Соқинлик мужжасам ғаройиб эртақ.
Остона ҳатлайди ҳисларни сепиб,
Тим қора ҳарирга чулганган малак.
Ҳарирга зулукдек ёпишган юлдуз,
Соқлари тўлганар мисли мажнунтол.
Борлиқни қучоқлаб бедор уйқусиз,
Ширин алла айтиб ухлатар аёл.
Ҳарирнинг бир четин кўтарар аста,
Зулматнинг пойидан ямлар пайдар-пай.

Асма ТОШЕВ

Сиз менга ишонманг, ҳаммаси ёлғон,
Бахтлиман деганим мисли афсона
Шунча-ки омонат мен кўнган осмон,
Нурашга шай турар кўркам қошона.

Қалбимни эзади гумон, гард, ғубор,
Кўксимда тош қотган ҳислар армони.
Аслида кенг дунё кўздаримга тор
Мендирман бор бўлса ишқнинг қурбони.

Кўксим ҳам макондир минг бир азобга,
Ғам, андуҳ қилади борини кўз-кўз.
Дунё тўлгандайин қаҳру-ғазабга,
Энди оқ тонларим кўрсатмаслар юз.

Сиз менга ишонманг, ҳаммаси ёлғон...

ЮРАГИМНИНГ ЎТЛИ СОҒИНЧИ

Ҳаётимнинг бузилган тинчи,
Нигоҳларим кўкка қадалган.
Юрагимнинг ўтли соғинчи,
Фақатгина сенга аталган.

Талпинади кўнглим сен томон,
Кўзларим ҳам кетади тиниб.
Ҳар дақиқа халқумимда жон,
Кунлар ўтар сенга талпиниб.

Ҳисларимни этгайман ошкор,
Токай энди бағрим тиласан.
Қулоғимга аста айт, дилдор,
Сен ёнимга қачон келасан.

КЎНГИЛ БЕРИНГ

Кўриб кўзлар юрак тушса титроқларга,
Банди айлаб кўнгиллари фироқларга.
Олса майли хаёлларни йироқларга,
Кўнгил беринг хаёл сурган йигитларга.

Осмондаги ойлари-да ваъда қилмас,
Самодаги юлдузлардан маржон илмас.
Севар, суяр ўзгаларга бериб қўймас,
Кўнгил беринг хаёл сурган йигитларга.

Чин ошиқлик акс этади кўзларидан,
Дабдабасиз муҳаббатли сўзларидан,
Ёлворинг-а, қўймасин ҳеч ўзларидан,
Кўнгил беринг хаёл сурган йигитларга.

СОҒИНЧ

Соғинч Фарғонаминг узун йўллари,
Соғинч кипригимда қалтираган ёш.
У недир бахтимни кўрмоқ истаган,
Дуога очилган онам қўллари.

Соғинч томиримда ураётган қон,
Отамни бағрига олган тупроқдир,
Фарғонам соғинчдан яралган бу жон
Сени соғинмаслик катта гуноҳдир.

Бу порлоқ чехрадан юлдузлар хаста,
Ҳасаддан ёрилиб сўнаётгандай.
Нур тунга қоришиди, омухта тамом,
Ҳайратдан жилмаяр жимгина олам.
Бунга гувоҳ бўлса, чорасиз рассом,
Ажабмас, қаламни улоқтирса ҳам.
Бундайин манзара қайда ё, Раббий,
Ташбеҳлар ортидан туйғу от қўяр.
Шамол жиловини бўшашиб шабий.
Хаёл қучоғида айланиб юрар.

Экинзор ёқаси
Бир жуфт сизир ўтлайди секин
Таёққа суянган хаёлчан бола
Қўлида китоб
Кўзларида оловлар шағн!

Китоб бир олам
борлиқ бир олам
Сизирлар ҳам мўъжиза унга

Булут сузар
Осмонга санчилган тоғларни оша
Қуёш мизғимоқнинг тараддудиди
Шафаққа кўмилган мағриб
Бола қалби очилган эшик
Саҳифалар шўнғийди аста
Бир жуфт сизир ўтлайди беғам

Китобларнинг кетидан китоб
Дунё шиддат...
Фаслар турна...
Ширин ҳорғинликни туйганча бола
Шафқатсиз ВАҚТнинг устидан кулар
Бир жуфт сизир ўтлайди ҳамон...

МУШОИРАСИ

Нуржонбеги
АБАЗОВА



Дилбар
СИДИКОВА



Мафтуна
ХОЛОВА



ЧОРОБ

Бодом гулламади, гуллади орзум,
Булут йиғламади, йиғлади соғинч.
Сендан жуда-жуда кўндир илинжим,
Истаклар рўёби бўлиб кел, Баҳор!
Ҳаёт шарбатига тўлиб кел, Баҳор!

Жамолнинг оламни яшнатсин-а, кел,
Овозинг дил найин янгротсин-а, кел.
Меҳрга машина дил яйрасин-а, кел,
Булутли умримда кўёшсан, Баҳор,
Шабнамдек мусаффо кўзёшсан Баҳор.

БАХТ ҲАҚИДА БИТИК

Бахт — бу орзуларга етмоқлик эмас,
Зеро орзуларнинг карвони узун.
Бахт — бу армонларни тарк этмоқ эмас.
Армонлар қалбдаги абадий тугун.
Гар тонгда хотиржам уйғона олсанг,
Ташишиллар бир дунё, шахдинг аланга
Қайноқ ҳаёт ичра дадил киролсанг,
Бир сурур югирса бутун тананга,
Бахт шудир, ташишини енгиб ўтолсанг
Савоблар этолсанг, яйраб кулолсанг.
Мен сени шу буюк бахт-ла қутлайман.
Гуруринг, виждонинг асрай билолсанг.

КЕЧКИ ҲЎЛАР

Шамол тенгиб келди бесар, беармон,
Ё, у мени излаб юрган болалик?
Жисминни тарк этар, ё раб, куч - дармон
Нечун кўзларимда ёшим жалоллик.

Тақдир юрагимга ёлғизлик битди,
Ҳасрат қўшиқлари руҳимга ҳамдам.
Қон сизган кўксига хаёлинг босиб.
Ярадор дилимга айлайман малҳам.

Тилим сўзломмайди севги нелигин,
Юзим ер чизади дилнинг ҳукмидан.
Қаддим ҳам букилди, оёғим толди.
Савдойи бу ишқнинг замбил юкидан.

МУАЛЛАҚ ҚҲҲЛАР

Сени шамоллардан беркита солиб,
Бағримга яширгим келар умрбод.
Узатган қўлларим муаллақ қолиб,
Кўксимдан отилиб чиқмоқда фарёд
Тақдирга чил бериб ўзим қоқилган,
Хаёлий оташга қоврилди танам.
Кўзларинг селига юрак қўшилиб,
Оқиб кетаётир қолмади чидам.

ДУНЁГА СИҒМАДИМ

Бизни тинч қўймади ёмонлар,
Сиримиз сотдилар гийбатга.
О, бунча оғриқли камонлар,
Биз эса гафлатда, гафлатда.

Дод солдим, йиғладим ҳолимга,
Ёшимга паймона тўлмади.
Инсоф ҳам сўрадим золимдан,
Лек ҳеч менчалик куймади.

Камонга итқитдим юракни,
Баридан задаман мен безор.
Гадодан сўрадим, тилакни.
Тилаклар бошига тикди дор.

Самодан ер сари йиқилдим,
Во ажаб, етмади зарра лат.
Дунёга сиғмадим ва лекин,
Мен сиздан кутмадим мурувват.

Тоҳир РЎЗМЕТОВ

АЗИЗ ТҲҲҲЛАР

Бир оқшом туш кўрдим.
Олисдамишман
Нотаниш дарё, тоғ... Бу ўзга Ватан!
Икки соғинч дилни ўртарди ҳар дам,
Бири Ватанимдир, бириси онам.

Юрдим, дарвишлардек бўлиб саргардон,
Азобга чидолмай чекарман фиғон.
Соғинч кўзларимга тўлдирди нам,
Боис Ватанимдир, боиси онам.

Баногоҳ уйғонсам, онам тепамда,
Пешонам артарди ажиб меҳр-ла.
Ҳар қанча шукрона айтсам ҳамки кам:
Ватан бағридаман, ёнимда онам.

Майли, мен юртимни гадоси бўлай,
Бу икки соғинчининг адоси бўлай.
Мен таъзим қилурман иккисига ҳам,
Бириси Ватаним, бириси онам.

Фурқат
ЮНУСОВ



СЕВГИ

Яна кўрдим сени, ақлим йўқотдим,
Айтар сўз айтилмай, қолди-ку, шу он.
Мен сени изладим, топдим, йўқотдим
Дард-ҳасрат юракни қийнади ёмон.

Интизор эсам-да соғиниб сени
Дил рози айтмоққа топмадим имкон,
Сен нечук бағри тош дардим билмайсан
Орзулар ушалмай бўлди-ку армон.

Дард ёмон билмадинг, ўртамас сени
Жонгинам, ёнимда бўлмадинг бир он,
Дард билан қолсамда умрбод ўзим.
Кун келибқиларсан ўзинг пушаймон.

Мен сени унутмам, бир зумга асло
Боғимда гулларим бўлса ҳам хазон.
Мен сенга етмоқни орзу деб билгум,
Мен сени, жонгинам, севаман ҳамон.



Фурқат МЕЛИ

Хотирамнинг чизиқлари



СЎЗ

бўлмаса нима қилардинг,
 нима дердинг унга термулиб?
 Сўз бўлмаса, изҳор бўлмаса,
 сен нимага етардинг ўлиб?
 Сўзни асра, у ўқ кабидир.
 Балчиқларга сен уни отма.
 Лабларингни тешиб чиқса ҳам
 беҳудага уни сарф этма.
 Мен ўзимга берилган ўқни
 билиб туриб, гўё билмасдан
 юрагимга санчиб қўйибман —
 кечирингиз мени, дўстларим...

ДАРАХТЛАРГА

ҳавасим келади.
 Ҳасадим келади, одамман ахир...
 Узинг кечир, дейман яна пичирлаб,
 нима етишмайди сенга?!
 Шукр қилсанг-чи, дейман —
 оёқ, қўл, қорин, бош, мия,
 кийим-кечак, уй, бола-чақа.
 Ҳа, айтгандай чақа,
 дарахтлар, сизларда чақа йўқ,
 яна ўқ йўқ сизларда отадиган.
 Ҳавасим келади сизларга...

* * *

ЁЛҒИЗ қолиш оғир, ёлғизлик қийин,
 шоир ёлғизман, деб ёлғон айтади.
 Ёлғизлик ҳеч кимга насиб этмаган,
 ўлмай туриб, ҳақиқатга ҳеч ким
 етмаган.

* * *

КОИНОТДА изғиб юрган одам
 нимани излайсан, бунча узоқда?
 Ерга қайтгин, онанга қара —
 онанг ерга кириб кетмоқда.

* * *

ҚОПНИ тўлдиргунча эсимиз кетди,
 Энди уни қандай кўтарамиз, дўст?
 Атроф-жавонибга исимиз етди,
 энди мадад бер, деб ўтирамиз, дўст.

* * *

МЕН учиб кетяпман, сарҳушман, Она!
 Мени кечирасиз, биламан бун.
 Ҳудодан қўрқаман, кечирармикан...

ТУН ШАРПАСИ

бостириб келаркан,
 кўзингни юммоққа чоғланасан.
 Бутун инон-ихтиёринг, эркинг билан
 боғланасан унга —
 сен ҳам айланасан Тунга.
 Ўзингни англайсан.
 Миллатнинг сўлган гуллари ҳақида,
 тириклигинг ҳақида,
 тун бўлсанг-да, қора бўлсанг-да,
 тириклигинг ҳақида ўйлайсан.
 Тепангда юлдузлар ёрқин акс этар,
 шунда
 тун ёқимли туюлади сенга.
 Ҳолбуки, сен ҳам унинг бир заррасисан,
 шарпасисан,
 ҳатто милтираган бир юлдузчалик
 эмассан.

Кўзингни юмсанг ҳам, очсанг ҳам,
 дод десанг-да, югурсанг-да,
 фарёд десанг-да,
 барибир мажбурсан тонгни кутишга.

* * *

МЕНИНГ озодлигим, менинг қуллигим,
 унутилган Сўзим сени истадим.
 Қаҳҳорнинг қаҳридан сен томон қочдим.
 Айт менга, кўзимга нимани сочдинг?
 Дод, деб юрганимда, арзонлигимда,
 дарёлигим гоҳи тўзонлигимда,
 аниқ билганим шу — англаганим шу —
 менинг қуллигим бу — озодлигимдир.

ХОТИРАМНИНГ

чизиқлари ажабтовур
 гоҳ бўз бўлар, гоҳ сўз бўлар, ёвуз бўлар
 шовур-шувур —
 ханжармикан, санчармикан?!

Хотирамнинг чизиқлари
 қатор-қатор,
 туман-туман,
 саф-саф бўлган,
 гўё ипга тизилгандай садаф бўлган,
 бир чақага сотилгандан не наф бўлган?!
 Жиннихона.

Тўртта тентак тўрда бўлди.
 Аҳли шифо қаро ерда бурда бўлди.
 Мавжудликнинг Қизиқлари —
 Ҳозиқлари —
 Қозиқлари —
 жойлашган ер жўрда бўлди, ўрда бўлди.

Хотирамнинг чизиқлари ажабтовур,
 Оёғимдан бошга довуру
 Кулгудан кўзёшга довуру
 Худойимнинг ёзиқлари.

* * *

КЎЗГУНИНГ

қаршисида баҳорда очилмаган гуллар
 очилади
 фаслар турланади гўё
 нуқсонларингни яширмоқчи бўласан
 сен ўзингни яхши кўрасан
 кўзгуниг қаршисида
 ўлим даракчиси чақмоқ йўқолар
 фақат кўзгуниг қаршисида
 икки бедор дунё сени сақлайди.

* * *

Р.П.га

Ҳуш келдингиз кулбамга,
 ҳуш келдингиз, эй, Одам!
 Сочингиз бунча оппоқ,
 кўзингизда бунча нам?
 Сув келтиргин, эй, илон,
 имиллама бўл, тез чоп.
 Дастурхонни ёз чўчқа,
 тошбақа сен шамни топ.
 Қани меҳмон ўтиринг,
 узр энди... курси тош.
 Бироз суҳбат қурайлик.
 Ташвишдан қутилсин бош.
 Ташқарида нима гап?
 Бари менга ноён.
 Кўзни очинг, не бўлди...
 Нима қилдинг эй, чаён?!

О' ГЕНРИ

БЎЛИНГАН ТАНГА

Ҳикоя



Мен идорада ишлардим. Одатда Нью-Йорк ҳаёти ҳақида кичик ҳикоялар ёзардим. Бир куни ҳар доимгидай ўз идорада иш билан машғул бўлиб турганимда хонамга Трипп кириб келди. Мен Триппнинг аниқ қаерда ишлашини билмасам-да, лекин унинг жуда ҳам камбағал эканлигини билардим. Триппнинг кўриниши жуда нимжон, носоғлом, юзи эса докадек оппоқ эди. У менинг олдимга қачон келмасин, виски ичиш учун бир доллар сўрашини билардим.

Бу сафар Трипп аввалгиларга нисбатан анча ғамгин кўринди.

"Хўш, Трипп, қалайсан, ишларинг яхшими?" — дедим мен. "Бир долларингиз борми, жаноб Чалмерс? — деб сўради Трипп. Сизга ҳикоянғиз учун яхши бир ғоя керакми? Менда ажойиб бир ғоя бор. Бу сизга бир ёки икки долларга тушади, холос".

"Қандай ҳикоя, нима ҳақида", — дея қизиқиб сўрадим мен.

"Бир қиз ҳақида. Жуда ҳам гўзал, соҳибжамол бир қиз ҳақида. У йигирма йилдан бери кичкинагина бир қишлоқда яшайди, у ҳеч қачон Нью-Йорк шаҳрини кўрмаган экан. Мен уни кўчада учратиб қолдим. Мен кўчани кесиб ўтаётганимда у мендан Жорж Браунни қаердан топиши мумкинлигини сўради. У фермадан бешка ҳеч қаерни кўрмаганини ва кичкинагина қишлоқдан келганини айтди. Мен Нью-Йоркдек катта шаҳарда адашиб қолишидан қўрқиб, у билан суҳбатлашишга қарор қилдим. У менга келаси ҳафтада фермер йигитга турмушга чиқаётганини, лекин ҳозир бир неча йил илгари қишлоқдан шаҳарга пул топиш учун жўнаб кетган Жорж Браунни излаб келганлигини таъкидлади. Чунки Жорж Браун қишлоққа қайтиб бормаган. Бироқ, Ада—унинг исми Ада—фермер йигитга турмушга чиқишидан аввал Жорж Браунни топиб, у билан суҳбатлашини истайди. Ҳа, афтидан унинг кўнглида хали ҳам Жорж Браунга нисбатан илиқлик борга ўхшайди. Шунинг учун ҳам у Нью-Йорк шаҳрига келган. Мен унинг битта ўзини ёлғиз ташлаб қўя олмайман. У менга бор пулини ишлатиб бўлганлигини ва бундан кейин нима қилишини, қаерга боришни билолмастганлигини айтди. Шунинг учун мен уни пансионга олиб бориб, ўша ерда қолдирдим. Уни кўрганга мен билан бирга боришингни истайман".

"Нима деб алжираяпсан, Трипп, — дедим мен. — Мен ростдан ҳам ҳикоя учун яхши бир ғоянғ бор деб ўйлабман".

"Ундай дема, сени ишонтириб айтаманки, бу воқеадан ажойиб бир ҳикоя яратса бўлади, — деди Трипп. — Сен қиз ва чин муҳаббатни гўзал, мафтункор қилиб тасвирлаб яхшигина бир ҳикоя ёзишинг мумкин. Ахир бу қўлингдан келади-ку, қолаверса бу сенга фақатгина тўрт долларга тушади".

"Қандай қилиб бу менга тўрт долларга тушиши мумкин?" — деб сўрадим мен.

"Жуда оддий. Бир доллар пансионнинг эгаси учун, — жавоб қилди Трипп, — ва икки доллар қизнинг қайтиб кетиши учун, йўл кираси учун. Шу холос".

"Тўртинчи доллар-чи?" — деб сўрадим мен.

"Ҳа, бир доллар менга, — деди Трипп, — виски учун. Хўш, берасанми?"

Гарчи бу вазиятда ҳеч нима қилиб бўлмаса-да, мен ўзимга Трипп учун бир доллар бермасликка ваъда бердим. Гўё дунёдаги ҳеч бир нарса мени бу қароримдан қайтаролмасди. Шундан сўнг гарчи жаҳлим чиққан бўлса-да, мен Триппга ҳамроҳ бўлдим. Трипп ҳақ экан, у қиз жуда ҳам гўзал эди. Хонага кирганимизда биз Адани бир курсида, йиғлаб ўтирган ҳолатда учратдик. У менга ҳаммасини айтиб берди.

У Жорж Браун ҳақида гапирар экан, кўзларидан дур доналаридек шашқатор ёш оқарди. Бу вазиятда нима ҳам қила олардим? Ахир мен Жорж Браун эмасдим.

"Жорж ва мен, — дея давом этди у, — бир-биримизни жуда ҳам севардик. У ўн тўққиз ёшида, бундан олти йил аввал қишлоқни ташлаб Нью-Йоркка пул топгани кетган эди. У мен учун албатта қишлоққа қайтиб келишини айтганди. Лекин ўшандан бери мен ундан ҳеч қандай хат-хабар олмадим. Биз ажрашган ўша пайтда, иккимиз тангани икки бўлакка бўлиб, бир бўлагини мен ва иккинчи бўлагини у олганди. Кўлимизда танганинг икки қисмини ушлаб, бир-биримизга ҳамиша содиқ бўлишимизни ва ҳамиша бир-биримизни севишга аҳдлашган эдик. Унга бирор нарса бўлганига ишонгим келмаяпти. Мен уни бу ерга излаб келганим гирт аҳмоқлик-а? Мен ҳеч қачон Нью-Йоркни бунчалик катта деб ўйламаганим".

Шундан сўнг биз икковимиз Ада билан омадсиз Жоржни излашни тўхтатиб, уйига қайтишини қанчалик муҳим эканлиги хусусида суҳбатлашдик.

Мен пансион эгасига бир доллар тўладим ва шундан сўнг биз учовимиз уни тарк этдик.

Биз Адани қўзғатиш учун темир йўл бекатига келдик. Мен Ада учун чинта ва қизил атиргулдан гулдаста сотиб олдим. Биз у билан хайрлашдик ва у ўз қишлоғига жўнаб кетди. Трипп одатдагига нисбатан анча ғамгин ва бахтсиз кўринарди.

"Бу воқеани ҳикоя қилиб ёза оласанми" — деб сўради у мендан.

"Бу кичкинагина бир саргузашт-да, ҳеч бир қизиқарли нарсанинғ ўзи йўқ, лекин биз Адага ёрдам бердик. Кел, буни унутмайлик", — дедим.

Мен Трипп виски ичиши учун пул беришни истамадим.

Автобус бекати томон кетаётиб, Трипп ўзининг паршонини ечди ва мен у ерда арзонгина бир қумуш занжирни кўрдим. Нимадир занжирда осилиб турарди. Бу бўлакка бўлинган танганинғ ярим қисми эди.

"Нима?" — дедим мен, унга ҳайрат билан тикилиб. "Ҳа" — деб жавоб қилди у, — менинғ ҳақиқий исмим Жорж Браун. Лекин бундан нима фойда?"

Шундан сўнг мен бир оғиз сўзсиз кармонимдан Триппнинг вискиси учун бир доллар олдим-да, унинг қўлига тутқаздим.

Инглиз тилидан ЎЗМУ хорижий филологияси факультети талабаси Бобур Назармуҳаммедов тарж. аси.

КИТОБЛАР

бахш этган бахт

Эл эътибори-ҳамма орзу қиладиган, интиладиган юксаклик. Ҳар бир одамнинг барча иши, бутун фаолияти аслида шу чўққига чиқишга қаратилади. Бой-бадавлат бўлиш, мансаб-амалга интилиш, ҳазина топиш, ҳеч ким қила олмаган мушкул бир ишга қўл уриш, жангу жадалларга кириб, жасорат кўрсатиш каби ҳаракату амалларнинг замирида ҳам худди шу истак-одамлар эътиборини тортиш, кўпчиликдан ўзининг устун эканлигини намоиш қилиш хоҳиши туради. Одамзод табиатидаги бу хусусият фазилат саналадими ёки камчилик, қусур сифатида баҳоланадими, бундан қатъи назар, у бор нарса, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳамманинг кўнглида одамлар эътиборини тортиш истаги доим барқ уриб туради. Кишилар шунинг учун тез-тез кийими, либосини, машинасини янгилаб, ўзгартиради. Бу истак бировда кўпроқдир, бировда камроқдир, албатта бўлади. Эл эътиборида бўлишга интилиш, агар бошқаларни топташ, озор етказиш ҳисобига бўлмас, у иллат эмас. Чунки бу интилиш аслида тинимсиз меҳнат қилишу заҳмат чекишидир. Негаки эл эътиборига ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Эл эътибори бозорда сотиладиган нарса-буюм ёки фармон чиқариш билан бериладиган унвон эмас. Эл эътиборига фавқуллодда қобилият туфайли қилинадиган машаққатли меҳнат натижасида эришилади.

Эл эътиборининг "тупроғи" ҳам оғир, ҳам енгил келади. Унинг бундай сирли "юк" ини ҳамма кўтаролмайди. Шунинг учун бировлар эътиборга тушиб қолса, дарҳол босар-тусарини билмай, ўзини йўқотиб қўяди. Бундайлар дарҳол уст-бошию юриш-туришини ўзгартиради. Овозию гап-сўзидан димоғи кўтарилганини бирданига билдириб қўяди. Камдан-кам одамгина эл эътиборини суистеъмом этмай, ўзининг асл табиатини сақлаб қолади. Эл эътибори уларнинг масъулиятини оширади. Аввалгидан кўра кўпроқ меҳнат қилишга, бошқалар учун манфаатли ишлар қилишга рағбатлантиради. Озод Шарафиддинов худди шундай кишилардан бири эди. Адабиётшунослар, таржимонлар, публицистлар ичида энг номдори, шубҳасиз, Озод Шарафиддинов эди. Эл орасида машҳурлик бобида адабиётшунос, мунаққид, таржимон, публицистлар орасида ҳеч ким у эришган чўққига кўтарила олмайди. Айтиш мумкинки, ўтган аср 60-йилларидан кейин Озод Шарафиддинов Ўзбекистондаги мунаққидлар орасида энг машҳурларидан бири бўлди. Лекин у фан доктори, академик эмас эди. Фан номзоди илмий даражасигагина эга бу олимнинг ўзбек адабий танқидчилигидаги мавқеи аксарият академик, фан докторларидан баланд турарди. Унинг мулоҳазаларига энг эътиборли асос сифатида қаралиб келинди. Улар ҳозирги пайтда ҳам худди шундай қадр-қимматга эга.

Озод Шарафиддинов адабиёт аҳли ўртасида, бошқа турли касб-кордаги кишилар орасида бундай эътиборга аввало кўп китоб мутолаа қилганлиги, билим

доирасининг кенглиги, адабиёт асарларини ўзига хос теран таҳлил қилиши, истеъдодларни қадрлагани, қўллаб-қувватлагани, шогирдларини авайлаб эъзозлагани туфайли эришди. Китоб инсонни юксакликка кўтарадиган беқиёс қанот эканлиги Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти, фаолиятида яна бир бор намоён бўлди. Уни эл эътиборига муяссар қилган омил аслида китобларга меҳри, уларга интилиши бўлди. У китобларга умри бўйи меҳр қўйиб келди. Бу борада у кўпчиликка ибрат, намунага айланди. Ёзувчи, шоирлар, адабиётшунос, мунаққидлар орасида ҳеч ким унингчалик кўп китоб йиғмаган, китоб мутолаа қилмаган. Унинг китобни "биринчи мўъжиза" деб таърифлаши ҳам шундан далолат беради. У эллик йиллиги муносабати билан чоп этилган салмоқли китобини ҳам "Биринчи мўъжиза" деб номлаган эди.

Озод ака уйидан қўлида ҳеч нарса эмас чиқарди. Лекин қайтаётганида доим албатта бир даста китоб, газета-журналларни қўлтиқлаб кириб келарди. У китоб дўконлари, расталарига боришга ҳумори эди. Ҳар куни бир нечта газета-журнал оларди. Аммо у айримларга ўхшаб китоб, газета-журналларни йиғиш, тўплашга шунчаки ишқибоз эмас эди. Балки уларни мутолаа қилиш унинг кундалик иши, доимий одати эди. У ўқиш, ёзишни ўрганганидан кейин бирор бир кунини ҳам мутолаасиз ўтказмаган. Уни яқиндан билган, сафарларда ҳамроҳ бўлганлар "Озод ака сахарда ўрнидан турар-турмас китоб ўқир эди" деб ёзишади. Тақводорлар худди намоз ўқишга одатлангани сингари у ҳар бир кунини китоб, газета-журнал мутолааа қилиш билан бошларди. Мутолаа унинг учун худди нафас олиш, овқатланиш каби зарурий эҳтиёж саналарди.

Айримлар ўзини бошқаларга кўз-кўз қилиш, ақлли, билимдон эканини билдириб қўйиш ёки янгиликлардан беҳабар қолиб кетмаслик важҳидан мутолаа билан шуғуланади, китоб, газета-журналларни қанда қилмасдан харид қилади. Озод ака бу тоифадаги кишилардан эмас эди. Унинг китобларга ўзгача бир меҳри борлиги, уларни ҳамма нарсадан азиз деб билиши бирор бир янги китобни қўлига олган кезларида юз-кўзидан билиниб турарди. У номи тилга тушган янги бир асарга дуч келганида чинакамига севиниб кетарди. Бу пайтда унинг чеҳраси қувончдан ёришиб, лабларида табассум пайдо бўларди. Кайфияти бирдан кўтарилиб, агрофдагиларга қулиб ҳазил-хузул гаплар айтарди. Унинг жозибадор овози, қочиримли гаплари таниш-нотаниш одамларга бирдай хуш келарди. У кўп китоб мутолаа қилиб, кўп нарсдан хабардор бўлгани туфайли қаерда қандай гапиришнинг меъёрини ҳам биларди.

Одамнинг оти осмондан тушади, деганлари айни ҳақиқат шекилли, бу Озод аканинг феъл-атворида ҳам яққол сезиларди. У ҳеч қачон, ҳеч қаерда қимтиниб, тортиниб турмасди. Ўзини ҳар қандай давра, йигин,

машварат, тўй-ҳашамда бек сингари бемалол тутарди. Баъзан бошқалар андиша қиладиган, ийманадиган гапларни айтиш ҳам унинг учун одатдаги ҳол эди. Бунга унинг анча-мунча нарсани таҳлил қилиб, таққослаб бера олиш лаёқати куч, рағбат берар эди. Озод ака ҳар қандай даврада ўз мулоҳазаларининг асосли эканини инкор этиб бўлмайдиган тарзда исботлаб берарди. Унинг жарангдор, баланд овози ҳамманинг диққатини бир зумда жалб этар, маҳлиё қилиб қўярди. Минбарга чиқиб, жўшиб сўз бошлаганида ман-ман деган актёрлар унинг олдида тушолмасди. Озод аканинг билим доирасининг кенглиги, уста нотиклигию салобатли кўриниши, залворли овози туфайли ҳам эл эътиборини қозонган эди.

Озод Шарафиддиновнинг ўзини беҳад эркин тутиши университетдаги фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланарди. У иш жараёни билан боғлиқ қоғозларга деярли эътибор қилмасди. Озод ака ҳафта, ой сайин янгиланиши билан ҳаммага малол келадиган расмий ҳужжатларни ёзиб жигибийрон бўлиб ўтирмасди. "Бу бемаъни қоғозбозлик, расмиятчиликнинг адоғи борми? Ҳамманинг вақтини бекорга совурадиган, асабини эговлайдиган буйруқбозликка чек қўйиладими-йўқми?" деб мажлисларда очиқ-ошқора гапираверарди. Бошқалар сингари иш куни тартибларига ҳам асло амал қилмасди. Шогирдлари у тайёрлаши шарт барча қоғозларни зиммаларига олишарди. Кафедрада, факультетда навбатчилик қилишга-ку мутлақо тоби тоқати йўқ эди. Лекин унинг бундай чексиз "эрка"ликларини шогирдлари ҳеч бир огринмасдан, беминнат кўтаришарди.

Дунёда одам учун энг оғир нарса эса бировнинг миннатию эркалигини кўтариш. Бу "юк"ни кўтариш кишини минг тонна майда-чуйда тошни баландда тоққа кўтариб чиқишдан ҳам кўпроқ азобга қўяди. Озод Шарафиддиновнинг тантиқлигию эркалигини шогирдлари, бошқа кишилар шунинг учун ҳам кўтарар эдики, у билан билимдонлиги жиҳатидан улардан анча устун турарди. Кўп китоб ўқиб чиққани туфайли бошқаларга жўяли маслаҳат, кенгаш бера оладиган кишилар эса ҳамма жойда қадрланади.

Озод Шарафиддинов узоқ йиллар университетда дарс берди. Кўп талабаларга устозлик қилди. Унинг маърузаларини тинглаганлар умри бўйи бу таассуротни унутолмайди. "Бизни Озод Шарафиддинов ўқитган" деб улар доим ғурурланиб юришади. Бу домланинг маърузаларини маҳлиё бўлиб тинглаган талабалар орасидан машҳур шоир, ёзувчилар, адабиётшунос, мунаққидлар етишиб чиқди. Улар Озод акани устози сифатида доим эҳтиром билан эътироф этишади.

Ўқувчи, талабалар эса ўзларини ўқитган ҳамма ўқитувчи-профессорни ҳам устоз сифатида тан олишмайди. Дарс ўтган ўқитувчи буни эътиборга олмасдан оғзини тўлдириб "менинг шогирдим" деб ҳамма жойда айтаверарди. "Шогирд" ҳам унинг кўзи олдида "ҳа, шундай" дегандай бўладию, аслида бундай "даъвогар"нинг устидан мийиғида кулиб қўяди. Ўқувчи, талаба, тадқиқотчи, аспирант, докторант устозини дастлаб еру кўкда танҳо санайди. Секин-аста унинг "бисот"ини билиб олгач эса бу эҳтиромга путур етади. Шогирд устозининг худди ўзи сингари бир банди оғиз эканини кўргач, ундан ўзиб кетишга интилади. Ёшлик шижоати шогирдга шундай истак, қувват беради. Агар шогирд илм йўлидаги изланишларда устозидан ўзса ёки унинг нозикроқ жойидан ушлаб, андак хизматини ўтказиб қўйса, табиийки, ҳурмат қилмай қўяди. У устозини ҳурмат қилгандай кўринса-да, аслида муносабати бошқача бўлади.

Озод Шарафиддиновнинг шогирдлари эса ҳаммиша унга астойдил эҳтиромда бўлишди. Чунки улар ҳар қанча интилиб уринишса-да, ундан ўзишолмади. У муттасил

мутолаа қилиши туфайли, доимо ўсиб улғайиб борди. Аксарият устозларга хос танбаллик касаллигига йўлиқиб, эришган чўққисида тўхтаб тўнғиб қолмади. Озод Шарафиддинов янгиликка интилиш борасида барча шогирдларидан доимо олдинда юри. Илмий-ижодий самараларга эришишда ҳам у ҳаммиша пешқадамлик қилди. Аммо у бунга шогирдларининг қўлини тутиб туриш, дўқ-дағдага қилиб тўхтатиш орқали эришмади. Аксинча, баъзи шогирдлари унинг Абдула Қаҳҳор асарлари ҳақидаги қарашларига зид мулоҳазалар билдирганида ҳам уларга индамади. У ўша пайтда галати аҳволга тушиб бўлса-да, бундай "даъвогар" шогирдларини қўллаб-қувватлади. У қарашларига қарши чиқадиган шогирдларига хайрихоҳлик қилганида ҳам албатта жуда кўп жиҳатларни ҳисобга олганлиги табиий.

Лекин муҳими шундаки, Озод ака унинг "этаги"дан тутишга интилганларга имкони даражасида яхшилик қилди. Яхшиликнинг фазилати, жозибадорлиги эса шундаки, у қалбни юксалтиради ва кишини янада эзгу ишларга рағбатлантиради.

Шогирдни ўз измига солиш, ҳаммиша итоатда тутиш, у "сапчиган" пайтларда қайириб қўйиш устознинг қўлидан келади. Чунки у ҳеч бўлмаганда, саркаш, итоатсиз шогирддан воз кеча олади. Устозлик кишига шу қадар кенг имкониятлар эшигини очиб қўяди.

Озод Шарафиддинов шогирдларига нисбатан бундай бағри кенг бўлишга ҳам аввало тинимсиз мутолаа қилиш, билим доираси, дунёқарашини муттасил кенгайтириш туфайли муяссар бўлди. Чунки фақат билимгина инсоннинг қалбини кенгайтиради, кичик бир вужудга улкан дунёни сиғдириб жойлаб қўяди. Китобни инсонга берилган барча мўъжизаларнинг устун деб қараш, уни ич-ичидан суйиш Озод Шарафиддиновнинг қалбига теранлик, феълига кенглик бахш этди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Айрим кишилар кўп китоб тўплаб, уларни нари-бери варақлаб жавонга қўйиб қўйишади. Озод ака эса қўлига олган китобнинг мағзини "симирмасдан" қўйишмасди. У уч-тўрт саҳифасини варақлаш билан китобнинг даражасини дарҳол билиб оларди. Эътиборини тортган китобларни эса албатта эринмасдан синчиклаб ўқиб чиқарди. Саҳифаларига белгилар қўярди ва албатта улардаги мулоҳазаларни мақолаларида ўрнини топиб қўлларди. Хорижлик муаллифларнинг асарларини ўзбекчага ўгириб, ўқувчиларга етказишга ҳам жуда жиддий ёндашарди. У асарларни ўзбек тилида маромига етказиб жаранглатадиган ҳассос таржимон эди. Жаҳон адабиётининг кўплаб дурдоналари ўзбек тилига ўтирилган. Аммо айрим таржимонлар энг яхши асарларни ғариб аҳволга солиб қўйганлиги ҳам маълум. Озод Шарафиддинов таржима қилган бадиий асарларда, адабий-танқидий, илмий мақолаларда эса бундай қусур деярли сезилмайди. Улар худди айнан ўзбек ёзувчиси, адабиётшунос олими томонидан ёзилгандай таассурот қолдиради. Озод ака Проспер Мериме, Василь Биков, Жон Голсуорси каби ёзувчиларнинг роман, қисса, ҳикоялари, адабиёт, санъат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги мақолаларини ўзбекчага ўтирган. Уларни ўқувчи мароқланиб ўқийди. Чунки уларда жумлалардаги сўзлар бир-бирига "уриниб-туртинмай" худди дарёнинг сувидай равон оқади.

Озод Шарафиддинов "хат"ига хос бу равонлик ҳам аслида унинг "кўп ва ҳўп" мутолаа қилиши туфайли тутилган. Мунаққиднинг Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги, замонавий ўзбек шеърятни тўғрисидаги мақолаларидаги дастлабки жумталар ўқувчини оҳанрабо каби тортади. Чунки уларда сўзлар жарангдор оҳанг ҳосил қилиб, бир-бири билан бирикиб сингишиб кетган. Озод Шарафиддинов адабий-танқидий мақолалари шеърга хос

жарангдорлиги билан диққатни жалб этади. "Танқидчи бундай маҳоратга қандай эришган?" деган савол қўйилса, унга: "Кўп ва ҳўп мутолаа туфайли муяссар бўлган" деб жавоб берилса, айна ҳақиқат бўлади. Чунки фақат мутолаагина одамнинг сўз бойлигини кўпайтиради, унинг мушоҳада қилиш қувватини оширади. Сўз захираси ночор, мушоҳада доираси тор адабиётшунос қўлига қалам олиб, ҳар қанча уринмасин, худди бойлоглик отдай бир жумла устида депсиниб, юраги сиқилиб ўтираверади. Озод аканинг турли мавзудаги мақолалари, таржималари эса унинг қалами қоғоз устида шиддат билан силжиганидан далолат беради. Шу боисдан улар мароқланиб ўқилади.

"Кўп ва ҳўп" мутолаа Озод Шарафиддиновнинг "хат"игагина эмас, унинг оғзаки нутқиға ҳам ўз таъсирига эришган эди. У ҳар қандай мавзуда исталган ҳодиса тўғрисида атрофдагиларни ҳаваслантирадиган даражада тўхтамасдан равон гапира оларди. Адабиётшунос, мунаққидлар орасида Лазиз Қажумов ҳам бу жиҳатдан анча ўткир эди. Агар кишида чинакам нотиклик қобилияти бўлса, у оқни "қора", қорани эса "оқ" деб кўрсата олади. Озод Шарафиддинов бу қобилиятини суиистеъмом қилмас, ҳамиша ҳақиқатни ёқлаб гапирарди. У мажлис, машваратларда минбарга чиқиб, ўзини кўрсатишга ишқибоз айрим ногиллар сингари шамол йўналишига қараб иш тутмасди. Шунинг учун баҳс-мунозаралар чоғида кўпчилик унинг сўзга чиқишини кутиб ўтирарди. Кишиларнинг бундай эътибори, эҳтиромига ҳам Озод Шарафиддинов китобларга бўлақча меҳри ва улардан қувват олгани туфайли эришган эди.

Китоблар ўзининг мўъжиза эканлигини Озод Шарафиддинов касалликка чалинганида ҳам амалда кўрсатди. У узоқ вақт қанд касаллигидан азоб чекди. Шу касаллик туфайли оёқларидан ажралди. Уйда, касалхоналарда ётиб даволанди. Бундай пайтда унга малҳам, дорилардан ҳам кўра китоблар кўпроқ куч-қувват бахш этди. Шунинг учун оғриқ кучайган пайтларда ҳам у доим кўтаринки кайфиятда бўлди. Ўзининг матонати, иродаси билан кўпчиликни қойил қолдирди. У касалхонада тўшакда ётганида ҳам китобни қўлидан қўймади. Муттасил мақолалар ёзди, дўхтир назоратида турган пайтларида қўлига асарларни таржима қилди. Китоблар Озод Шарафиддиновга ўша пайтларда одамлардан ҳам кўра энг яқин суҳбатдош, сирдош, ҳамкор бўлди. Албатта у ҳеч қачон бир лаҳза ҳам ёлғиз қолмади. Оллоҳ Озод Шарафиддиновни оила бобида ҳам омадини бериб, бахтини бутун қилиб яратганидан, рафиқаси Шарофат опа уни умр бўйи кафтида кўтариб ардоқлади. Фарзандларининг ҳаммаси ҳавас қилишга арзийдиган инсон бўлиб етишди. Шогирдлари доим ҳолидан хабар олиб турди. Лекин унинг оғир касалликка матонат билан дош беришига аввало кўп китоб мутолаа қилганлиги, адабиёт орқали ҳаёт моҳиятини англаши улардан ҳам кўра кўпроқ кўмаклашди. "Адабиёт, санъат, ижод нима?" деган саволга аксарият кўпчилик деярли бир хил жавоб беради. Бу жавоб китоблар, луғатлар, қомусларда баён этилган мулоҳазалар доирасидан нарига ўтмайди. Озод Шарафиддинов эса бу саволга: "Адабиётни, санъатни англаш, тушуниш инсоннинг чинакам бахти" деб жавоб берди. Чунки унинг ўзи адабиётни ҳақиқий бахти, умрининг асл мазмуни деб билди. Адабиётни ҳис қилган, китоблар саҳифаларидаги ҳаётнинг турфа хил ҳодисаларини ҳаёлан тасаввур қилган бундай кишилар эса ҳақиқий бахтдан баҳраманд бўлиб, ҳамиша эл эътиборида яшайдилар.

Ахтам РЎЗИМУРОВОВ

Хаёлларим узун...

ЁШЛИК КЕРАК

Сен гўзалсан, қорақўзгина,
Нолойиқ бу - фақат бизгина.
Уртамизга тушмасин гина,
Ёшлик керак менга озгина.

Мени нуқул қилмагин сўроқ,
Кечир, ўн беш яшар қизалоқ.
Юрагимда ўт ёнар, бироқ
Ёшлик керак менга озгина.

Яшайсан-у, эмассан тайёр,
Бўлаверар бир камлик такрор.
Менинг шунга муҳтожлигим бор.
Ёшлик керак менга озгина.

Бахтли бўлсанг, хафсан нечун?
На йиғлашинг, на кулишинг чин.
Сени бахтли қилишим учун,
Ёшлик керак менга озгина.

ОЛДИНГА БОРАМАН

Ўлдирар азобнинг менга тушгани,
Шу эмиш ҳаётнинг сахийлашгани,
Ўзганинг олдиға кузатмоқ учун.
Олдинга бораман хайрлашгани.

Пешонамда қош бўлиб қоқилганимас,
Кўзларингга чуқур тикилганимас.
Буғун кучоғингга отилганимас,
Олдинга бораман хайрлашгани.

Ҳаёт чексанг азоб, ўймасанг ўйин,
Ғамни кулгу билан ёпмоғинг қийин,
Ўйда биров тўхтаб йиғлаб олайн,
Олдинга бораман хайрлашгани.

Ҳаёлларим узун, ижоним калта,
Ҳисларим пойимга урмоқда болта,
Азизам, зеро бу охириги марта,
Олдинга бораман хайрлашгани.

ГУЛИМ

Баҳор келиб, гулдан таралиб ҳидлар,
Гул парда тўтилагач замин юзига,
Бизнинг томонларда барча йиғитлар
Гул совға қилади севган қизига.

Бошқалар гул тўтиб турганин кўриб,
Мен ҳам сенга сўлим гул тутган эдим.
Бошқалар гулини рад қила туриб,
Гулимни оласан деб кутган эдим.

Севги изҳорларим келганда тўлиб,
Ярми тилда қолди, ярми дилимда.
Сен қоғоздан бўлган гулларни олиб,
Тирик гуллар қолиб кетди қўлимда.

Баҳор келиб, гулдан таралиб ҳидлар,
Гул парда тўтилагач замин юзига,
Бизнинг томонларда барча йиғитлар
Гул совға қилади севган қизига.



Қаюм БОЙМИРОВ



МУКАММАЛЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг энг асосийларидан бири-таълим тизимига жорий этилаётган ўзгаришлар. Таълим тизимининг шахс шаклланишида тутадиган ўрни беқийс. Бироқ, таълим жараёни ҳамда у орқали эришиладиган натижалар моҳияти ва мазмунини изчил таҳлил этмасдан, қолаверса аҳамиятини фан доирасида ҳамда давлат сиёсати даражасида тушуниб етмасдан туриб, таълим тизими ва ундаги ислохотларнинг мақсад вазифаларини чуқур англаб етиш мушкул.

Дарҳақиқат, таълим жараёни ва уни ҳаракатга келтириш кенг қамровли амалий малакани талаб этади. Амалий малака эса замонавийлик асосидаги қарашлар ҳамда кузатишлар ҳисобига кенгайиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда бир ҳақиқат битигини ёшларимиз доимо эслашлари жоиз: "Доно эзгу ниятга интилиб яшаса, нодон эзгу ниятни кутиб яшайди". Ушбу битиклар тарихий обидаларнинг пештоқларига битилганлиги ҳам бежиз эмас.

Таълим жараёнига оид фикрларни узоқдан бошлашимизнинг боиси шундаки, айтиладиган фикрларимизнинг мазмуни тўғрисида қисман маълумот бериш, шунингдек, таълим жараёнинг мақсадини фан қонуниятлари даражасида таҳлил этишдан иборат..

Дунё тажрибасини ўрганамиз ва ривожланган мамлакатлар ютуқларини айтамиз ҳамда ўзимизга-ўзимиз тасалли бериб, "шунини биламанку", деб гўёки ўзгалардан кўпроқ нарсани билишимиз билан фахрланамиз. Лекин дунёнинг ривожланган мамлакатлари ютуқларининг асл моҳияти, мазмуни ва келиб чиқиши тарихи тўғрисида фикр юрита олмаймиз ёки ушбу ҳолатни кўпам ўрганиш муҳимлигига эътибор қаратмаймиз. Аслида, шахснинг яшаши, Таълим тизими ҳамда турларининг мақсадида нима ётибди ва унинг давлат даражасида етиб бораётган муаммолари қандайлигини таҳлил этмаймиз. Мазкур ҳолатларни қандай шакллантириш кимнинг зиммасида ва бошқа ҳолатлар тўғрисида маълумотларга эга эмасмиз.

Албатта, ҳаёт ва таълим ҳақида фикр юритганда, жамият ҳамда давлат ҳаётига қонунларнинг жорий этилиш зарурияти, аввало инсон учундир. Ундан инсонлар ўзларининг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш жараёнида фойдалана билишлари керак. Демак, таълим жараёни учун ҳам татбиқ этилаётган қонун ҳужжатлари келажақ авлод учун кенг қўламли манфаатни қамраб олиши зарур.

Кўп ҳолларда кузатиладики, шахс учун ҳақиқатни айтишнинг энг осон йўли: доимо бировни қоралаш,

ҳеч қачон ўзим айбдор, мен шунини бажара олмаймиз, ақлим етмади ёки ғаразли манфаатим устун келди, деб айта олмасликдир. Бу жуда катта фожеа. Фақат ёшлар ўзининг хоҳиши билан ўзини ўзи маълум тартиблар асосида баҳолашини синаб кўриши зарур. Айтиш жоизки, инсон ўзини ўзи баҳоласа, албатта юқори баҳолайди. Шунинг учун ҳам ҳолис тизим асосида шахснинг ўз баҳосини ўзи билиб бериши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонуниятнинг келиб чиқиш тўғрисида фикр юритсак, унда айрим ҳолатлар тўғрисида мулоҳаза қилиш ўринли ҳолат ҳисобланади.

Шахс дунёга, теварак атрофга ўз фикрини билдириши ва уни англаши оиладан, аниқроғи, онадан бошлашини, дунёқарашнинг пайдо бўлиши кўпроқ таълим жараёни (кўриш, эшитиш ҳам таълим тизими элементлари деб тушуниш керак) давомида шаклланиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Зеро, шундай экан, унда, таълим нима, мазкур жараёндан амалда фойдаланиш ҳолати нима, каби саволлар мажмуаси юзага келадик, бундай мазмундаги ҳолатга жўяли жавоб топиш доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам таълим жараёнининг моҳиятини мукамал тушуниш эҳтиёжи долзарблигича мавжуд. Менинг фикри ожизимча, таълим-таярбиянинг илк меваси — ёшларда масъулият ҳиссини уйғотиш. Улар шу касбим, ҳунарим, мансабим доирасида нима қилдим, шахсан ўзим ташаббусим ёки жисмоний кучимни йўқотиб нима қилдим, қайси соҳа ёки фан тармоғи учун нима қилдим, ўз ахлоқим билан ўзгаларга ўрнак бўла олдими, деган саволларга маъноли ҳамда ишончли жавоб бериш мажбуриятини ҳамиша чуқур англашлари зарур.

Бугунги ёшлар онгини пуч ғоялар билан тўлдириш мумкин эмас. Яъни ёшларимиз бугун тадбиркор, ишбилармон сифатида қонуний кучга эга шахслигини билиши шарт. Қайсики, меҳнат натижасидан манфаатдор бўлмаган шахсгина ўзининг имкониятини баҳолай олмайди.

Ёшлар ўз имкониятини баҳолашда доимо биринчи ва алоҳида ажралиб туришни хоҳлаши оддий психологик манфаат ҳисобланади. Чунончи, шахс баҳолашинининг қандай мақсадларда амалга оширилаётганлигидан қатъий назар, ўзи учун ижобий натижалардан иборат бўлишни хоҳлайди.

Шунинг учун ҳам фикрлайдиган, ўз ўзига баҳо бера олиш хусусиятига эга бўлишни жамият ва давлат тараққиёти талаб этмоқда. Демакки, масъулият ёшларимизнинг ўзида.



Энди Сиздан гина қилмайман



* * *
Худо гувоҳ ўзи куйганларимга
Сизни ҳам чин дилдан суйганларимга.
Ҳаққим-ку, йўқ эди, ўзи кечирсин,
Ўзи берган жондан тўйганларимга.

Балки, хатомиди мен қаби яшаш,
Хатоми билмаслик адоват, кинни.
Қанчалар фожеа, ҳалига қадар
Ажрата билмаслик ёлғондан чинни.

Ўзи йўқ ҳисларга ем бўлдим қанча,
Қийналиб жон берди не-не туйғулар.
Мен барибир сизни ёмон кўрмадим,
Яшашга ўргатди мени қайғулар.

* * *
Бунча оғир сизга қараш, эй сиз сохта нигоҳлар
Бўлди, энди сиз ҳам кетинг, сиздан бездим гуноҳлар.
Қилмагайман ҳеч барибир мен бекорга оҳ-воҳлар,
Кеча кўрган тушим эрта рўёб бўлса не ажаб..

* * *
“Энди сиздан гина қилмайман”...
З.Эгамбердиева

Энди сиздан гина қилмайман,
Сиз деб энди гуллар термайман.
Кўргуликлар бир ўзимники
Кўрқманг, уни сизга бермайман.

Йўқ эдингиз, бор қилдим ўзим,
Энди эса йўқсиз мен учун.
Сиз менинг энг буюк хатомсиз,
Хато кетган ўқсиз мен учун.

Нечук йўл бу, бу не аросат,
Манзилга ҳеч етиб бўлмаса.
Сиз ҳам шуни хоҳлаган билан,



Текис эмас экан йўллар, тўғри кўрдим кўп жафо,
Ҳавас қилдим, бек ишқини, армон бўлди лек вафо.
Умр бўйи орзу қилдим, аммо кўрмадим сафо,
Йиғлаган ярим кўнглим шояд кулса не ажаб...

Шу ёшда ҳам билмасам, ким яхшию-ким ёмон,
Ёмон қолиб, яхшиларга нега кун йўқ бу замон.
Кўрмагани қолмаган эй, яхшиям юрак омон,
Бир кун келиб бўшаб қолган юрак тўлса не ажаб...

* * *
Майлими, мен сизга тоғ деб суянсам,
Тоғ қаби суянчиқ бўлоласизми?
Буюринг не қилай, мен яна сизга
Керагида сиз ҳам ўлоласизми?

Йўқса айтинг менга, юрмай беҳуда,
Парвона мисоли қанотим куйиб.
Бор бойлик — ихтиёр кетди қўлимдан,
Куним қолгач сизга, мен сизни суйиб,
Майлими, мен сизга тоғ деб суянсам..

Сизни ташлаб кетиб бўлмаса.
Энди сиздан гина қилмайман...

* * *
Тайинли, тайинсиз чопаман,
Худдики, улгурмай қоламан.
Онасига бир яхшиликни,
Мен ҳали қилмаган боламан.

Қийналиб кетаман гоҳида,
Шундай қўл силтайман, тонаман.
Мен ёмон боламан, эҳтимол,
Эҳтимол, мен ёмон онаман.
Тайинли, тайинсиз чопаман.

* * *
Ўйинлардан адо бўлдим, рост
Былдим, ҳаёт шафқатсиз устоз.


Мен қулоқсиз толиб, шунданми
Унинг менга марҳамати оз.

Бу сертикан, норавон йўлларда,
Суянч топмай йиқилдим кўп бор.
Чиндан уни севгандим ахир
Энди эса унутмоқ душвор.

Топганим пушаймон у хатолардан,
Ўзимни кўрарга кўзим йўқ.
Ҳар дам жангга тайёр тур, юрак,
Сенга келиб тегмасидан ўқ.

Ярадор бўлишга ҳаққинг йўқ,
Ёки ўлим ёки ғалаба.
Ўқувсиз бўлишдан чарчадим
Энди бўлгум зўр талаба.





Ёшин ҲАКИМОВ

ХОТИННИНГ ЗҮРИ

(Уйланганлар ўқимасин)

Ражаб ака уйлангунига қадар бўлажак жуфти ҳалоли Шарифага атаб бир неча шеър ёзган экан. Қараса, бинойидек қўли келишяпти. Кел, яхшиси шоир бўламан, деб Шарифахоннинг илқиға ўтгандан сўнг ҳам машқни авжига чиқарибди.

Аммо ёзганлари анча-мунча кўпайиб, бир қалин дафтар яримлаб қолгач, мақтов эшитгиси келиб хотинига кўрсатди-ю... балога қолди. Ахир заҳматли кечаларда битилган мисралардаги "хипча бел", "шахло кўз", "қирқ кокил" каби сифатларнинг бирортаси ҳам хотинида йўқ эди-да!

— Ҳа, кўнглингиз шунақасини тусаб қолдимиз? Кимга атаб ёздингиз? — дея хурпайди янга.

Шоир у деди бўлмади, бу деди, кўнмади. "Э, бор-э!" деб акамиз шоирликдан воз кечди.

Аммо анча-мунча гапни қофиялаштириб гапирадиган Ражаб ака қишлоқ тўйларида давракашлик қилиб юрарди. Бир гал маҳалладаги тўйда раққоса шаънига тантанали мақтовлар айтиб, даврани қиздириб, ўйинчининг ўйинга тушишини мадҳ этаётган эди, янга шартта келиб қўлидан микрофонни тортиб олди.

— Намунча унга қараб сузилмасангиз? Эркакларга сўз берганда қийшангламайсиз-ку! Қани, олдимга тушинг.

Муסיқа жаранглаб турган бўлса-да, қўлидаги овоз кучайтиргич Шарифахоннинг эрига айтган бу "олқишлари"ни ҳаммага ошкор қилди. Бўлди кулгу, бўлди томоша!

Ражаб ака эса шу-шу — давра бошқаришдан ҳам маҳрум. Боз устига авваллари озода кийиниб, соч-соқолини тартибга келтириб юрадиган Ражаббой уйланиб, бу бахтдан ҳам бебахра қолди. Бир-икки марта ўзига оро бераётганини кўрган хотини, "Ҳа, кимга ёқиш учун бу ҳаракат?" — дея заҳрини сочди.

— Сенга хотин.

— Бўлмаган гап. Дод, бир гапингиз бор сизнинг.

— Э, ўчир-э! Мана, сочимни тарамадим, бўлдимиз?

Ражаббой жаҳл билан чиқиб кетиб, қизиқ устида сочини кирдириб ташлади. Жангари хотиннинг жағи шундаям тинмади. Нима эмиш, эри қизлар кўп жойда ишлармиш. Ноилож қолган Ражаб ака туппа-тузук ишидан бўшаб, фақат эркаклар ишлайдиган жойга ўтди. У даргоҳнинг номи "гараж" экан. Машиналарни тузатармиш!

Шу тариқа шоирликни ҳавас қилиб, кам бўлмаган Ражаббой ака энди аламли шеърлар айтади. Аммо ёзишга кўрқади. Мабодо, бу ишидан ажралиб қолса, ҳоли нима кечади?

Мирзо АҲАД

ТҮЙГА КЕЛИНГЛАР

Ҳажвия

Мен бундай қорлоқмен, замонда яшаётганимдан ҳурсангман. Уйланман, деб бош ертимайман. Керак бўлса қизларнинг ўзлари қўлимга совиб юборишади. Узимни ҳам отам кўл-оқди қилиб тарбиялаганлар. Сунур-сидурдан бошлаб, то бола алаасизанга барисини элайман. Ошнинг айтсам, ҳамликки-аман. ҳали бирор қизга қўлимни қўшмаганам йўқ. Алтубоқда битмаси-нинг қўли қўлимга тегибди, шундирам жамирлаб кетдики... Ушан-дан бери бирор қиз қўлини қўлимга ақин-лаштиришдек бўлса ҳудди электр токи ура тган-дек бўлади.

Соғиналарга кетма-кет "йўқ, йўқ" деган-имдан-тингани чиққан отам:

— Уйлан-ин, шунг йўқиб бора-пти. Сенга қараб отамг шўрлик "Уғайминг бахти о-нимла-пти", деб сўқила-пти. Икки ққанг-инг ҳам бўйи етиб қолди, - деган-иб хол-жонимга қўйма-птилар.

Отамни тиши-ниш керак. Ҳуз ўзлари бизларни ҳеч қимдан кам қилмай ўстирдилар. Отамоним чў беги, икки қкам ҳам ўзимдек бекорсоз. Ҳар замонда бир зар дўнни қи тўн-тиқиб сотишади, топган-пўлари ўзларидан ортмайди, мен-инг эса бундай ишларга моқатим йўқ. Тўғриси, нишир-туширдан қўлим бўшалайди.

Ҳар тарафдан тўқилган қўла берганларидан сўнг охири қўла-ишга рози бўлдим. Қарши чў ойдан бери қўшимга келиб кетадиган соғиналар менни бўлгуси келиб билан чў-раштира-сқ-и бўлдилар. Ҳўлмас, қиз билан чў-рашши чў-чи "Идес" боғи томон кетадиман. Отам мен-и кўзг қаршисига йўққа зўб роса оро берганг, бўйинимга бушам-инг шол рўмолин-и "шайдоий" қилиб ташладилар. Кўн-чагзи қизларнинг бариси менга сўқ билан қараб, "оҳ, даҳшатки!" деб гап отишади. Индамай юзимни буриб йўлимга қабел этаман.


Майшўқа қўлига бир даста зўл билан мен-и моқатси-лан-иб кўтиб турган экан. Дарро: йўлимга пешлоз чиқди.

— Оҳ, бунча интизор этгани-из, Мардон-он, - дегу чў илтитор билан, кейин зўл-и менга тўпқазиб сайрай кетди.

— Сизни олма нишиғида қарин-дошимиз-инг тўйига кўриб, селиб қолганман. Сизсиз ўтган-ҳар бир даққа менга татимайди. Илтисос, соғиналарни қайтарманг.

Кўз қўрим билан аста назар солсам Ойночүк бун-ойу-дек: тор шим, юкка қозма нозик қоматиға хўб арашган-ки. Индамадим: сўқит оламатни ризо деган-лар-ку?! Чамамда, ҳа демай тўйимиз бўлса керак. Ниқоҳ тан-танамизга марҳабо. Тўйга келаларингиз бирим қўла-аман-ку...

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-
dan chiqq boshlagan.

© "Yoshlik" № 4 (209) 2006 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**IFTIXOR**

Bobur NAZARMUHAMEDOV. Asrlarga tatigulik kun 1

NAZM

Abdug'ani SULAYMON. Ozodlik 2

Shukur QURBON. Chorla g'ofil gullarni 3

G'ayrat MAJID. Munis iforlar dimog'imdadir 28

Gulandom TOG'AYEVA. Bahor kelsa ko'rishgaymiz 31

Oygul ASILBEK qizl. Yaralganman sizni uchratmoq uchun .. 35

Furqat MELI. Xotiramning chiziqdari 40

KUMUSH. Endi sizdan gina qilmayman 46

SAN'AT

Iqbol QO'SHSHAYEVA. Yuragini meros qoldirgan inson ... 32

NASR

Normurod Norqobilov. G'animlar 6

Mahmud YO'LDOSHEV. Dunyoni o'zgartir 29

BIRINCHI UCHRASHUV

Gulnoza BOBOYEVA. Saharlarda bo'lgan sirdoshim 30

Axtam RO'ZIMURODOV. Xayollarim uzun 44

TADOIOT

Yo'ldosh SOLLJONOV. Harakatdagi ruhiyat 36

MUSHOIRA

Mustaqillik mushoirasi 38

ASLIYATDAN TARJIMA

O'Genri. Bo'lingan tanga 41

SABOO

Abdulla ULUG'OV. Kitoblari baxsh etgan baxt 42

MULOHAZA

Qayum BOYMIROV. Mukammallikning mashaqqatli yo'li ... 45

YELPUG'ICH

Yoshin HAKIMOV. Xotinning zo'ri 47

Mirzo AHAD. To'yga kelinglar 47

Muqovalarimizda

1-betda: Mustaqilligimiz abadiy bo'lsin.

2-betda: Adabiyot bayramidan lavhalar.

3-betda: Atoqli shoira Qulibeka.

4-betda: O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist T. MATKARIMOV

Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar'li Neru, 1-uy,
Telefon: 133-40-83
Bosishga 23. 08. 2006 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan o'lini deb
izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 142

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.